

Хуан РУЛЬФО

Педро Парамо

Қисса

Комалада отам борлигини эшитгач, йўлга отландим. Бу дунёдан умидини узиб ётган онамдан отам ҳақидаги гапларни эшитдим-у, уни излаб топишга сўз бердим. Қарорим қатъийлигига ишонтириш учун унинг қўлини қисдим. Аста-секин сўниб бораётган онамнинг ҳар қандай хоҳишини сўзсиз бажо келтиришга тайёр эдим. "Бепарво бўлмай отангни, албатта, излаб топ,— деб тайинлади онам менга. — Қулогингга қуйиб ол: унинг исми Педро, фамилияси Парамо. Кўнглим сезиб турибди, сени кўрса хурсанд бўлиб кетади". Унинг бу истагини амалга оширишга яна бир карра ваъда бердим. Шу тобда бошқа бирон нарса дейишим мумкинмиди? Онамнинг аллақачон музлаб, чангак бўлиб қолган бармоқлари орасидан қўлимни зўрга сугуриб оларканман, аҳдимни такрорлашни қўймас эдим.

Онам жон таслим қилиш арафасида: "Сен ундан бирон нарса сўраб ўтирма. Ҳақингни талаб қил. Шаръан бизга тегишли нарсани ундириб ол. У менинг маҳримга тушган ҳамма нарсани шу пайтгача босиб ётган эди, сенга битта қўймай қайтарсин... Лоақал одамгарчилик юзасидан ҳам бизни бирон марта эслаб қўймади. Бу қилмиши учун энди жуда кўп товон тўласин", деди.

— Айтганларингизнинг ҳаммасини бажо келтираман, ойи.

Буларнинг ҳаммасини кўнгил учун айтдим, аслида ваъдамни бажариш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Бироқ кейинчалик, онамнинг вафотидан сўнг мени тўсатдан ажабтовур гаройиб хаёллар ром этиб олди: бирдан бошқача бўлиб қолгандим, аллақандай хаёлий бир олам мени ўзига чорларди. Бу олам менинг орзу-умидларимдан яралганди, гўё онамнинг жуфти ҳалоли бўлмиш Педро Парамони кўриш бирдан-бир орзуим эди. Шу тариха Комалага отландим. Августнинг иссиқ запtiga олган жазирама кунларидан бири, илиқ шамол чириган сапиндуснинг бадбўй ҳидини димоққа келтириб уради.

ХУАН РУЛЬФО ВА УНИНГ ҚИССАСИ ҲАҚИДА

Эмин УСМОН таржимаси

Лотин Америкаси адабиётининг буюк намояндаларидан бири Хуан Рульфонинг ёзувчилик қисматига ҳавас қилса арзийди. Бу санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида яратилган асарлар у ёзган нарсалардан бир неча ҳисса кўп. Иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган ижодкорлар авлоди Лотин Америкаси адабиётини жаҳонга танитди, бу қитъа халқларининг ҳаётига, уларнинг янги жамият барпо этиш учун олиб борган шиддатли курашига қизиқишни кучайтирди; ҳар бир одамнинг қалбида ўзлигини танишга, ҳар қандай зўравонлик ва хунрезликка, иккиюзламачилик ва мунофиқликка қарши муросасиз бўлишга даъват ҳам этди. Адабиётнинг инсонни машаққатли, бироқ саодатманд этувчи йўлга ундовчи олий вазифаси ҳам шундан иборат.

Мексика адабиётининг яна бир намояндаси, XX асрнинг машҳур романнависларидан бири Карлос Фуэнтос Хуан Рульфо ҳақида ҳавас билан шундай деб ёзади: "У Мексика ҳаётини ақл бовар қилмас даражада чуқур ўрганган зотдир..."

Хуан Рульфо 1918 йили Халиско штатида туғилган. Етимликнинг оғир ситамлари уни тез балогатга етказди, одам танишни, дунёнинг ишларини идрок этишни ўргатади.

Йўл гоҳ тепага ўрлаб, гоҳ пастга энади. "Бу ердан пастга қараб тушасан, у томон эса ўр. Уйдан йўлга чиққанингда тик қияликка кўтариласан, изинга қайтаётганингда сойликка тушиб келасан".

— Ҳов анови, сойликдаги қишлоқнинг номини нима дедингиз?

— Комала, сеньор.

— Адашмаяпсизми? Наҳотки шу Комала бўлса?

— Ҳа, сеньор, Комала.

— Нега қишлоқ бунчалик харобага айланиб қолган?

— Замон оғир, сеньор.

Бу жойларни бутунлай бошқача тасаввур қилган эдим. Ахир, мен бу ерда онамнинг хотиралари воситасида, унинг ҳасратга тўла кўзлари, ўтли хўрсиниқлари орқали кўрганман. У умр бўйи Комалани кўмсаб, бу ерга қайтиб келишдан умидвор бўлди, бироқ ниятига етолмай оламдан ўтиб кетди. Онамнинг ўрнига мана мен келяпман. Бу ердаги ҳар бир нарсага онамнинг кўзлари билан боқаман, чунки бу кўзларни инъом этаркан, онам дунёга унинг ўзи бўлиб боқишим лозимлигини уқтирган. "Колимотес кўпригидан ўтсанг, кетганча ям-яшил ўтлоқ, ора-сира саргайиб пишган жўхоризорларни кўрасан, — деган эди онам — Кўриб ўзинг тўймайди. Олисда — кўм-кўк сабззор ва олтиндек товланган экинзорлар орасида Комала оппоқ оқариб кўринадди. Кечаси чироқлар ёғдусига ғарқ бўлиб, ажабтовур товланиб кетади". Онамнинг овози пасайиб, пичирлашга ўтар, гўё кўнгил қатида ардоқлаган муқаддас асрорини баён этаётганга, аини вақтда ўзи билан ўзи гаплашаётганга ўхшар эди... Онагинам...

— Комалага бирон юмуш билан кетяпсизми?

— Отам билан кўришмоқчиман.

— Ҳа-а... — деди ҳамроҳим чўзиб.

Биз яна гап-сўзсиз йўлда давом этдик.

Қияликдан пастга қараб эндик Эшакларимиз тақаларини тошлоқ йўлда тақиллатганча йўртиб борар, куннинг иссигидан мудроқ босиб, кўзларимиз юмилиб кетарди.

— Сизни кўриб, отангиз жудаям хурсанд бўлиб кетса керак? — Ёнма-ён келаётган ҳамроҳимнинг овози эшитилди. — Сизнинг шарафингизга зиёфат берса ҳам ажаб эмас. Бу ёқларга одам қадами тегмаганига анча бўлди. Агар сиз унга ўгил бўлмаганингизда ҳам, барибир, у терисига сигмай кетади, — деб қўйди ҳамроҳим бир оздан кейин.

Инжудек оқиш ҳовур қошлаб, жизганаги чиқиб ётган водий тиниқ кўлга ўхшаб кўринар, олисдаги уфқ эса худди иланг-биланг қора чизикдек элас-элас кўзга чалинарди. Бу чизик узра паст-баланд тоғ тизмаси кўкка бўй чўзган. Бу тизмаларнинг нариёгида ҳудудсиз кенглик ястаниб ётарди.

— Агар сир бўлмаса айтинг-чи, отангиз қанақа одам ўзи?

— Уни ўзим ҳам кўрмаганман, — дея жавоб бердим. — Бор-йўғи унинг оти Педро Парамо эканини биламан, холос.

— Ҳа-а! Хўш-хўш ... Тушунарли.

Мен бу одамни Лос-Энкуэнтросга кетаверишдаги чорраҳада, Комала томонга борадиган биронта ҳамроҳ йўлиқиб қолмасмикин, деб илҳақ бўлиб турганимда учратганман.

Ёзувчи ўзини қийнаган дардларни бир қатор ҳикоя ва қиссаларда акс эттиради. Бу нарса, айниқса, "Педро Парамо" қиссасида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Қисса аниқ нарсалар тасвири билан бошланиб, сирли, хаёлий воқеаларга омухта бўлиб кетади.

Мениппия жанри жаҳон адабиётининг энг қадимий ва, афсуски, камдан-кам санъаткор қўл уришга журъат этадиган машаққатли жанрларидан биридир.

Хуан Рульфо мениппия жанри талабларидан келиб чиққан ҳолда ўлим орқали ҳаётини воқеаларни таҳлил қилади: софлик нима-ю, ёлгон нима, бу оламда қай бир ишимиз боқий қолади-ю, қай бири барги ҳазондек тўзиб кетади, деган масалалар ҳақида фикр юритади.

— Қайси томонга кетяпсиз? — деб сўрадим эшак ҳайдаб кетаётган кишидан.

— Водий томонга, сенъор.

— Мабодо, Комала деган жой қаердалигини билмайсизми?

— Мен худди ўша ёққа кетяпман.

Унинг изидан йўлга тушдим: орқасидан эргашиб борарканман, катта-катта одимлар билан илгарилаётган ҳамроҳимга етиб юришга беҳуда ури-нардим. Анчадан кейин у менинг лўкиллаб келаётганимни пайқаб, одимини секинлатди. Биз бир меъёрда қадам ташлаб, ёнма-ён кета бошладик.

— Мен ҳам Педро Парамоннинг ўглиман, — деди у.

Бир гала қузгун бўм-бўш осмонни тўлдирганча тепамиздан қагиллаб учиб ўтди.

Бир қанча тепаликдан ошиб ўтгач, сойликка қараб туша бошладик. Иссиқ харорат орқада — тепалик устида қолиб кетди, биз қадам-бақадам нафас олиш минг азоб бўлган олов селига кириб борардик. Атрофдаги нарсалар худди нимадир юз беришини кутаётгандек тош қотиб қолган.

— Бу ерлар жуда иссиқ экан-ку, — дедим.

— Шуям иссиқ бўлди-ю, — дея эътироз билдирди ҳамроҳим. — Шошманг, Комалага етайлик, ана унда кўрасиз томошани. У ер шунақа иссиқки, худди лангиллаб ёниб турган ер қаърига тушиб қолгандек бўласиз. Бордику комалик биронтаси ўлганидан кейин жаҳаннам ўтига гирифтор бўлса, мен сизга айтиб қўяй, дўзах совуқ туюлиб, кўрпасини опкетгани чопқиллаганча қайтиб келади.

— Бундан чиқди, сиз Педро Парамони билар экансиз-да, а? — деб сўрадим ундан.

Бу нарсани сўрамаган бўлардим, лекин унинг менга жони ачиётганини кўзларидан сезиб қолгач, ҳаддим сигди.

— Қандай одам ўзи у? — дея ўсмоқчиладим.

— Қутурган итдан бешбаттар одам, — дея берди ҳамроҳим. У қияликда шундоқ ҳам йўртиб бораётган эшакларга ҳеч қандай заруратсиз қарсиллатиб қамчи чатди.

Бирданига кўксимга — онамнинг сурати солинган кўкрак чўнтагимнинг ўрнига иссиқ ҳовур урилгандек туюлди, — наздимда сурат ҳам тоқат қилиб бўлмас бу иссиқдан жиққа терга тушгандек бўлди. Бу жуда ҳам эски, четлари букланиб йиртилган, вақт ўтиши билан саргайиб кетган сурат эди. Афсуски, онамнинг бундан бошқа сурати йўқ. Уни ошхонадаги шкафнинг қури-тилган гиёҳлар турган галадонидан — акация гули, ялпизу рута бойламлари орасидан топиб олганимдан буён ёнимдан қўймай олиб юрибман. Онамдан бошқа ёдгорлик қолмади. У расмга тушишни ёқтирмас, сурат орқали ҳар қандай кишига илму амал қилса бўлади, деб ўйлар эди. Чиндан ҳам худди биров атай игна санчиб чиққандай, суратнинг ҳамма ёғи илма-тешик, ракнинг ўрни эса қўл бемалол сиққудек ўйилиб ётарди.

Отамга кўрсатиб, ўзимни танитиш учун шу суратни чўнтагимга солиб олдим.

— Бу ёққа қаранг, — деди ҳамроҳим тўхтаб. — Анови тепаликни кўряпсизми? Унинг нарёгидан Медиа-Луна бошланади. Энди бу ёққа ўгирилинг. Ҳов анови, орқадаги чўққи бор-ку, кўряпсизми? Энди бу томонга қаранг. Ҳов, узоқда ҳатто нигоҳ етмайдиган тепалик бор. Мана шу жойларнинг ҳаммаси Медиа-Луна мулки. Бу ерларнинг тупроғи олтин, поёнсиз бу заминнинг ҳаммаси Педро Парамого қарашли. Биз унинг болалари бўлсак ҳам, кожбахт бўлиб тутилган эканмиз, оналаримиз шип-шийдам кулбалардаги похол бўйра устида кўзи ёришган. Қизиги шундаки, бизни чўқинтирган отамиз ҳам унинг ўзи. У сизнинг ҳам бошингизни силамаганга ўхшайди, а?

— Мен қайдан билай.

— Ана шу-да. Бу кунингдан баттар бўл.

— Нима дедингиз?

— Ҳадемай манзилга етиб борамиз, деяпман.

— Кўриб турибман. Мана бу нима?

— Дастёр қуш, сенъор. Бу ерликлар уни шунақа деб аташади.

— Мен уни эмас, қишлоқни айтяпман. Худди биронта тирик жон қолмагандек ҳувиллаб ётибди-ку. Назаримда бу ерда биров яшайдиганга ўхшамайди.

- "Ўхшамайди" нгиз нимаси? Аслида бу ерда ҳеч ким яшамайди.
- Педро Парамо-чи?
- Педро Парамо ўлиб кетгани қачон эди.

* * *

Ҳозир қишлоқларда болалар қорайиб келаётган осмонни бошига кўтарганча қий-чув солиб ўйнайдиган, гуруб яллиги тушган қорамтир деворлар зарғалдоқ тусга кирадиган шом пайти эди.

Жилла курса кеча кечқурун Сайул кўчаларининг манзараси шундай эди. У ерда — Сайулда худди тугаб бораётган кунни устидан қоқиб тушираётгандек тез-тез қанот силкиб, тепамдан учиб ўтган каптарларни кўрдим. Каптарлар юксак-юксакка ўрлаб, худди отилган тошдек пастга шўнгишар, уларнинг ўйинидан завқланган болаларнинг шодон қийқириқлари ер-кўкни тутиб кетарди.

Бироқ мен келган қишлоқда ўлик сукунат ҳукм суради. Тошйўлга қўйилган қадам товушларим гумбурлаб эшитилар, куёшнинг сўнги нурларидан қизғимтир тус олган деворларга урилиб, жарангсиз акс-садо берар эди.

Мен қишлоқнинг марказий кўчасидан ўтиб борардим. Хувиллаб ётган эгасиз уйларнинг эшиклари кўчириб олинган, бўсағаларини ўт босган. Бу қанақа ўт эди? Боя ҳамроҳим номини айтгандай бўлган эди. Бўлди, эсладим: "Биз уни хароба ўт деб атаймиз. Уй эгасиз қолишини пойлаб туради, касофат, кейин ҳамма тешик-ёриқлардан ўрмалаб чиқиб кетаверади. Борганда кўрасиз, Комаладаги ҳамма уйларни шунақа ўт босиб кетган".

Чорраҳани кесиб ўтаётганимда узоқдан қора шолрўмолга ўралиб олган аёл кўзимга чалинди, бироқ у худди бўшлиққа сингиб кетгандек шу заҳоти гойиб бўлди. Мен бир зум тўхтаб, яна йўлимда давом этдим. Ўранинг оғзидек қорайиб турган эшикларнинг ўрнига аланглаб борарканман, тўсатдан бояги қора шолрўмол ёпинган аёлга тўқнаш келиб қолдим.

— Саломатмисиз, сеньор, — дея омонлашди у ўтиб кета туриб.

Мен орқамга ўгирилиб сўрадим:

— Донья Эдувихес қаерда туради?

— Ҳов анови ерда, — дея қўли билан ишора қилди у. — Кўприкнинг ёнидаги уйда.

Бу хотиннинг хатти-ҳаракатларида бирон гайритабиийлик сезганим йўқ; овози ҳам ҳамманикига ўхшаш овоз, оғзи тўла тиш, тишининг орқасида эса югурик — тил. Гапираётганида тилининг қандай қимирлаганигача аниқ-таниқ кўрдим. Кўзлари ҳам худди ҳамманикидек.

Қоронгилик қуюқлаша бошлади.

Аёл кета туриб менга вақтихушлик тилади. Гарчанд кўча-кўйда ўйнаб юрган болалар, осмонни тўлдириб учган каптарлар, зангори томлар кўринмасан-да, менга бирданига қишлоқда ҳаёт қайнаб тургандек туюлди. Агар ҳамма ёқ сукутга чўмгандек туюлаётган экан, демак мен ҳали жимжитликка кўникмаганман ёки қулоқларим остида ҳамон шовқин-сурон, турли хил овозлар жаранглаб турибди.

Ҳа, мен одамларнинг овозларини эшитяпман. Ҳатто нафас олишга ҳаво танқис бу ерда улар янада аниқ-таниқ жаранглайди. Худди оғир тошдек вужудимга сингиб кетган бу овозлар менинг ўзимдан чиқяпти.

Шу тобда онамнинг гаплари ёдимга тушди: "У ерда яна овозимни эшитасан, шундагина мени тузукроқ тушуниб етасан. Сабаби, у чоғда мен сенга руҳан яқин бўламан. Хотираларим вужудингга сингиб, унга жой бўлган ўлим сасини ситиб чиқаради. Агар ўлимнинг ҳам ўз саси бўлса..." Онагинам... Сиз тириксиз.

Онамга: "Сиз менга нотўғри манзилни берибсиз. Адашиб бошқа йўлга солиб юборганга ўхшайсиз. "Фалон-писмадон томонга қараб юргин", деган эдингиз. Мен дунёнинг аллақайси бир кунжагидаги қишлоқни ва аллақачон оламдан ўтиб кетган одамни излаб йўлга чиқибман", дегим келарди.

Мен шовуллаб оқаётган дарёни мўлжал олиб боравардим. Кўприк ёнидаги уйга етгач, эшикни очмоқчи бўлиб қўл сундим, бироқ қўлим бўшлиққа

сингиб кетди, эшикнинг ўзи очилиб, остонада бояги аёл кўринди.

— Кириг, — деди у.

Мен остона ҳатлаб ичкарига кирдим.

* * *

Мен Комалада қолдим, ҳамроҳим эса эшакларини йўрттирганча йўлида давом этди.

— Мен у ёққа, анови баланд тоғларга чиқиб кетаман, — деди ҳамроҳим хайрлаша туриб. — Менинг маконим ўша ерда. Хоҳласангиз, юринг, опкетай, меҳмоним бўласиз. Хоҳламасангиз — яхши қолинг. Жудаям кўргингиз келаётган бўлса, қишлоқни айланиб чиқинг, бирон тирик жонни учратиб қолсангиз ажаб эмас.

Шундай қилиб, мен қишлоқда қолдим. Ахир бу ерга келишдан муддаойим ҳам шу эди-да.

— Кимникида ётиб қолсам бўлади? — дея унинг орқасидан қичқирдим.

— Агар тирик бўлса, донъя Эдувихесни топиб, мен юборганимни айтинг.

— Сизнинг отингиз нима?

— Абундио, — дея жавоб қайтарди у, бироқ фамилиясини эшитолмадим.

— Эдувихес Дийяда менман. Марҳамат, кираверинг.

Назаримда у мени кутиб турганга ўхшарди. Кейин бир-бирига туташ бўм-бўш хоналардан олиб ўтаркан, аллақачон ҳамма нарса тайёрлаб қўйилганини айтди. Бироқ кўзим қоронгиликка ўргангани сайин орқа томондан тушиб турган бир чимдимгина нурнинг хира ёругида булар бўм-бўш хоналар эмаслигини, биз аллақандай қора кўланкалар куршовида юрганимизни сездим: икки томонга уйиб қўйилган катта-катта нарсалар орасидан зўрга йўл топиб борардик.

— Нима балолар булар? — қизиқсиниб сўрадим.

— Ҳар хил лаш-луш, — деди у. — Уйим шунақа нарсаларга тўлиб кетган. Одамлар кўчиб кетишаётганда жиҳозларини тура турсин деб меникида қолдиришган. Лекин нарсаларини опкетгани ҳалигача биров келгани йўқ. Мен сизга ичкаридаги уйга жой солиб қўйдим. Бу хонага мен ҳеч нарса қўймайман. Битта-яримта келиб қолиши бор. Шундай қилиб, унинг ўглиман денг-а?

— Кимнинг ўгли? — ажабланиб сўрадим. — Кимни назарда тутяпсиз?

— Долоритасни-да.

— Ҳа, сиз мени қаердан биласиз?

— Сизни бугун кутиб олишим кераклигини онангиз тайинлаган. Худди бугун етиб келади, деб айтган эди.

— Ойим-а? Қандай қилиб?..

— Бўлмаса ким бўларди. Албатта онангиз-да.

Эсим оғиб қолди. Бироқ кампир ақлу ҳушимни йигиб олишимга имкон бермади.

— Мана шу уйда дам оласиз, — деди у.

Хонага фақатгина биз очган эшик орқали кириларди. Кампир шам ёқди; уй ичи бўм-бўш эди.

— Каравот ҳам йўқ-ку, — дедим ажабланиб.

— Нима қипти. Йўл юриб чарчагансиз, чарчаган одам худди пар тўшакда ётгандек тош қотиб ухлайди. Ўрин-кўрпани эртага опкириб бераман. Ўзингизга маълум: шошганда лаббай топилмас. Сал олдинроқ билганимда бошқача кутиб олган бўлардим, афсуски онангиз ҳозиргина хабар берди.

— Ойим-а? — дедим довдираб. — Ахир у киши қазо қилган-ку.

— Бекорга овози шунақа паст эшитилмаётган экан-да. Назаримда жуда ҳам узоқдан келаётгандек элас-элас эшитилди. Гап бу ёқда экан. Қачон вафот қилди?

— Бугун етти кун бўлди.

— Бу қандай кўргулик бўлди. Балки жон таслим қилаётганда ҳамманинг эсидан чиқиб кетдим, елғизликда ўляпман, деб ўйлагандир. Биз у дунёга бирга рихлат қиламиз, деб ният қилган эдик. Албатта, биргалашиб кўз юмганга не етсин? Ёруғ олам билан видолашиш осонроқ кечади. Бир пайтлари ҳар эҳтимолга қарши шундай аҳду паймон қилиб қўйганмиз. Ахир, ҳаётда нималар бўлмайди, баъзан ҳамма нарсдан безиб, дунё кўзинга қоронги кўриниб кетади, шуларни ўйлаб.. Биз қиз ўртоқ эдик, худди эт билан тирноқдек

бир-биримиздан ажралмасдик. Наҳотки, у сизга мен тўғримда гапириб бермаган бўлса?

— Йўқ, сира гапирган эмас.

— Тавба. Аслида бунинг ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ, ахир, у пайтда биз ҳали гўдак эдик. Фақат бир-биримизни жуда ҳам яхши кўрардик. Онанг кўзга яқин, худди гулдек нафис, лобар эди. Унга бир марта кўзи тушган одамнинг юраги жизиллаб кетарди. Рост, қараган сари қарагиси келаверарди одамнинг... Демак, у мени дога қолдириб кетибди-да. Ҳечқиси йўқ, мен ундан орқада қоладиган анойи эмасман. Олами маззах йироқ, лекин у ерга олиб борадиган қандай йўллар борлиги ёлғиз менгагина аён. Руҳинг адашиб-улоқиб юрмаслиги учун нималар қилиш кераклигини яхши биламан. Аввало, худонинг ҳукмини кутиб ўтирмай, ўз майлингча, яратган эгамга омонатингни топширишинг керак. Агар у дунёга белгиланган вақт-соатдан илгарироқ рихлат қилмоқчи бўлсанг, парвардигор тезроқ ҳузурига чорлашини ўтиниб сўра. Буни қара, сансирай бошлабман-ку, а. Алжиб қолган кампирдан хафа бўлма, ахир, сен менга ҳам туғишган ўтилдай гапсан. Ҳа, ҳа, ҳайрон бўлма. Ўзимга ўзим неча қайта: "Инсофан айтганда у менинг ўғлим бўлиши керак эди", деганман. Майли, бу ҳақда вақти-соати билан гапириб берарман. Хотиржам бўл, онангни ёлғиз ташлаб қўймайман — осмондаги олами арвоҳ вал малакутнинг йўли йироқ бўлса ҳам яқин орада етиб бораман.

Мен кампирнинг эс-ҳуши жойида бўлмаса керак, деган ҳаётга бордим. Кейин ҳамма гумону шубҳалар тарқаб кетди-ю, ўзимни бутунлай бўлакча сезгилар оламига тушиб қолгандек ҳис эта бошладим. Бамисоли лангаридан узилиб, инон-ихтиёримни оқимнинг измига топширган қайиққа ўхшардим; аъзойи-баданним ҳалимдек бўшашиб, худди латта тўпдек итқитиб ўйнаса ҳам, турли хил шаклу шамойилга солса ҳам бўлаверадигандек туюларди.

— Мен дам ола қолай.

— Йўлдан келгансан, юр, олдин тамадди қилиб ол. Озгина бўлса ҳам бирор нарса тотингин.

— Кейин. Бирпас дам олиб бораман.

Томдан оқиб тушаётган ёмғир сувлари бўғиқ овоз чиқариб томчиларди: "Чак, чак". Томчилар зарбидан бўтот тагидаги қумлоқда узун ариқча ҳосил бўлган. Гиштлар орасидан ёриб чиққан лавр япроғига ёмғир томчилари зарб билан урилади: "чак, чак", сал ўтгач, қаттиқроқ эшитилади: "Чак!" Томчи қоқ ўртасига урилган япроқ эгилиб, титраб кетади. Момақалдироқ тинган, гоҳ-гоҳида кўзгалган шамол анор баргларига инган марвариддек ялтироқ томчиларни дувиллатиб тўкади. Тўкилган томчилар шу заҳоти ерга сингиб кетади. Момақалдироқ пайтида товуқлар худди ухлашаётгандек хурпайиб олишган эди. Энди бирдан жонланиб, қанот қоққанча ҳовлига ёйилишди ва ёмғир ер юзига суриб чиқарган чувалчангларни очофатлик билан шоша-пиша териб ея бошлашди. Булутлар орасидан қуёш мўралади; нам тошларни йилтиратиб, чор атрофни найкамалак янглиг товлангирди, сарсари шамолга қўшилиб ҳаво бўшлиқларида, намхуш япроқларда жилолана бошлади, ер юзига танга-танга бўлиб сочилган қайноқ нафаси билан тупроққа сингиган намни сўришга тутинди.

— Ҳожатхонада мунча қолиб кетдинг, ўғлим?

— Бўлдим, ойи.

— Кўп ўтирсанг, илон чиқиб чақиб олади.

— Биламан.

"Менинг фикри-ёдим сен билан банд, Сусанна. Кўм-кўк майса қоплаган қирларнинг дол бўлиб турган ёнбагирлари ёдингдами? Намхуш шамол туриши билан биз варрак учуришга тушардик. Шамол канопни тортқилаганча варракни борган сари юқорилатиб олиб кетарди, қўлингдаги галтак айлангани сайин ўзингни қир устида эмас, худди варрак билан бирга юксак-юксакларда парвоз қилаётгандек ҳис этасан, пастдаги — қишлоқдаги турли-туман овозларни илгамайсан, улар қулогингга элас-элас чалинади. "Сусанна, қарашвор!" Момик бармоқлар канопни қўлларимга қўшиб маҳкам ушлаб олади. "Канопни ечвор!"

"Биз юзимизга урилаётган шамолдан энтикиб кулардик. Шамол эсиб тургани учун кайфимиз чоғ эди. У бизни битта нуқтага қарашга мажбур қилар, шу зайил нигоҳларимиз омухта бўлиб кетар эди. Қўлимиздаги галтак эса, варрак то ўзининг авжпоясига кўтарилиб, каноп таранг тортилиб узилмагунча чириллаб айланаверар эди. Худди тезучар қушнинг қанот силкишидек ожизгина сас эшитилади ва тубсиз осмонда парвоз этаётган қоғоз қушимиз бирдан шох ташлаб, биздан узоқлаша бошлайди. Варракнинг думи шамолда билангланганча яна бир оз кўриниб туради-ю, кейин у ҳам зангори бўшлиққа сингиб кетади".

"Лабларинг худди тонгги шабнам кўнгандек намхуш эди".

— Қани, дарров чиқ ҳожатхонадан! Кимга гапиряпман.

— Ҳозир, ойи, бўлдим.

"Шу тобда сен ёдимга тушдинг. Мендан кўз узмай тикилиб турибсан. Кўзларинг худди денгиз сувидек тиник, зангори эди".

У бошини кўтариб, эшик олдида пойлаб турган онасини кўрди.

— Нега бир соатдан бери чиқмайсан? Нима қиялпсан бу ерда?

— Хаёл сурияпман.

— Хаёл суришга бошқа жой қуриб кетганми? Ҳожатхонада узоқ ўтириш зарар. Бошқа қиладиган ишинг йўқми, нима бало? Бор, бувингга жўхори уқалашвор.

— Хўп бўлади, ойи.

— Буви, мен сизга қарашгани келдим. Келинг, бирга уқалаймиз.

— Сен қўя қол, арзимаган нарса қолди. Ҳозир какао тортамиз. Шу момақалдироқда қаерда тентираб юрган эдинг? Қидирмаган жойимиз қолмади-ку.

— Нариги ҳовлида эдим.

— У ерда нима қилиб юрибсан? Ибодат қилдингми?

— Йўқ, буви, ёмғирнинг ёгишини томоша қилдим.

Бувиси унга синчков кўз ташлади. Унинг кўзлари ажабтовур — кулранг, сарғиш холлари бор, астойдил тикилса, кўнглингдан нима кечаётганини ҳам билиб оладиганга ўхшайди.

— Бўпти, бор, ёргичоқни тозала.

"Сусанна, сен жуда ҳам юксак-юксакдасан, осмондаги булутдан ҳам, дунёдаги энг баланд нарсадан ҳам баланддасан. Сен сирли бир оламга яширингансан, васлингга етмогим душвор, чунки сен илоҳий бир малоикага ўхшайсан, сен макон тутган масканга менинг илтижоларим етиб бормади".

— Буви, ёргичоқнинг мурвати синиб кетибди.

— Микаэла яна жўхори сўтасини тортибди-да. Бундай қилмагин деб ҳеч ўргатолмадим-а. Майли, нияям қилардик.

— Янгисини сотиб ола қолсак бўлмайдимиз? Бунинг шалоги чиқиб кетган-ку, ишлатиб ҳам бўлмайди.

— Рост айтасан. Лекин бувангнинг маъракаларини ўтказгунча, озмунча чиқимдор бўлдикми? Черковга иона ҳам тўладик. Ўлик борнинг пулини сочар, йўқнинг кетини очар, деганлар, болам... Ўзимизни ўтга-чўққа урсак ҳам янги ёргичоқ сотиб олмай иложимиз йўқ. Сен донья Инес Вильяльпандоникига югургилаб боргин-да, октябргача қарз бериб тураркансиз, дегин. Хирмон кўтаришимиз биланоқ тўлаймиз.

— Хўб бўлади, буви.

— Икки марта овора бўлиб юрмаслик учун биратўла элаги билан ток қайчисини ҳам сўра. Гов қилиб эккан буталаримиз одамни кўмадиган бўлиб ўсиб кетибди. Эҳ, ўзимнинг эски ҳовлимда турганимда бунақа нарсаларнинг ташвишини чекмас эдим-а; гир айланаси пишиқ-пухта кўргон эди. Худойитаоло ҳамма нарсани олдиндан билиб, белгилаб қўяди, шекилли; кўнглинг тусаганидек яшолмайсан ҳам. Донья Инесга қарзни хирмон кўтарган кунимизоқ тўлар эканмиз, дегин.

— Хўп бўлади, буви.

У осмонни тўлдириб учаётган чиройли қушлар — колибраларга кўзи тушиб, маҳлиё бўлиб қолди. Бу қушлар ҳаммиша мана шу паллада пайдо бўлишарди. У қушлар чуғурига қулоқ тутди. Чамандек очилган ясминлар орасида уларнинг париллаб қанот қоққани эшитилиб турарди.

У уйга югуриб кирди-да, тангри таолонинг сурати осилган устун орқасига яшириб қўйилган йигирма тўрт сентовони олди. Йигирма сентовони чўнтагига солиб, қолганини жойига қўйди.

Эндигина остонага етганда онасининг овозини эшитиб тўхтади.

— Қаёққа кетяпсан?

— Донья Вильяльпандоникидан янги ёргичоқ опкелгани Эскиси синиб ётибди.

— Донья Инесга айт, мана бундай, — у ўглининг қўлига улги учун бир парча қийқим тутқазди, — қора тафтадан бир метр берсин. Қарзимизга қўшиб ёзиб қўяркансиз, дегин.

— Хўп бўлади, ойи.

— Келаётганинда кофеинли аспирин олгин. Пул тўрсочиқ устидаги гулдонда.

Гулдонда атиги бир песо бор экан. У тангани олди-да, ўзининг пуллари-ни яна илгариги жойига яшириб қўйди.

"Бунча маблағ билан бемалол яшаса бўлади". У оёғини қўлига олганча чопиб кетди.

— Педро! — дея орқасидан чақирди. — Педро!

Эҳ-ҳа! У аллақачон кўздан гойиб бўлиб улгурган эди.

Кечаси яна жала қўйди. Педро алламаҳалгача ёмғирнинг шовуллашига ва сувнинг жилдирашига қулоқ тутиб ётди, шу алфозда ухлаб қолганини ўзи ҳам билмай қолди, кўзини очганида томчилар томни оҳиста тақиллатарди. Терчираган ойнага келиб урилган томчилар тўпланиб, худди ёноқни юваётган кўз ёшидек пастга оқиб тушарди. "Мен чақмоқ ёруғида ялтираб кўринган ёмғир томчиларига боқиб, сенинг ёдинг билан тин олардим, фикри-ёдим фақат сен билан банд эди. Сусанна".

Шамол қоп-қора булутларни тўзитиб юборди. Унинг қулогига: "Гуноҳларини авф этиб, тан-жонини соғ қилгайсан, парвардигор. Омин!" — деган сўзлар чалинди. Розарий: сурасининг интиҳоси. Қайсидир бир хонада хотин-халаж ибодат қилишарди. Кейин у аёлларнинг дувиллаб ўрнидан турганини, товуқ катак ёпилиб, эшикларга оғир тамба урилганини эшитиб, билиб ётди. Шундан кейин чироқларни ўчиришди.

Уйнинг ичи гира-шира ёришиб турар, ёмғирнинг шитирлаши худди чигиртканинг ожиз чириллашига ўхшаб эшитилар эди.

— Нега сен биз билан бирга ибодат қилгани чиқмадинг? Буванг қазо қилганига ҳали тўққиз кун бўлгани йўқ. Тўққиз кунлик ибодатни ҳамма астойдил бажо келтириши керак.

Бўсагасида шам тутган она пайдо бўлди. Унинг сояси девор бўйлаб шифтга тушиб турар, тўсинлар кўланкани худди суяклари уриб синдирилгану чўлустихонга ўхшатиб кўрсатарди.

— Шундоқ ҳам кўнглим гап, — дея жавоб қайтарди у.

Она изига қайтиб, шамни ўчирди. Эшикни зичлаб ёпди ва ҳўнграб йиглаб юборди; у ўксиниб, узоқ йиглади, йиги овози ёмғирнинг шитирлашига қоришиб кетди.

Черков кўнгироқхонасидаги соат занг урди, худди вақт ўлчови бирдан ўзгариб, соатлар орасидаги дақиқалар йўқолгандек у кетма-кет ва тўхтовсиз жаранглаверди.

— Ҳа, ҳа, сал бўлмаса сени мен туққан бўлардим. Онанг бу нарсани ҳам айтмаганми?

— Йўқ, ойим фақат яхши нарсаларни эсларди. Сиз тўгрингизда биринчи марта бу ёққа йўлда ҳамроҳ бўлиб келган одамдан эшитдим. Унинг оти Абундио экан.

— Вой барака топгур-эй, вой барака топгур-эй! Мени эсдан чиқармабди-да, а? Уни сира хафа қилмаганман, қўналгага юборган одамлари учун тегишли улушини вақтида бериб турардим. Иккаламизга ҳам фойда. Бироқ

¹ Р о з а р и й — католик мазхабидагилар ўқийдиган сура бўлиб, маълум тартибга солиб такрорланадиган "Падали бузрукворимиз", "Биби Марям" ҳамда "Имон келтираман" оятларидан таркиб топган.

энди ишларимиз орқага кетиб, ҳолимиз танг бўлиб қолди. Бу ерларга офат келиб, ҳаммаёқ хонавайрон бўлганидан буён ҳеч ким доримайди ҳам. Шундай қилиб, меникига қўнишни у тайинлади дегин-а?

— Ҳа, сизни қандай топишни ҳам айтди.

— Раҳмат-э, унга, раҳмат. Оқибатли, яхши одам эди, бечора. Тани-жони соғ пайтда ҳам, кейинчалик қулоғи оғирлашиб қолганда ҳам хат ташувчилик қилди. Бечоранинг бошига ташвиш тушган ўша касофат кун худди кечагидек эсимда. Унга ҳамманинг раҳми келди. Одамлар яхши кўришарди-да. Хатларимизни ўз вақтида етказиб келарди, ёзиб қўйганларимизни олиб кетарди, у ёқда — тоғнинг нарёгида қандай янгиликлар борлигини бизга етказиб турарди. У ёқдагиларга биз тўғримизда сўзлаб бериши турган гап. Унга ош-овқат берма, фақат гапига қулоқ солсанг бас. Гаранг бўлиб қолганидан кейин ўзгарди-қўйди — оғзига қулф солиб олди. "Ўз қулогим билан эшитмаган нарсани сизларга қандай гапириб бераман. Энди бунақа нарсаларга рағбат ҳам, хоҳиш ҳам йўқ. Бирон нарсани эшитиб, сўзинг лаззатини ҳис этмаганингдан кейин — гапиргинг келармиди". Арзимаган нарсадан шунақа бўлиб қолса-я. Бир мушак билан илонларни қўрқитиб ҳайдаётган эдик, тўсатдан биттаси шундоққина унинг қулоғи остида пақиллаб ёрилди. Шу дақиқадан бошлаб қулоғи том битди-қўйди. Тил-забони бор-у, лекин илгариги сўзамоллигидан асар ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам одамлар уни, барибир, бояги-боягидай яхши кўришарди.

— Лекин менга йўл кўрсатган одам яхши эшитарди.

— Демак, бошқа биров экан. Бу дунёда Абундио қолибдими. Аллақачон ўлиб кетган бўлса керак. Ўзинг ўйлаб кўр, ўлиб кетган одам сенга қандай йўл кўрсатсин.

— Рост айтасиз, ўлган одам йўл кўрсатолмайди.

— Мен сенга ойинг ҳақида гапириб бермоқчиман...

Кампир рўпарамда ўтирарди. Унинг гапларига қулоқ сола туриб, синчиклаб кўздан кечира бошладим. Кейинги пайтларда йўқчиликдан қийналган кўринади, ранги синиқиб, заъфарон тус олган, меҳнатда чақилган қўллариди мутлақо мадор йўқ. Чуқур ботган кўзларини илгаш маҳол. Оқ матодан эскича усулда тикилган қўйлаги жимжимадор бурмали, бўйнига эса гир айланасига "Осийларнинг најоти ва пуштипаноҳи" деган ёзув зарб этилган "Биби Марям пуштипаноҳи"¹ осилган.

— ... Мен айтган йигит Меди-Лунада йилқибоқар бўлиб ишларди. Оти Иносенсио Осорио эди. Лекин ҳамма уни "Чигиртка" дерди. Ирғишлашга суяги йўқ эди. Педронинг чўқинтирган отахони, бунақа югурик одамнинг пешонасига фақат йилқибоқар бўлиш ёзилади, дер эди. Афсунгарликни ҳам қойил қиларди. Ҳар қандай одамни сеҳрлаб ташларди ўзиям. Бу ҳам худонинг бир каромати-да. Агар истаса, бирпасда кўзингни кўр, ўзингни гўл-гумроҳ қилиб қўярди. Кўпларни довдиратган, онангни ҳам, мени ҳам жинни қилган. Бир куни, десанг, тобим қочиб қолди. У тўсатдан кириб келди-да: "Мен сени укалаб тузатвораман", деди. Унинг уқалашини ҳам галати: қўлингдан ушлаб, олдин бармогингни учидан бошлайди, аста-аста юқорилаб билангингни, ундан елкангни силаб-сийпалашга тушади, кейин устингдаги кўрпани очиб ташлайди — худди безгак хуруж қилгандек қалт-қалт титраб-қақшайсан, у бўлса парвойи-палак, болдирларингни эзгилайверади. Бир пайт баданингга иссиқ югуриб, мисдек қизиб кетасан. Унинг қўллари тиним билмайди, гапириб чакаги қаришмайди — тақдингни каромат қилади, худди иситмаси хуруж қилгандек кўзлари аланг-жаланг бўлиб алаҳлайди, худго аёлбора туриб, бирданига худди бозорда юрган лўлидек юзингга тупук сачратиб, сўкинишга тушади. Баъзан жазаваси тутиб кетса, энгил-бошини ечиб, шир ялангоч бўлиб олади. Бунақа пайтда одам кўнгил измига қараб иш тутиши керак, дейди. Бирданига энгил тортиб, туппа-тузук бўлиб қоласан. Тузалмаганингга қўймайди ўзиям. Ҳаммаёгингни ушлаб, эзгилаб оғриган жойингни топади. Онанг унга учрашган экан: "Бугун эринг билан қовушма, ойнинг қаҳри келяпти", дебди.

Долорес йиглагудек бўлиб, менинг ёнимга келди. "Унинг кутишга тоқати

¹ "Биби Марям пуштипаноҳи" — бузук аёлларнинг гуноҳини тилаб олиш ниятида католик мазҳабидагилар орасида ташкил этилган "Биби Марям пуштипаноҳи" жамоасига мансуб диндорлар бўйнига осиб юрадиган нишон.

қолмаган, лекин мен олдига киролмайман, иложим йўқ. Нима қилсам экан-а? Онанг ўша куни Педро Парамо билан бир ёстиққа бош қўйиши керак эди, лекин бу ёққа ҳалиги гап... "Осорионинг гапига қулоқ солиб ўтирибсанми? У кип-қизил ёлгончи, муттаҳам-ку", дея тасалли беришга уриндим.

"Сира иложим йўқ, — дея зорланди у. — Менинг ўрнимга гўшангага сен кира қол. Педро билиб ўтирибдими".

Мен ҳали гўр қизалоқ эдим. Ранги-рўйим ҳам қорамағиз эмас. Лекин қоронгида бировнинг ранги қанақалигини ким билиб ўтирибди?

"Эсинг жойидами, Долорес. Ўзинг кир".

"Хўп дея қол. Вақти келганда қарзимни узворарман".

Ўша пайтда онангнинг кўзлари рад қилиб бўлмас илтижога тўла эди. Унинг бутун жозибаси кўзларида эди. Астойдил тикилиб илтимос қилса, бирон гапига йўқ деёлмасди киши.

"... Хўп дея қол, деб ўтинарди, менинг ўрнимга гўшангага кира қол".

Рози бўлишдан бошқа иложим қолмади.

Туннинг қоронгилиги қўл келди. Мени кўнишга мажбур қилган, онанг билмайдиган яна бир сир бор эди: Педро Парамога мен ҳам ўзимча хуштор эдим.

Мен у билан бир ёстиққа бош қўйдим: ўз ихтиёрим билан, бажону дил ўринга кирдим. Вужудига сингиб кетгудек бўлиб чирмашиб олдим. Бирок у худди тўнкадек парвойи-палак ётаверди; бир кун олдин бурнидан чиққунча ичиб, роса кайфу сафо қилган экан, хурракни ванг қўйиб ухлади. Бор-йўғи оёгини менинг оёқларим билан чалиштириб ётди, холос.

Тонг ёришар-ёришмас Долореснинг олдига югурдим.

"Энди бор, сен кириб ёт, — ледим унга. — Ирим қилган кунинг ўтиб кетди".

"Ҳалигидай... шўхлик қилдингларми?" — деб сўради онанг.

"Тўғриси, билмай қолдим".

Бир йилдан кейин сен туғилдинг. Афсуски сени мен туққанам йўқ. Агар тасодифан гафлат босмаганида сенинг онанг мен бўлишим мумкин эди.

Балки, онанг бу гапларни сенга айтишга уялгандир.

"...Кўм-кўк ялангликларга, экинзорларнинг шамолда оҳиста чайқалишига ҳамоҳанг тин олаётган уфқдаги қизғиш чизиққа, аста-секин қуюқлашиб бо-раётган оқшом ёногини юваётган ёмғирнинг шаффоф томчиларига боқиш ке-рак. Заминнинг турфа жилоларини, қулф урган бедапоянинг салқинини, ҳозир-гина тандирдан узилган ноннинг исини шимириш лозим. Кўчалар эса худди асалнинг хушбўй ҳидидек ёқимли исларга тўла..."

Онангнинг Педро Парамога сира кўнгли йўқ эди. Унга сари Педронинг жигибийрони чиқарди. "Долоретас! Бугун нонуштага бирон нарса беришадими, йўқми?!" Онанг тонг қоронгисида туриб, ўчоққа ўт ёқарди-да, торти-ляя пиширар, какао билан кофе донини қовурарди. Егуликнинг исини олган мушуклар миёлаб туриб келишар, ўчоқ бошида куйманаётган Долорес қаёққа юрса, тўдалашиб орқасидан эргашишарди.

"Донья Долоретас!"

Бундай қичқириқлардан куни бўйи онангнинг қулоғи қоматга келарди. "Донья Долоретас! Қовурдоқ совиб қолибди! Гўштга тиш ўтмайди-ку!" Таъ-наю дашномларнинг адоғи йўқ эди. У бундай муомилага кўникиб кетган бўлса ҳам мулойим боқувчи кўзлари ўзгариб, қахрли тус оларди.

"... Оламдаги ҳар хил исларни босиб кетган апельсин гулларининг таро-ватини иссиқ ҳавога қўшиб симириш керак".

У юриб-юриб, баъзан тез-тез уф тортиб қўярди.

"Нега бунча хўрсинасиз, Долоритас?"

Ўша куни кечки пайт бирга сайрга чиқдик. Далада донлаб юрган қорая-лоқлар галасининг гуриллаб учишини томоша қилдик. Тепамизда қирғий оҳиста парвоз этарди.

"Нега бунча хўрсинасиз, Долоритас?"

"Менинг ҳам ўша қирғийга ўхшаб қанотим бўлса эди, опагинамнинг ёни-

га учиб кетардим”.

“Учиб нима қиласиз, Долоритас? Наҳотки, сизга йўлқирага лойиқ пулни қизгансам? Пайсалга солмай, шу бугуноқ йўлга чиқинг. Юринг, уйга борайлик. Мен ҳозироқ айтаман, дарров нарсаларингизни йиғиштириб беришади. Учиб кетардим эмиш-а?! Қаердан топдингиз бу гапни?”

Шундай қилиб, онанг бош олиб кетди.

“Яхши қолинг, дон Педро”.

“Яхши етиб ол, Долоритас!”

У Медиа-Лунага қайтиб қадам босмади. Орадан талай вақтлар ўтгач, мен Педро Парамодан Долоритаснинг аҳволи қалай, деб сўрадим.

“Унга мендан кўра опаси азизроқ экан. У ерда егани олдида, емагани кетида бўлса керак. Ростини айтсам, ўзиям кейинги пайтларда жонимга тегиб юрувди. Хотиринг жам бўлсин, уни сўраб-суриштирадиган аҳмоқ йўқ”.

“Ахир улар қандай кун кечиришади?”

“Худонинг ўзи меҳрибон, очдан ўлишмас”.

“... У одамгарчилик юзасидан ҳам бирон марта бизни эслаб қўймади, ўғлим. Бу қилмиши учун энди жуда кўп товон тўласин”.

Шундан бери то куни кечагача ундан бирон хат-хабар бўлмади. Кеча тўсатдан онанг сен келаётганингни маълум қилди.

— Ҳа, бошимизга кўп ташвишлар тушди, — дедим. — Биз Колимадаги Гертруда холамникида турдик, у менга тирик товон бўлдиларинг, деб еганимизни заҳар-заққум қиларди. “Нега эрингни олдига қайтиб кетмайсан?” — деб онамга кун бермасди.

“У орқамдан бировни юбордими? Ўзи келиб олиб кетмагунча қайтиб бормаيمان. Мен сени соғиниб, кўргани келганман. Сени қанчалик яхши кўришимни билганингда эди”.

“Соғиниб келганинг яхши-я, лекин токайгача меникида турасан? Одам деган иззатини билиши керак”.

“Қошки ҳамма нарса менга боғлиқ бўлса”.

Кампир менинг гапларимни тинглаяпти деб ўйлаган эдим, қарасам у аллақандай узук-юлуқ овозларни илгаб олмоқчидай бошини бир томонга қийшайтирганча қулогини динг қалиб ўтирибди.

— Ухламаймизми, а? — деб қолди у тўсатдан.

“Кетган кунинг энди сени қайтиб қўрмаслигимни ҳис этдим. Сен осмонни қирмизи рангга бўяган кечки шафақнинг шаффоф нурларига чулганганча уфқ бағрига сингиб борардинг. Юзинг табассумдан ёришиб турарди. Ўзинг тез-тез: “Бу қишлоқни фақат сен туфайли яхши кўраман, лекин бошқа ҳамма нарсаси, ҳатто шу ерда туғилганим учун ҳам ундан нафратланаман”, дея ижирганиб тилга оладиган гўшангдан тобора узоқлашиб борардинг. Изингдан қараб туриб: “Энди у қайтиб келмайди”, дея кўнглимдан кечирдим. Бу фикр миямга ўрнашиб олиб, қайта-қайта такрорлана бошлади: “Сусанна энди қайтиб келмайди. Ҳеч қачон, ҳеч қачон”.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан шу пайтда? Нега ишга чиқмадинг?

— Ишда эдим. Рохелио болага қара деб юборди. Мана айланиб юрибмиз. Рохелио бильярдхонада маза қилиб пиво ичиб ўтирибди, менинг шўрим қуриб, ҳали болага қарайман, ҳали телеграфга югураман. Лекин шунча ўлиб-тирилганим билан у менга бир тийин ҳам бермайди.

— Сен пул топгани эмас, унга шоғирдликка ёллангансан. Олдин қўлингдан бир иш келсин, кейин ҳақ талаб қиласан. Бунинг учун сабр-тоқатли, тиришқоқ бўлиш керак. Болага қара дейишдимми, бўйин товламай хўп де. Тақдирга тан бермай иложимиз йўқ, сабр-тоқатли бўлиш бизга Исойи масиҳодан мерос қолган.

— Майли, бошқалар тақдирга тан бераверсин, буви, мен мўминтой бўлиб яшашни истамайман.

— Сен тентак бунақа терс бўлма. Юрагим сезиб турибди, сен бу дунёда ҳеч рўшнолик кўрмайсан, Педро Парамо.

* * *

— Нимага қулоқ соляпсиз, донья Эдувихес?

Кампир чўчиб уйгонгандек бошини сараклатди.

— Туёқ товуши эшитилипти. Мигель Парамонинг оти Медиа-Лунага қараб чопиб кетяпти.

— Демак, Медиа-Лунада ҳали ҳам одамлар яшар экан-да?

— Йўқ, ҳеч ким яшамайди.

— От-чи?

— Отми? От ўз майлича юраверади. Ҳали у ёққа, хати бу ёққа чопиб ўтгани эшитилиб туради. Иккаласи бир-бирдан ажралмас эди. Жонивор эгасини излаб, ҳаммаёқни кезиб чиқади, лекин ҳар куни шу вақтда, албатта, қайтиб келади. Бечора айбини ҳис этиб, ўзини қўярга жой тополмайди шекилли. Ҳайвон ҳам гуноҳкор бўлса, қийналади.

— Нима деяётганингизни сира тушунолмайман. Ҳеч қанақа туёқ товуши эшитилаётгани йўқ-ку.

— Ҳозир ҳам эшитмаялсанми?

— Йўқ.

— Демак, мен савқи-табиий билан билаетган эканман-да. Не ажабки, парвардигор менга шунақа қобилият берган, бу қобилият эмас, балки бошга битган бало. Мана шу қобилиятим туфайли не кўргиликларни кўрганимни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди.

Кампир жим қолди.

— Ҳаммасига чўқинтирган ўғлим Мигель Парамонинг ўзи айбдор, — дея яна гап бошлади у. — У ҳалок бўлган кечаси юз берган фалокат фақатгина менга аён эди. Эндигина ўринга кирган эдим. Бирдан унинг оти чопиб келаетганини эшитиб қолдим. От Медиа-Лунага қараб чопиб келарди. Мигель бунақа пайтда қайтмас эди-ку, деб ҳайрон бўлдим. Ҳамиша эрталабга яқин келарди. Мана шу яқинимиздаги Котли деган шаҳарда турадиган бир қизникига зир қатнардди. Лекин йўли узоқ. Вақтли кетиб, кеч келарди; тонг отгунча маъшуқаси билан шакарғуфторлашишарди. Фақат ўша куни қайтиб келмади... Энди эшитаётгандирсан? Туёқнинг тақиллагани шундоққина билиниб турибди-ку. Жонивор қайтиб келяпти.

— Мен ҳеч нарса эшитаётганим йўқ.

— Бундан чиқди бу овоз фақатгина менга эшитилар экан-да. Ўша куни у қайтиб келмади. Қайтиб келмади дегани — қуруқ гап. Энди нима бўлганини эшит. Бирдан туёқ товуши тиниб, биров секингина деразани чертангандек бўлди. Олдинига менга шундай туюлгандир, деб ўйладим, бироқ безовталаниб ётолмадим: туриб деразани очдим: “Ким у?” Қарасам Мигель Парамо. Уни кўриб сира ажабланганим йўқ. Сабаби, илгарилари, хонимчаси ақлу-ҳушини ўғирлаб қўймаганидан бурун у ҳар замонда келиб, бир кеча, ярим кеча тунаб кетарди.

“Ҳа, қувиб солдими?” — деб сўрадим.

“Йўқ, у мени яхши кўради. Фақат бугун йўлни йўқотиб, шаҳарни топиб боролмадим. Ҳаммаёқ туман, балки, бу тутундир, ишқилиб, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди — шаҳарнинг ном-нишони йўқ. Яна озгина юриб кўрай-чи, деб ўйладим. Қаёққа қарасам — бий дал. Шунини сенга айтгани кирдим. Ҳеч бўлмаса сен ишонарсан. Комалада бошқа бировга гапиргудек бўлсам, айниб қопти, дейиши турган гап. Шундоқ ҳам мени тўзимни йўқ бетайин, дейишадди-ку”.

“Айниб қолган дейсанми? Йўқ, Мигель, сен айнамагансан. Менинча, сен аллақачон ўлиб бўлгансан, билдингми? Сенга неча марта: “Бу отни йўқот, жуда ҳам асов, ахир бир куни сени жувонмарг қилади”, дейишган. Эсингдами? Балки от айбдор эмасдир. Балки ўзининг аҳмоқлигиндан шундай балоқазога гирифтор бўлгандирсан?”

“Мен ҳеч қанақа тентаклик қилганим йўқ, бор-йўғи яқиндагина отам тошдан урдирган девордан ошиб ўтдим, холос. Бекорга вақт кетказиб, айланиб юришга эринган эдим. Саманга бир қамчи чатган эдим, говдан ошиб, югуриб

кетди: ҳаммаёқ қоп-қоронги деяпман-ку сенга, аччиқ тутундан кўз ачишиб, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди, ҳаммаёқ бурқсиб ётганга ўхшайди”.

“Эрталаб бу хабарни эшитиб, догингда отанг бечоранинг қадди дол бўлади, — дедим — Отангга ачинади киши. Энди кета қол, Мигель, жойинг жаннатда бўлсин. Мени эслаб видолашгани келганинг учун раҳмат”. Мен деразани ёпиб қўйдим.

Эрталаб Медиа-Лунадан хизматкор чопиб келди.

“Сизни ўзлар ийқлаяптилар. Мигель бойвачча отдан йиқилиб ўлибди. Дон Педро сизни тез келсин, дедилар”.

Мен унга: “Ҳаммасидан хабарим бор”, дедим. Кейин: “Нега йиглаяпсан? — деб сўрадим. — Йиглагин дейишдими?”

“Шундай. Дон Фульгор: “Йиглаб туриб гапир”, деб тайинлади”.

“Бўпти. Дон Педрога айт, ҳозир етиб бораман. Майитни олиб келишганига анча бўлдими?”

“Ярим соатча бўлди-ёв. Сал олдиқроқ хабар топишганда балки тирик қолармиди. Лекин дўхтир, фойдаси йўқ эди, дейди. У бойваччанинг ҳаммаёғини ушлаб кўрди-да, узилганига анча бўлибди, бадани муз-кесак, деди. Агар саман келмаса, Мигельнинг ҳалок бўлганини билмай юраверар эканмиз, от жонивор қора терга тушиб чопиб кепти, пишқирганча ер тепиб, ҳаммани оёққа тургазди. Биласиз-ку саман иккаласи бир-биридан айрилмасди. Менга Дон Педродан кўра мана шу тилсиз махлуқ кўпроқ куяётгандек туюлди. Емга ҳам, сувга ҳам қайрилиб қарамайди, отхонага яқин йўламай, ўзини у ёқдан бу ёққа уради: худди жон томирига қиздирилган темир босишгандек, ичини оғу ўртаётгандек жонсарак”.

“Кетаётганинда эшикни ёпиб қўйиш эсингдан чиқмасин”.

У кетди.

— Сен умрингда бирон марта марҳумлар қандай нола чекишганини эшитганмисан?

— Йўқ, донья Эдувихес.

— Қандай бахтли одамсан-а.

* * *

Сув тақсимловчи жўмракдан сув томчилаяпти. Ернинг заранг қатламларидан сизиб чиққан бу тиниқ, покиза томчилар бирин-кетин цемент идишга чакиллаб тушади. Уларнинг чак-чак томишига қулоқ тутаркансан, бировнинг судраб босилган, бошқа бировнинг эса ишонч билан дадил ташланган қадам товушларини ҳам эшитасан. Қадам товушлари. Улар дам яқинлашиб, дам узоклашади. Сув ҳам тўхтовсиз томчилайди. Ниҳоят, идиш тўлиб, тошиб чиққан сув ер билан битта бўлиб ёйилади.

“Кўзингни оч!” — дея амр этади кимнингдир овози.

Таниш овоз. Ким бўлди экан? Йўқ, бу аҳволда унинг кимлигини билиш маҳол: аъзои-баданинг бўшашиб, уйқу ёқимли фароғатга ундовчи аллақандай мулойим куч билан қайтадан ёстиққа бош қўйиб, роҳатланиб мудрашга ундайди. Қўлларинг ўз-ўзидан кўрпага ёпишиб, бошингни буркайсан — иссиқ ўринга кириб ҳузур қилиб ором оласан.

“Кўзингни оч!” — деган овоз бу гал нақ қулоғи остида эшитилади.

Овоз эгаси унинг елкасидан олиб, ўрнидан туриб ўтиришга мажбур қилади. У эринибгина кўзини очади ва яна жўмракдан ясси цемент идишга сувнинг чакиллаб томаётгани эшитилади. Қаердандир оғир, судралган қадам товушлари ҳамда йиги келади. Уйғотиб юборган ҳам мана шу йиги эканини у ҳали ҳам карахт идроки билан зўр-базўр англайди. Бу унсиз, лекин юракбағрингни зириллатувчи овоз эди. У шунчалар нола-ю фиғонга тўлаки, уйқунинг барча сезгиларини бўшаштириб, ўраб-чирмаб ташлаган пардасини ёриб, юракнинг аллақайси қоронги пучмоқларида биқиниб ётган қўрқув хиссини қалқитиб чиқаради.

У аста ўрнидан кўзгаларкан, қоронги уйда қора кўланкага ўхшаб турган аёлга кўзи тушди. У эшик кесакисига пешонасини тираганча ўксиниб-ўксиниб йигларди.

У шундагина онасини таниб сўради: “Нега йиглаяпсиз, ойи?”

“Отанг... отанг қазо қилди, болам”, йиги аралаш жавоб берди у.

Тўсатдан бошига тушган мусибат худди тиқинидан чиқиб кетган пружинадек аёлни ерга кўтариб урди, у ақлу хушидан айрилиб, у ёқдан бу ёққа думаларди. Шу пайт боланинг қўлчалари унинг елкасидан тутди, ид-рокка итоат этмай қўйган вужудни амрига бўйсундириб ўрнидан тургазди.

Ташқарида эса юлдузсиз осмон субҳи-содиқ олдидан қўрғошин тус олар, қўқдан ҳали рангини илғаб бўлмайдиган хира, қўнғиртоб нур ёғилар, гира-шира ёришиб келаётган тонг худди кечки олаговгум пайтига ўхшар эди.

Ташқаридан эса ҳамон кети узилмайдиган тинимсиз қадам товушлари ҳамда гўнғир-гўнғир овозлар эшитилади. Бўсагада дарди-дунёси қоронғу аёл — онаси букчайиб турибди. У худди субҳи-содиқнинг йўлини тўсиб тургандек, тонгнинг илиқ нурлари хонага ёпирилиб киролмасди, лекин барибир унинг елкаси оша, эшик кесақисини ушлаб турган қўллари орасидан осмоннинг бир парчаси йилт этиб кўринди. Ёпирилиб кирган бир чимдим нур унинг оёқларини сийпалаб, турган жойини йилтиратди, ер кўз ёшларидан ҳўл бўлганга ўхшарди.

Яна ҳиқиллаш, яна юрак-бағирни зириллатувчи йиги овози, бутун вужудни титратиб, тилкаловчи, жон ўртагувчи унсиз фарёд эшитилди.

“Сенинг отангни ўлдиришди, болагинам”.

“Сен-чи, сени ким ўлдирди, онажон?”

“... Ҳаво ҳузурбахш, қуёш мўл-кўл нур сочади. Нилий тус олган осмонда лахтак-лухтак булутлар сузиб юрибди. Эҳтимол, мана шу кўм-кўк осмондан ҳам юксакроқда биз заминда юриб ҳеч қачон эшитмаган куй-қўшиқлар янграр... Бу хил хаёл кўнгилда ажабтовур орзу-умидлар уйғотади ва биз қай аҳволга тушмайлик, барибир, умидворлик билан яшаймиз.

Бироқ сен нимадан умидвор бўласан, Мигель Парамо? Ахир сен гуноҳларингдан фориғ бўлмай кетдинг, энди у дунёда оллонинг мағфиратига сазовор бўлмоғинг душвор”.

Падре Рентерия черковда жам бўлганларга юзланиб, ибодатнинг сўнги сўзларини овоз чиқариб айтди. Лекин марҳумга оллодан мағфират тилаб, жаноза дуосини ўқимасданоқ меҳробдан тушди: у тезроқ уйига кетишга ошпаётганга ўхшарди.

— Тақсир, марҳумга мағфират тиланг!

— Йўқ, — деди руҳоний кескин бош чайқаб. — Унга мағфират сўрашга ҳаққим йўқ. У бадхулқ одам эди, оллонинг марҳаматига сазовор бўлолмайди. Агар унинг учун воситачилик қилиб, худога ёлборсам, гуноҳга ботаман.

У бармоқлари титраётганини билинтирмаслик учун қўллари қаттиқ тутамлаганча гапирар эди.

Лекин охир-оқибат у, барибир, кўпчиликнинг иродасига бўйсунди. Черков ўртасидаги супада узун-узун шамлар ёгдусига чўмганча гулларга кўмилиб турган тобутдаги майит бу ерга йигилган одамларнинг меҳру муҳаббатини қозонган эди. Тобутнинг бош томонида турган марҳумнинг отаси жаноза маросими тезроқ поёнига етишини бетоқатлик билан кутарди.

Педро Парамонинг ёнидан ўта туриб падре Рентерия Медиа-Луна мулкдорига тегиб кетмаслик учун бирдан ўзини орқага олди...

У қўлидаги чўтка билан истар-истамас муқаддас сув сепди. Лаблари нималарнидир шивирлар, унинг бу ишчирилиши бемалол ибодат ўрнига ўтиши мумкин эди. Кейин у аста тиззаларини буккан эди, ҳамма чўккалади.

— Яратган бандангни ўзинг мағфират қилгайсан, парвардигор!

— Охирати обод бўлсин, омин! — Черковга йигилганлар бир овоздан дуо қилишди.

Ғазаб яна унинг қонини қайнатган аснода одамлар Мигель Парамонинг жасади солинган тобутни черковдан опчиқиб бўлишган эди.

Педро Парамо чўккалаб ўтирган руҳонийнинг ёнига келиб тиз чўкди.

— Тақсир, биламан, сиз уни ёмон кўрардингиз. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Укангизни менинг ўғлим ўлдирган деган овозлар тарқалди. Кимлардир жиянингизнинг ор-номусини оёқости қилди, лекин сиз бу қабиҳлик ҳам Мигельнинг қилмиши деб ҳисобладингиз. У сизни иззат-икром қилмас, ҳатто ҳақоратлашдан ҳам тоймасди. Бу гаплардан кейин унга қандай муносабатда бўлишингиз аён. Лекин энди бу нарсаларни эсдан чиқаринг, тақсир. Ким билсин, балки яратган эгам унинг гуноҳларидан кечгандир. Сиз ҳам унга шафоат кўрсатиб, афу этинг.

У тиз чўкиладиган курсига бир ҳовуч олтин танга қўйиб, ўрнидан турди.

— Мана шу арзимас ионамни ибодатхонангизнинг кам-қўстига ишлатарсиз.

Ҳамма черковдан чиқиб бўлган, фақат икки киши даҳлизда уни кутиб турарди. Педро Парамо уларга қўшилиб черков олдида тобутни кўтариб турган Медиа-Луналик хизматкорларга яқинлашди. Одамлар оқими қабристонга қараб йўл олди.

Падре Рентериа курсичада турган тангаларни битталаб олгач, меҳробга яқинлашди.

— Бу сенга иона, — деди у девордаги суратга қараб. — У сенинг мағфиратингни сотиб олишга ҳам қодир. Фақат бу пул унинг ҳамма гуноҳларини бирваракайига сотиб олишга етармикин? Сенинг оёқларингга бош уриб, унинг жазосини ўзинг бергайсан деб ёлбораман. Бу қилмишимнинг тўғри, нотўғрилигини яна ўзингдан сўрайман, зеро фақатгина сендан ҳамма нарса-ни сўраш мумкин. Илтижо қиламан, унинг жазосини ўзинг бер!

У ўрнидан туриб, меҳробни ёпди.

Черков анжомлари сақланадиган ризахонага кириб, бурчакда турган ўриндиққа ўзини ташлади-да, юрак-бағри хун бўлиб, хўнтраб юборди, шу кўйи то кўзлари қуриб қолгунча йиглади.

— Майли... Гапларимни қайтиб олдим, парвардигор, — деди у кўзларини арта туриб.

* * *

Кечки овқатдан кейин у одатича бир пиёла шоколад ичди ва ҳар қачонгидек ўзини вазмин, хотиржам ҳис этди.

— Менга қара, Анита, бугун ким кўмилганини биласанми?

— Йўқ, билмайман, амаки.

— Мигель Парамони эслайсанми?

— Эсимда, амаки.

— Бугун уни дафн этишди.

Анна бошини ҳам қилди.

— Ўша куни хонанга бостириб кирган Мигель эканлиги аниқми?

— Билмадим, амаки. Аниқ бир нарса дейишим қийин. Мен унинг рангирўйини илғаб ололганим йўқ. Ахир у кирганда қоронги кеча эди.

— Бўлмаса нега мени у зўрлаган, дединг?

— Унинг ўзи: “Қўрқма, Анна, мен Мигель Парамоман”, — деб айтди.

Худди шундай деди.

— У отангнинг қотили эканини билардинг, а?

— Билардим, амаки.

— Уни ҳайдаб чиқаришга урингандирсан?

— Йўқ, ҳеч нарса қилганим йўқ.

Бир дақиқалик сукунат чўкди. Ям-яшил мирта бутасининг хушбўй атрафурувчи япроқларини илиқ шамол шилдирадиб ўйнагани баралла эшитилди.

— Келишидан муддаоши шундоқ ҳам аён эди. Айбимга иқрор бўлиб, кечирим сўрамоқчиман, деб айтди. Мен ётган жойимда: “Дераза очиқ”, дедим. У деразадан ошиб тушди-да, мени кучоқлаб ўпди. Мен у шу зайл кечирим сўраяпти деб ўйлаб, кулиб қўйдим. Шу топда сизнинг, ҳеч кимга кин-адоват сақлама, деган ўтгитингиз ёдимга тушди. Бу ниятни табассум орқали билдирмоқчи бўлиб жилмайдим, бироқ қоронгида у ҳеч нарса илгамаслиги ёдимга тушди, ахир мен ҳам унинг юзини кўрмасдим. Тўсатдан Мигель бор оғирлигини ташлаб устимга ётиб олди. Кўнглимга, у мени бўғиб ўлдирмоқчи деган вас-вас фикр келди. Унинг бошқа нияти борлигини фол очибманми. Мигел мени ҳалок қилишидан олдинроқ ўлиб қўя қолиш учун гунгу кар бўлиб ётавердим. Афтидан, у мени ўлдиришга ботинолмади, шекилли.

Кўзимни очганимда тонг ёришиб кетган экан. Дераза ланг очиқ. Тирик қолганимга ҳали ҳам ишонгим келмасди. Бу ёрут оламни энди кўрмасам керак деб ўйлаган аснодан бу ёгига қанча вақт ўтганини билмасдим.

— Бу Мигельдан бошқа одам эмас, дейишингга нима асосинг бор? Балки овозини ўхшатгандирсан?

— Билмадим. Ахир мен уни олдинлари ҳеч ҳам кўрмаганман-ку.

Кейин ҳам бирон марта кўрмаган бўлсам қандай қилиб танийман? Фа-

қат у отамни ўлдирганини билардим, холос.

— Ахир унинг қандай одамлиги маълум эди-ку.

— Ҳа, унинг қўлидан ҳар бало келишини ҳам билардим. Агар бу ишни Мигель қилган бўлса, бугун унинг руҳи нақ жаҳаннамнинг тубига ташлангандир. Мен ўша кундан бери азиз-авлиёларга сизиниб, унинг жонини қийноққа солишларини сўрайман. Зора, менинг оху зорим уларга етиб борган бўлса...

— Сенинг илтижоларинг ижобат бўлганига гумоним бор, эй осий банда. Бутун қанча одам унинг ҳақиға дуо қиляпти. Сен ёлғиз ўзинг минглаб одамнинг хоҳишига қарши чиққансан. Минглаб одам орасида бошқаларникидан кўра кўпроқ ижобат бўладиган дуо бор — бу ота дуоси.

У сал бўлмаса: “Менинг ўзим ҳам оллодан унинг гуноҳларини афу этиб, магфират қилишини ўтиндим,“ деб юбораёзди. Гарчанд бу нарса кўнглидан кечган бўлса ҳам ўзини босди; бевақт дарз кетган бу сабий қалбга яна озор бериш гуноҳи ҳамини эди. У жиянининг қўлидан тутиб:

— Бу дунёни жуда кўп ёвузликлар қилган нобакордан халос этгани учун гангри таолога шукроналар қилайлик. Майли, олло уни ўз даргоҳига чорлаган бўлса ҳам қутилганимизга минг қатла шукр, — деди.

Аргумоқ Контлига элтадиган йўлнинг чорраҳасидан ўқдек учиб ўтганини биров кўргани йўқ. Фақат кейинчалик кўча эшик олдида бировни кутиб турган аёл кўкка сапчиган отни кўргандай бўлганини айтди. Отнинг тўртта-ла оёғи букилиб тургани учун аёлнинг назарида у қорни билан ерга гурсиллаб тушадигандек туюлган. Аммо бир неча сониядан кейин аргумоқ ерга учиб тушган даҳшатли бир нарсадан ҳуркандек дам-бадам бошнини орқасига бурганча жон-жаҳди билан чапиб кетган.

Бу хабар дафн куни кечқурун Медиа-Луналикларга етиб келганда олисдаги қабристонга бориб келгунча ҳориб-чарчаган қароллар дам олишарди.

Одамлар одатдагидек уйку олдида эринчоқлик билан гурунглашишарди.

— Бугунги маросимни эслашга ҳам ҳоли қолмади одамнинг, — дея оғир тин олди Теренсио Лубианес.. — Тобутнинг ичига тош тўлдирилганга ўхшайди-я, елкаларим узилиб тушгудек бўлди.

— Менинг ҳам икки елкам зирқ-зирқ қилади, — деб нолиди укаси Убилъядо. — Оёқларим қавариб кетганини айтмайсанми. Хўжайин ҳам қизик, шу тобда этик кийишимизнинг нима кераги бор экан-а. Байрам бўлса эканки, ясан-тусан қилсак, нима дединг, Торибио?

— Байрамми, йўқми, лекин унинг қулоғи остида қолгани аини муддао бўлди.

Контлидан энг охирги аравани ҳайдаб келган аравакаш яна янги хабар топиб келди.

— Унинг арвоҳи кўча-куйда изғиб юрганмиш. Бир жувоннинг деразасини тақиллатганини кўрганлар бор экан. Айнан ўзи эмиш. Кийимлари, хатто камарининг тўқасигача ўхшармиш.

— Э, бекорчи оғиз нималар демайди. Дон Педро ўглининг у дунёдан келиб хотин-халажга айланишига йўл қўйиб бўпти. Агар бу беодоблик қулоғига етса, унинг таъзирини бериб қўяди. “Ўлдингми, иззатингни билиб, жимгина гўрингда ёт. Бу ёқдаги ишларни сенсиз ҳам эплаштирамиз”, дейди. Агар Мигель кўзига чалингудек бўлса, калламни гаровга қўяман, шу захоти обориб лаҳатга тиқиб келади.

— Рост айтасан, Исаяй. Чол аяб ўтирмайди, унинг пачакилашишга тоқати йўқ.

— Мен эшитганимни айтдим-да, — аравакаш ранжиб, от қамчилади. Юлдузлар чарақлаб нур сочар, осмону фалакдан ерга нури аъло ёгилаётгандек туюларди.

— Уни қаранглар, — деди ҳайратга тушган Теренсио. — Жаннатул маъвода мушакбозлик бўлаётганга ўхшайди-ку, а?

— Мигелнинг ташрифи шарафига хурсандчилик қилишаётгандир-да, — дея пичинг қилди Хесус.

— Балки бу рамзий ишорадир? Ҳар ҳолда яхшилик аломати эмас-ов?

— Яхшилик аломати эмас, дейсанми? Яна кимнинг дили хуфтон бўларкин?

— Кимники бўларди, синглингники-да. Мигелсиз дарди дунёси қоронги бўлиб юргандир.

— Бу гапни кимга айтаяпсан? Менгами?

— Сенга бўлмай кимга.

— Юринглар, болалар, ёта қолайлик. Бугун жуда тинкамиз қуриб кетди, эрталаб вақтли туриш керак.

Улар худди соядек қоронгулик қаърига сингиб кетишди.

— Синглингга айтиб қўй, ҳадеб куявермасин, — деди кимдир кетиш олдидан. — Керак бўлса, унинг дардини ўзим оламан.

— Яхшиси, сен ўзингнинг синглингга менинг номимдан шундай деб қўй, — дея жавоб берди бошқа биров.

Юлдузлар ҳамон чарақлаб ёғду сочарди. Комаладаги чироқлар биринкетин ўчди. Қоронги кеча юлдузли осмон измига ўтди.

Падре Рентериа ўринда у ёнбошидан бунисига ағдарилиб, ухлаёлмай қийналарди.

“Бўлиб ўтган бу нарсаларнинг ҳаммасига фақат мен айбдорман, — дея ич этини ер эди у. — Менинг қорнимни тўйгазиб, боримни бор, йўғимни йўқ қиладиган одамларни ранжитиб қўйишдан қўрққаним-қўрққан. Гапнинг пўсткаллеси — шу. Камбағалнинг бергани от билан туя бўлармиди, қуруқ дуо қорин тўйгазмайди. Бунга ўхшаганлар ҳаммаша кимгадир қарам, мана, охир-оқибат ўзим гуноҳга ботдим. Оллодан мағфират сўрашимни ўтиниби, хузуримга ихлос билан келган имонли одамларни лақиллатдим. Имон-эътиқодлари туфайли топган обрўлари нима бўлди? Жаннатул маъвога элтадиган йўлни топдиларми? Ва ёки руҳан қайта яралдиларми? Агар инсоннинг сўнги дақиқадаги қисмати шу бўлса, руҳан қайта яралмоқдан муддао нима? Элувихеснинг синглиси Мария Дийяда опасининг руҳи-поки мағфират этилишини оллодан ўтинишимни илтимос қилиб келган пайтдаги қарашни ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди.

“Опам таниш-билишларидан ҳеч нарсасини қизгонмасди, тақсир, сўнги тишлам нонигача бировларга илинар, бирини ўпоқ, бирини сўпоқ демай, ҳам-маларини бир хилда яхши кўрарди. Ҳатто уларга овунчоқ бўлиши учун ҳам ўтил тугиб берди. Биронтаси бу бола ўз пушти-камаридан бўлганини тан олар деган ниятда уни ҳаммаларига бир-бир кўрсатиб чиқди. Афсуски, ўз зурриётини тан оладиган бирон мард топилмади. Шунда опам уларга: “Ҳечқиси йўқ, тасодифан бу болага она бўлиб қолган эканман, энди ота бўлиб бошини силайман”, деди. Опам ҳеч қачон улардан бирини иккинчисидан ортиқ билиб ўрталарига раҳна солмас, уйига кириб келган одамни қучоқ очиб кутиб олаверар, бу одамлар эса унинг одамшавандалигини суиистеъмом қилиб ҳаддан ошишарди”.

“Опанг ўз жонинга қасд қилган. Бу тақдири илоҳийдан норозилик”.

“У бечоранинг бошқа чораси қолмади-ку, ахир. У очик кўнгиллигидан шу аҳволга тушди”.

“Не-не кўргиликларга чидаган одам, пировардида шайтон васвасасига учгани нимаси! — дедим унга. — Келиб-келиб паймонаси тўлган пайтда-я! Оллонинг марҳаматига сазовор бўлиш учун қанчадан-қанча эзгуликлар қилган одам, умр бўйи мисқоллаб йиққан савобларини бирданига тупроққа тенг қилиб ўтирса-я”.

“Йўқ, тақсир, опам савобларини ювиб юборгани йўқ. У бечора қанчалик қийналиб жон берганини билсангиз эди. Азоб-уқубат чекиш... Ахир, ўзингиз ваъз айтганингизда азоб чекиш... йўқ, эсимдан чиқиб кетибди. Опам не уқубатларни кўрмади. Оғриқ азобидан қийналиб ўлди-ку. Бечоранинг жони халқумида гаргара бўлиб турибди. Оёқ-қўли чангак, юзи бир томонга қийшайиб қолган, қарагани кўрқади одам. Мен умрим бино бўлиб бунчалик азоб чеккан, дардман чеҳрани кўрмаганман”.

“Билмадим, балки астойдил тоат-ибодат қилинса...”

“Биз шундоқ ҳам оллога сизиниб ётибмиз, тақсир”.

“Фақатгина сизиниш билан иш битмайди. Марҳума оллонинг марҳамати-

га сазовор бўлмоғи учун бутхонада орган чалдириб бир нечта ҳофизга суралар ўқитиш керак. Ёлғиз ўзим бу ишнинг уддасидан чиқа олмайман, бошқа жойдан рухоний чақиритиш учун эса анча-мунча пул керак”.

Уша аснода унинг кўзларида пайдо бўлган ифодани ҳеч қачон унитолмайман. Фақир ҳақир Мария Дийяда бир этак боласи билан шундоққина рўпарамда тургандек туюлаверади.

“Менинг бир тийиним йўқлигини ўзингиз яхши биласиз-ку, тақсир?”

“Бўлмаса ҳамма нарса ўз ҳолича қолаверсин.. Фақат яратганнинг ўзидан умидвор бўлиш керак”.

“Рост айтасиз, тақсир”.

У синиқлик билан гапирган бўлса-да, бироқ кўзлари норозилик билан боқар эди. “Оллонинг мағфиратини сўраб бериш — нима деган нарса? Бор-йўғи уч-тўрт оғиз сўз айтиш шунчалар душвормиди? Аллақачон у дунёга рихлат қилган одамнинг гуноҳини тилаб олиш лозим бўлганда ҳатто юз оғиз ҳам гапиритиш мумкин-ку. Унинг ўзи жаннату дўзах ҳақида нима билади? Ҳеч вақони билмайди! У бор-йўғи дунёнинг бир кунжагидаги гадоё топмас қишлоқнинг рухонийси бўлса-да, кимлар жаннату маъвога мушарраф бўлганини аниқ билади. Булар чинакам авлиёлар.. У католик мазҳабини ёқлаб, то шу кунгача ўтган азиз-авлиёларни хаёлидан бир-бир ўткази бошлади: Авлиё Нунилона, шахид кетган хур қиз, роҳиб Анердий, Авлиё аталган бева Саломея ва хур қизлар Алодия, Элодия, Нулина ҳамда Кордула ва Донат”. У янгидан-янги исмларни шивирлар эди. Уйқу элита бошлагач, ўрнидан туриб, ўтириб олди: “Худди эчкиларни ариқдан сакратиб санагандек ҳамма авлиёларни санаб чиқяпман-а”.

У ташқарига йўл олди. Кўкдан ҳамон юлдузларнинг шугъласи ёғилар эди. Бу нарса баттар кайфиятини бузди. Шу топда у осмонни сокин ва тиниқ ҳолда кўришни истарди. Узоқ-яқиндан хўрозлар қичқирди. Замин туннинг кўрпасига ўралиб ором оларди. Бу олам байтулаҳзон экан.

— Бу сенинг бахтинг, ўғлим, хўп деявер, — деди Эдувихес Дийяда.

Вақт алламаҳал бўлиб қолди. Бурчакда турган чироқ хира нур сочарди, кейин у ҳам бир-икки лип-лип этди-да, ўчди-қолди.

Кампир ўрнидан турганини пайқа, бошқа чироқ олиб келса керак, деб ўйлади. Унинг қадам товушлари аста-секин узоқлашди. Мен тоқатимни тошдан қилиб, уни кута бошладим.

Бироқ кута-кута тоқатим тоқ бўлди. Энди кампирнинг қайтиб келмаслигини англаб, ўрнимдан турдим-да, қоронгида пайпаслаб юра бошладим. Бир амаллаб менга ажратилган хонага етиб олдим-да, ерга узала тушганча ухлаб қолишга уриндим.

Ора-чора кўзим илингандек ҳам бўлди. Бироқ бекор ётган дақиқаларнинг бирида тўсатдан даҳшатли чинқириқ эшитилди. Бу оғриқ азобига чи-долмаган одамнинг юракни увиштирадиган дардли, чўзиқ фарёди эди — одатда маст-аластлар шундай бўкиришарди. “Уйи куйсин, бу дунёнинг! Ҳам-масидад безори-жон бўлдим!”

Ирғиб ўрнимдан турдим. Аслида бу овоз кўчадан келаётган бўлса ҳам, назаримда шундоққина қуллогимнинг тагида жаранглаб эшитилгандек туюлди. Йўқ-йўқ, чинқириқдан деворлар зириллаб кетяпти-ку, демак овоз уй ичидан чиқяпти. Эс-ҳушимни йиғиб олганимда чор атрофга ўлик сукунат чўккан, фақатгина дераза ойнасига чирсиллаб урилаётган парвоналарнинг ерга қулаши баралла эшитиларди.

Одамнинг эс-хонасини чиқарадиган бақирқдан кейинги қулоқларни зингиллатиб юборадиган гунгу кар сукунатни таъриф-тависиф этиш маҳол. Худди курраи-замин нафас олмай қўйгандек жимлик чўккан эди. Тиқ этган сас-садо йўқ, на бирон нарсанинг шитирлагани, на одамнинг тин олгани эшитилди. Мен ҳатто ўз юрагимнинг дукурлашини ҳам сезмай, ҳеч нарсани идрок этолмай меровсираб ўтирдим. Бироқ ҳали ўзимни босиб, хотиржам бўлиб улгурмай яна сукунатни тилкалаб аччиқ фарёд эшитилди: “Ечворинглар! Одамни осаётганда оёғи ҳам боғлансин, деган қоида йўқ! Ҳеч бўлмаса оёғим кимирлаб турсин!”

Шарақлаб эшик очилди.

— Донья Эдувихес, сизмисиз? — деб сўрадим ҳовлиқиб. — Нима бўляпти ўзи? Сиз ҳам бақириқ-чақириқлардан қўрқиб кетдингизми?

— Мен донья Эдувихес эмасман, Дамианаман. Сенинг бу ердалигингни билиб келдим. Олиб кетмоқчиман. Юр, меникида ётасан. Тинчгина хонам бор. Сиз Дамиана Сиснеросмисиз? Илгари Медиа-Лунада турардингиз, шекилли?

— Ҳозир ҳам ўша ерда тураман. Шунинг учун дарров етиб келолмадим-да.

— Ойим чақалоқлигимда мени боққан Дамиана ҳақида гапириб берган эди. Шу сизми?

— Бўлмасам-чи. Мен сени муштдайлигингдан биламан.

— Раҳмат. Юринг, кетдик. Ҳар хил дод-фарёдлардан дам олгандек бўлмаяпман. Нима бўлаётганига тушунсам ўлай. Назаримда бировни ўлдиришяпти-ёв. Ҳозирги бақириқ-чақириқларни эшитгандирсиз?

— Бу уйга бир пайтлардаги овозларнинг акс-садоси қамалиб қолгандир. Қачонлардир сен ётган хонада Торибио Альдретени осиб ўлдиришган, бунга талай вақт бўлиб кетди. Турган жойида ириб-чириб кетсин, ҳатто суяклари ҳам ором билмасин, деб эшикни миҳлаб бу ерга кириб қолганинга хайронман.

— Эшикни донья Эдувихес очиб берди. Бундан бошқа биронта бўш хонаси йўқ экан.

— Эдувихес Дийядами?

— Ҳа.

— Вой бечора-ей! Шўрликнинг руҳи ҳали ҳам кечалари сарсон-саргардон кезиб юрган экан-да, а?

“Мен Фульгор Седано (жинсим эркак, ёшим эллик тўртда, бўйдоқман; касб-корим — иш бошқарувчи, мутахассислигим — ишбоши) берилган имтиёз ва ҳақ-ҳуқуқимга тўла таянган ҳолда жиноий иш қўзғаб, қуйидагиларни маълум қиламан...”

У Торибио Альдретенинг жиноий хатти-ҳаракатлари ҳақидаги айбномани шундай сўзлар билан бошлаб, “Юқорида номи тилга олинган Торибио Альдретени бировнинг мулкани ўзлаштириб олишда айблайман”, деган гап билан тугатди.

— Сизнинг эркаклигингиздан гумонсираш ҳеч кимнинг эс-хаёлига ҳам келмайди-ку, дон Фульгор. Сиз ҳали ишга ярайдиган лаёқатли эркаксиз. Агар аслида илигингиз тўқ бўлмаса, ҳеч қанақа амал белга қувват бўлолмайди.

Бу гапларни у яна бир карра хаёлидан ўтказди. Худди ўз устидан ёзилган айбномани ювишаётгандек бирга ўтириб ичишаркан, Альдрете қўлидаги қадаҳни бўшатгач, шундай деган эди:

— Энди, дон Фульгор, бу қоғозга иккаламиз артиниб ташлайлик, тамом-вассалом. Унинг ҳеч кимга кераги йўқ. Сиз ўз ишингизни бекаму кўст адо этдингиз, мени ҳам ташвишдан қутқардингиз, қачондан бери кўнглим гаш эди. Иккаламиз ҳам хотиржам бўлдик. Нима гаплигини энди тушуниб етибман-а. “Бировнинг мулки” эмиш-а. Тавба? Ўйласа, одамнинг кулгиси қистайди. Хўжайинингиз уяти йўқ одам экан-ку, наҳотки, бу ерлар кимникилигини билмаса?

Бу гапларнинг ҳаммаси унинг хотирасида жонланар эди. Ўша куни улар Эдувихеснинг қовоқхонасида ўтириб ичишган эди.

— Ўв, Вихес! Бизга бурчакдаги хонангни бўшатиб бермайсанми? — деб сўраган эди у.

— Хоҳлаган хонангизни бўшатиб бераман, дон Фульгор. Ҳамроҳларингиз ҳам тунаб қолишадими?

— Биттаси қолади. Сен бизнинг гамимизни емай, ётиб ухлайвер, фақат хонанинг калитини берсанг бўлгани.

— Қойилман сизга, дон Фульгор, — дея гапида давом этди. Торибио Альдрете. — Сиз айтганини қиладиган ҳақиқий эркаксиз. Сизнинг олдингизда анови итдан тарқаган хўжайинингиз ким бўпти? Исқирт мишиқи! Шу ҳам одам бўлди-ю... Туфлаб оёгинг билан ерга ишқаб ташлашга ҳам арзимайди.

Бу гаплар унинг хаёлидан бир-бир кечар эди. Торибио ҳали эс-хушини йўқотмай туриб айтган сўнги сўзлари шу бўлди. Кейин у хотинга ўхшаб ўзини у ёқдан бу ёққа уриб, дод-вой кўтарди: “Нахотки, мен кучдан қолган бўлсам?! Енгилдим-а! Э, худо!...”

У қамчи дастаси билан дон Педронинг эшигини тақиллатди. Шу тобда икки ҳафта бурун эшик қоқиб келгани ёдига тушди. Ўшанда ҳам эшик ҳадеганда очилавермаган эди. Худди аввалги сафаргидек яна эшикка михланган капалак нусха қоп-қора мотам нишонига разм солди. Бироқ бу гал сира ажабланмади: “Осиб қўйган нарсасини қара-я! Биринчисининг ранги ўнгиб кетибди, буниси ипакдек ялтираб турибди, нилдан чиққан эски латталигига ишонгинг келмайди”.

Ўшанда у эшик тагида узоқ туриб қолди. Ҳеч ким йўққа ўхшамайди, деган ўйда эндигина кетишга чоғланганида остонада Педро Парамо пайдо бўлди.

— Саломатмисан, Фульгор.

Бу уларнинг иккинчи учрашуви эди. Фульгор биринчи марта Педро Парамони ҳали чақалоқлигида чала-ярим кўрган эди. Мана бугун яна учрашиб туришибди. Бундан икки ҳафта бурун ҳам бир учрашишган эди... Педро уни ўзига тенг билиб гаплашганига сира ақл бовар қилмасди. Ё, тавба! Фульгор унинг орқасидан қолмай катта-катта одимлар экан, қамчи билан этигининг қўнжига урганча чангини қоқар эди: “Ҳечқиси йўқ, мен унга кимлигимни дарров билдириб қўяман. Бу ерга нега келганимни ўзи тушуниб олади”.

Педро уни молхонага бошлаб кирди.

— Ўтир, — у охурнинг четига ўтираркан, Фульгорга синчков тикилди. — Нега тик турибсан? Ўтирсанг-чи.

— Шундоқ тура қолай, Педро.

— Майлинг, фақат бир нарсани эслатиб қўяй, менинг отим дон Педро.

Ўзига бунча иззат-икром талаб қилаётган бу зот ҳали она сути огзидан кетмаган гўдак-ку! Отаси Лукас Парамо ҳам бунчалик иззатталаб эмасди. Умрида Медиа-Лунага қадам босмаган, хўжалик юритиш нималиги ухлаб тушига кирмаган боланинг худди ўз қароли билан гаплашаётгандек фармонбардорлик қилишини қаранглар-а. Ҳовлиқма-ей! Ҳолингни кўрамиз ҳали.

— Хўш, ишлар қалай?

Бир эрга навбат бўлса, бир ерга деганлар. “Шошма, болакай, ҳозир эс-хушингни жойига келтириб қўяман”.

— Ёмон. Ҳамма нарсани олиб кетишди. Сигир-бузоқларни сотиб бўлдик.

У чўнтагидаги рўйхатни олиб, яна қанча қарз қолганини билдириб қўйиш ниятида: “Қарзларимизнинг жами...” — дея эндигина гапга огиз жуфтлаган эди, хўжайин гапини бўлди.

— Кимдан қарздормиз? Гап қанча қарзимиз борлигида эмас, кимдан қарздорлигимизда.

Фульгар унга қарз берган одамларнинг рўйхатини узата туриб:

— Ишимиз пачавалиги шундаки, қарзларимизни тўлашга етгулик ҳеч вақомиз йўқ, — деди.

— Нега? Сабаб?

— Сабаби шундаки, сизнинг оилангиз одамларнинг ишончини йўқотиб қўйган. Фақатгина олишни билишарди, холос: олишда ороми жоним, беришда чиқар жоним. Бу ишнинг охири вой. Мен доим: “Бунақада хонумонимиз куйиб кетади”, дердим. Мана айтганим келди. Тўғри, ерларингизни сотиб оладиган одам топилади, харидор нақт. Тузуккина нарх ҳам чиқаришлари мумкин. Ҳамма васиқаларни қайтариб олишга етиб ортади. Кўп бўлмаса ҳам ҳар ҳолда тирикчиликка яраша бир нарса қолади.

— Харидор бери дегин-а? Мабодо ўзинг сотиб олмоқчи эмасмисан?

— Бундай дегани қандай тилингиз борди, а?

— Мен бунақани башоратларга ишонмайман. Бу чигалликни эртадан бошлаб ечишга киришамиз. Биринчи галда эгачи-сингил Пресиадолар билан орани очди қилишимиз керак. Ҳаммадан кўп шулардан қарзимизми?

— Ҳа. Фақат арзимаган бир қисмигина қайтарилган. Отангиз уларнинг қарзини тўлашни доим пайсалга солиб келарди. Янглишмасам Гертруда шаҳарга кўчиб кетган, ҳозир Гвадалахаредрами, Колимадами туради. Ҳозир ер-мулкнинг эгаси Лола, э-э, кечирасиз, Долорес хоним. Ранчо Энмедико тўғрисида эшитган бўлсангиз керак. Ҳисоб-китобни шу киши иштирокида донья Долорес билан қилишимиз керак.

— Бўлмаса, эртага унинг кўлини сўрагани борасан.

— Ҳазиллашяпсизми? Мендай мўсафидни бошга урадимми?

— Менга совчилик қиласан. Умуман олганда унча ёмон қиз эмас. Хўжайин ишқингизда куйиб, девона бўлиб юрибди, дейсан. Агар розилик берса, шунга қараб иш тутасан. Қайтаётганинда падре Рентериага учрашиб тайинла: никоҳ маросимига тайёргарлик кўриб қўйсин. Ёнингда пул-мулинг бордир?

— Сариқ чақам ҳам йўқ, дон Педро.

— Имкони бўлиши билан ҳақингизни берар экан, дегин. Менимча йўқ демаса керак. Азонлаб йўлга чиқ.

— Альдрете тўғрисида бир нарса сўраб олмоқчи эдим.

— Қанақа Альдрете тагин? Боядан бери эгачи-сингил Пресиадо, Фрегосо, Гусманлар ҳақида гапирётган эдинг-ку. Ҳали гапинг тугамаганмидими? Альдрете дегани ҳам борми ҳали?

— У билан еримизни ажратиб олишимиз керак. У ўзининг ерини ўраб олган, фақат ўртадаги марзадан биз гов олишимиз керак эмиш. Чегара бошдан-оёқ тўсилсин, дейди.

— Бу гапни қўятур. Сен говнинг ташвишини қилмай қўя қол. Хунукдан-хунук қилиб ўртадан гов олмаймиз. Ер ҳеч қачон бўлингган эмас, у — яхлит. Бунақа бўлмагур гапларни тарқатиб юрма, Фульгор, ичингда қолсин. Сен ҳозир совчилигингни ўйла, бу ишни тезроқ бир ёқли қилмасак бўлмайди. Ўтирсанг-чи.

— Ўтираман, дон Педро. Худо ҳаққи, гапларингиз менга ёгдек ёқпти.

— Лола билан учрашганинда, уни қанчалик яхши кўришимни киптини келтириб, шунақа таърифлагинки, эси оғиб қолсин. Хотинлар бунақа гапларга лаққа тушади. Мен ростдан ҳам уни яхши кўриб қолганга ўхшайман, Седано. Сен унинг кўзларига ҳеч тикилиб қараганмисан? Эртага тонг отиши биланоқ йўлга тушмасанг бўлмайди. Ҳозирча хўжалик иш-ташвишларини қилмай тур. Медиа-Лунанинг ҳам гамини ема.

“Азмойиш олиши чакки эмас-ку, бу боланинг. Бало экан! — дея хаёлидан кечирди Фульгор Седано изига қайтар экан. — Бунчалик деб ўйламаган эдим. Марҳум дон Лукас уни: “Бефаросат, маҳмадона” дегувчи эди. Сира унақага ўхшамайди. “Мен ўлганимдан кейин бошқа бирон иш топмасангиз бўлмайди”, дерди. “Ҳа, шунақага ўхшайди, дон Лукас”. “Сизга ёлгон, худога чин, Фульгор, мендан кейин қолишса, она-бола очдан ўлмасин, деган ниятда уни диний мактабга жойлаштирмоқчи ҳам бўлдим. Кўнмади, баччагар, юраги бетламади”. “Сизнинг ўглингиз бутунлай бошқача одам бўлиши керак эди, дон Лукас”. “Кўлидан тайинли бирон иш келмайди-я. Қариган чоғимда қўлтигимга кирар, деган умидим пучга чиқди. Қандоқ қилай, Фульгор, тақдир менга шундай латтачайнар болани раво кўрди”. “Кўргилик экан-да, дон Лукас, кўргилик экан”.

Оқибат улар ўйлаганча бўлиб чиқмади. Агар Фульгор Медиа-Лунага бунчалик боғланиб қолмаганида ҳеч қачон унинг хузурига келмас, мол-мулкни ўз ҳолига ташлаганча, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаб кетган бўларди. Бироқ унга қайта-қайта ҳайдалавериш, сўқага ройиш бўлиб қолган бу барокатли тупроқ, серунум яйдоқ қир-адирлар жуда ҳам қадрдон эди. Бу кишлоқни, ҳатто яқин-йироқдаги ерларни ҳам жон-дилидан севарди. “Энмедико замини, берироқ кел, келақол!” Чиндан ҳам чор-атрофдаги ерлар унинг истиқболига чопиб келаётгандек, Медиа-Лунанинг тупроги билан бирлашиб, омухта бўлиб кетаётгандек туюлади. Нафсиламбирини айтганда хотин киши ҳам одамнинг бир кунига яраб қолиши мумкин. “Яраганда қандоқ!” — деб қўйди у қамчи билан этигининг қўнжига тарс-турс урганча катта очилган дарвозадан кириб келаркан.

Долоресни осонгина тузоққа туширди-қўйди. Довдираганидан унинг кўзлари пирпираб, лавлагиси чиқиб кетди.

— Мени жуда галати аҳволга солиб қўйдингиз-ку, дон Фульгор, вой, тавба-ей! Дон Педрок одамнинг менга назар солиши мумкинлиги эс-хаёлимга келмаган.

— У туну кун сизни ўйлайвериб, ҳаловатини йўқотиб қўйган.

— У мендан кўра тузукроқ қайлиқ топса ҳам бўларди-ку. Комалада чиройли қизлар озмунчами? Бу гапни эшитишса, бечоралар ўкиниб қолишади.

— Унинг фикри-ёди фақатгина сиз билан банд, Долорес, бошқа ҳеч ким кўзига кўринаётгани йўқ.

— Қўйсангиз-чи, дон Фульгор, одамнинг лавлагиси чиқиб кетяпти. Бунақа гап етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган-а.

— У ўз майлини ошкор этиб юришни истамайди. Жойи жаннатда бўлгур дон Лукас, бу қиз сенинг тенгинг эмас, деб айнитишга ҳам уриниб кўрган. Педро одоб юзасидан отасига гап қайтармаган эди. Мана энди дон Лукас қайтиш қилиб, йўлингларга гов бўладиган ҳеч ким қолмади. У дарров мени совчиликка юборди. Бироқ мен вақтида келолмадим, ҳали хўжалик ташвиши, ҳали бошқа бир юмуш чиқиб қолади денг. Тўйни индинга қилсак нима дейсиз? Розимисиз?

— Вой, мунча тиқилинч? Ахир, менинг ҳеч қанақа тайёргарлигим йўқ. Никоҳ қўйлаги тиктириш керак, тўйнинг бошқа ташвишлари ҳам бор-ку. Опамга хабар қилай. Йўқ, яхшиси, бировни юбора қоламан. Минг шошганим билан, барибир, саккизинчи апрелдан олдин орқа-олдимни йигиштириб улгуролмайман. Бугун биринчими? Саккизинчига улгурсам ҳам катта гап. Дон Педрога айтинг, яна бир ҳафта сабр қилсин.

— Бир ҳафтангиз нимаси?! Қани энди иложи бўлса-ю, у сиз билан шу бугуноқ қовушса. Никоҳда кийиладиган уст-бошнинг ташвишини қилманг, ҳамма нарсани ўзимиз жўнатамиз. Дон Педронинг марҳума онаси никоҳ куни кийган ҳамма нарсасини келинимга деб асраб қўйган экан, шундоқлигича турибди. Бу оилада азалдан шундай расм бор.

— Барибир, бу ҳафта ичи иложим йўқ. Биласизми... Нима десам экан... Сизга айтиб бўлмайдиган аҳволдаман. Вой, дон Фульгор-эй, шармандага шаҳар кенг, деб, шу гапни ҳам айтишга мажбур қилдингиз-а. Айтишга ҳам одамнинг бети куяди. Эрта-индин бошланиб қолади. Вой, ўлмасам, той ўлмасам!

— Нима бўпти? Турмуш қураётган пайтда бунақа нарсаларга қараб ўтирадими? Ошиқ-маъшуқлар нафсини қондириш учун эмас, бир-бирининг васлига етиш учун интилишади. Ўртада муҳаббат бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиш мумкин.

— Сиз гапимга тушунмадингиз, дон Фульгор.

— Жуда яхши тушундим. Индинга тўй.

У шартга ўридан туриб, чиқиб кетди. Долорес эса худди ибодат қилаётгандек қўлларини чўзиб, тўйни атиги бир ҳафта орқага суришни ўтинганча қолаверди. Атиги бир ҳафта, холос!

Дон Педрога бир гапни тайинлаб қўйишни унутмаслик керак. "Оббо, азамат-эй, оббо азамат-эй, — дерди Фульгор ҳайратини яширолмай. — Удда-буронлигини қаранглар-а, бу боланинг. Қойил-э!" Никоҳ битими тузилаётганда у нотариусга эр-хотиннинг мол-мулки ўртада бўлади, деган гапни айтишни эсдан чиқармасин. Эртага эрталаб бу гапни айтиш ёдингда турсин, Фульгор.

Долореснинг фикри-ёди бутунлай бошқа нарса билан банд эди. У тоғора кўтариб, ошхонага чопди. "Иссиқ сув тезлатиб юборади. Ҳеч бўлмаса бугун кечкурун бошланса эди. Уф, барибир уч кунга чўзилади. Лекин бошқа иложи йўқ. Осмондан тушдимми бу бахт! Вой, қандай бахтли-я! Дон Педро билан тақдиримни қовуштирганимга минг қатла шукр, парвардигор!"

"Кейин мендан кўнгли қолиб кетса ҳам майли", дея яна кўнглидан кечирди у.

* * *

— Топширигингиз бажарилди, дон Педро, Долорес рози бўлди. Фақат тақсир олдиндан хабарламай, тўсатдан никоҳ ўқиши учун олтмиш песо сўрапти. Вақти-соати билан ҳақини тўлашимизни айтдим. У черковнинг меҳробиди тутдай тўжлай деб турибди, уйимдаги столимнинг аҳволи бундан беш-баттар, деб мингирлади. Мен янги стол опкелтириб беришга ваъда бердим. Шунда у бирон марта черковга кирганини кўрмаганман, деб сиздан нолиб қолди. Бундан кейин у киши биронта ибодатни қанда қилмай келади, дедим. У яна нега бувиси ўлганидан буён черков солиғи тўламаган, деб тиқилинч қилди. Мен ҳаммасини бирданига тўлаймиз, деб ишонтирдим. У дедим, бу дедим, ишқилиб, кўндирдим.

— Долоресдан пул сўрамадингми?

— Йўқ, сўраганим йўқ. Ботинмадим. Бу гапни эшитиб терисига сигмай кетди, бирданига ҳафсаласини пир қилиб қўйишдан қўрқдим.

— Сен ҳали ёш бола экансан-ку, Фульгор.

"Ё тавба? Мен ёш боламанми? Ёшим эллик бешга етганда-я! Ўзи ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдаг-у, бир оёғи гўрга етган одамни ёш бола дейди-я".

— Хурсандчилигини бир пул қилмай, дедим.

— Шунинг учун ҳам ёш бола экансан, деяпман-да.

— Бундан кейин ҳушёрроқ бўламан, хўжайин.

— Нариги ҳафтада бориб, Альдретега айт, говни олиб ташласин. Бизнинг бир парча еримиз у томонга ўтиб кетибди.

— Йўқ, хўжайин, у марзани тўғри олган, гапимга ишонинг.

— Бориб унга янглишибсан, деб айтгин. Марза қийшиқ олинган. Гап талашса, говни буздириб ташла.

— Ахир тартиб-қоида бор-ку.

— Қанақа тартиб-қоида, Фульгор? Бугундан эътиборан, умуман, бундан кейин бу ерда тартиб-қоидани сен билан биз жорий қиламиз. Медиа-Лунадаги хизматкорларнинг орасида каллакесари ҳам топилар?

— Йўқ эмас.

Альдрете билан гаплашгани кетаётганингда бир-иккитасини ўзингга ҳамроҳ қилиб ол. Бориб Альдрете бировнинг хусусий мулкига кўз олайтирган, деган маънода ёки шунга ўхшашроқ бирор баҳона топиб, акт тузинглар. Унга Лукас Парамо аллақачон ўлиб кетганини, мен билан бошқача гаплашиш кераклигини уқтириб қўй.

Осмон ҳали ҳам тип-тиниқ, фақат яккам-дуккам патбулут кўзга чалинар, уларни тўзитиб юрган шамол заминга иссиқ ҳарорат уфурар эди.

* * *

У яна қамчи дастаси билан эшик қоқди, Педро Парамонинг измисиз эшик очилмаслигини билса-да, шунчаки, одат бўлиб қолгани учун тақиллатди, холос. "Ким нима деса деяверсин-у, лекин манави капалак нусха қора тугунчалар зўр ўйлаб топилган, — дея гўлдиради у. — Кўриниши ҳам чиройли".

Эшик очилгач, у остонани ҳатлаб ўтди.

— Бу ёққа ўт, Фульгор. Қалай, Торибио Альдретени бир ёқли қилдингларми?

— Тинчитдик, хўжайин.

— Энди Фрегосонинг гали. Хозирча унга тегмай турунглари. Бунақа нарсаларни ўйлашга вақтим йўқ — куёвлик гаштини суриш билан овораман.

— Бу ерда ҳар қадамда бир овоз, акс-садо эшитилиб туради. Комаладагиларнинг ҳаммаси бир-бирини йўқлаб чақираётганга ўхшайди. Овоз хувиллаган уйларда узоқ сақланиб қоларканми, ҳайронман. Ё тошларнинг тагига босилиб ётармикин-а. Кўчада кетаётганингда худди орқангдан биров пойлаб келаётгандек туюлади. Ҳали бирон нарса гирчиллайди, ҳали сингандек

бўлади. Баъзан бировнинг кулгиси эшитилиб қолади. Фақат бир пайтлари бор кучини тўплаб кулишган-у, йиллар ўтиши билан кучи қирқилгандек зўр-базўр эшитилади. Лекин барибир, ҳар бир сас-садо етиб келади. Вақти-соати билан бу овозлар тиниб қолса керак.

Дамиана Сиснерос мени Комала кўчаларидан бошлаб бора туриб, шундай деди:

— Бир неча кун қаторасига шод-хуррам овозлар эшитилиб турди. Қани бориб кўрай-чи, Медиа-Лунанинг чангини осмонга чиқарадиган қанақа ўйин-томоша бўлаётган экан, деб ўйладим. Яқин келиб қарасам, кўча-кўйда жон асари кўринмайди, худди ҳозиргидек хувиллаб ётибди. Кейин бирдан байрам шовқин-сурони эшитилмай қўйди. Бунинг ҳеч бир ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Вақтихушлик одамни тез толиқтиради. Шунинг учун ҳам тинчиб қолишган.

— Ҳа, бу ерларда бир-бирига айқаш-уйқаш бўлиб кетган овозлар эшитилиб туради, — дея гапида давом этди Дамиана Сиснерос. — Мен аллақачон қўрқмай қўйганман. Бирдан итлар вовиллаб қолса, акилласа акиллар деб қўяман. Бу атрофда биронта кучук йўқлигини биламан-да. Ёки бирданига шамол туриб, барги хазонни чирпирак қилиб учуриб ўйнайди. Ўзинг кўриб турибсан, биронта дарахт қолмаган бўлса, барг нима қилсин. Бир пайтлари қанақа дарахтлар ўсарди. Эҳ-ҳа... Дов-дарахт бўлмаса, барги хазон қайдан келсин?

Фақат бировларнинг гаплашаётган овози эшитилгани ёмон. Бу овозлар бирор нарсанинг ёригидан отилиб чиқаётгандек рўй-рост эшитилади, ким гапираётганини дарров билиб оласан. Ҳозир сенинг олдинга кетаётганимда дафн маросимига дуч келиб қолдим. Мен турган жойимда "Падари бузрук-воримиз"ни пичирлаб ўқий бошладим. Шу пайт кўпчиликнинг орасидан бир хотин ажралиб чиқди-да, ёнимга келиб:

"Дамиана! Оллодан мағфират сўраб, дуо қилиб қўй, Дамиана!" — деб юзини очса бўладими. Ё қудратингдан! Қарасам, рўпарамда опам Сикстина турибди.

"Бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг?" — деб сўрадим.

Шундай деганимни биламан, у мендан узоқлашиб, яна бояги хотин-халажга араллашиб кетди.

Опам Сикстина мен ўн уч яшарлигимда ўлиб кетган. Сен уни танймайсан. У энг каттамиз эди, биз ўн олти бола эдик. Шундан буён қанча вақт ўтганини ўзинг ҳисоблаб олаверасан. Лекин бундан чиқди, ҳали ҳам бу дунёда кезиб юрган экан-да. Сенга тайинлаб қўймоқчиман, мабодо ён-верингда бирон овоз эшитилса, чўчиб юрма тагин, Хуан Пресиадо.

— Менинг келаётганим ҳақида сизга ҳам ойим хабар бердимми? — қизиқсиниб сўрадим.

— Йўқ, менга ҳеч ким хабар бергани йўқ. Айтмоқчи, ойинг яхши юрибдими?

— Ойим қайтиш қилган, — дедим.

— А-а?! Жуда ҳам ёш кетибди-ку. Касалмиди?

— Соппа-сог эди. Менингча айрилиққа чидолмади-ёв. Қачон қарасанг хўрсингани хўрсинган эди.

— Мана шуниси чатоқ бўлган экан. Одам ҳар гал оҳ урганида юрагининг бир парчаси узилиб тушади. Э, аттанг-а. Шундай қилиб, вафот этди, дегин-а.

— Ҳа, шунақа бўлиб қолди. Мен сиз хабар топгандирсиз, деб ўйлаган эдим.

— Менга ким хабар берарди дейсан. Қачондан бери дунёдан узилиб яшайман-ку.

— Бўлмаса, менинг бу ердалигимни қаердан билдингиз?

— ...

— Сиз тирик одамми сиз ё арвоҳми сиз, Дамиана? Жавоб беринг, Дамиана!

Мен бирданига кимсасиз кўчанинг ўртасида ёлғиз турганимни пайқадим. Қоп-қорайиб турган деразаларнинг ўрнидан ёругликка интилган ўт-ўланнинг йўгон поялари кўзга чалинади. Сувоги кўчиб кетган деворларнинг сомон аралаш гиштлари ёмғирда ивиб, уқалана бошлаган.

— Дамиана! — дея бор овозим билан чақирдим. — Дамиана Сиснерос!

"... Ана... нерос!.. — деган акс-садо келди. — .. Ана... нерос!.."

Худди менинг овозимдан уйғониб кетгандек, кучук акиллай бошлади. Кўчанинг нариги бетига саланглаб юрган одамнинг қораси кўринди.

— Ҳов, менга қара! — дея уни чақирдим.

— Ҳов, менга қара! — у менга айнан ўзимнинг овозим билан жавоб берди.

Шу пайт қулогимга хотинларнинг гап-сўзлари чалинди. Назаримда улар яқингина жойда, муҳолишда туриб пичирлашишарди.

— Анави келаётган одамни танияпсанми? Филотео эмасмикин, Аречига?

— Худди ўзи. Танимаганга олиб туравер.

— Юр, тезроқ кета қолайлик. Ёқиб қолган бўлсак керак-да, орқамиздан эргашиб юрибди. Ҳовлиқиб питирлашини қара. Қай биримизнинг орқамиздан чопиб келаётган экан-а.

— Сенинг орқангдан-да, албатта.

— Менинг назаримда у сенинг илинжингда келаётганга ўхшайди.

— Бўлди, секинроқ юравер, қолиб кетди. Ҳов, ана, муҳолишда тўхтаб турибди.

— Бундан чиқди у бизга эргашиб келмаётган экан-да.

— Эргашиб келса нима бўларди? А?!

— Э, у бизни бошига урадимиз?

— Хиралик қилиб, бош-кўзимизни айлантирмагани яхши-ку. У ҳақда ҳар хил бўлмағур гаплар юради. Эшитишимча, у дон Педро учун қиз топиб берар экан. Биз ундан осонгина қутулганимизга шукр қилишимиз керак.

— Рост айтасан. Бу чоли тушмағур Педро Парамонинг турқиёқ кўнгилни айнитади.

— Юр, тезроқ кета қолайлик.

— Юр, фалокатдан қутулганимиз рост бўлсин.

Тун чўкди. Ҳаммаёқ салобатли, сокин тун ҳукмига ўтди. Яна ён-веримда овозлар эшитила бошлади.

— ... Жўхори яхши ҳосил қилса, қарзларимизнинг ҳаммасини тўлайман, деяпман-ку. Ҳосил битмаса, сабр қилиб тур, тўлайман, биродар, унгача хо-навайрон бўлиб кетмассан.

— Мен-ку, қисталанг қилиб келмасдим-а, лекин ўртада лабз бор-да. Бунинг устига ер ҳам сеники эмас экан, бировнинг жойини ҳайдаб қўйибсан. Бу аҳволда мен билан қанақасига ҳисоб-китоб қиласан?

— Бу ер меники бўлмай кимники экан?

— Галилео ерини Педро Парамога сотибди, деган овозлар юрибди.

— Э, мен Педро Парамонинг қорасини ҳам кўрганам йўқ-ку. Биласан-ку, бу ерлар менга отамерос.

— Сен шунақа дейсан. Бошқалар бу жойларнинг ҳаммаси Педро Парамониники деб юришибди.

— Нега бу гапни ўзимга айтишмайди?

— Галилео, сени қанчалик ҳурмат қилишимни биласан. Ҳар ҳолда ёт эмас — почтамсан. Ақл-ҳушинг жойида. Ўз қайнинга ёлгон гапираётганинга ҳайронман. Ерни сотишга сотиб қўйиб, тулкилик қиляпсан.

— Қанақа одамсан ўзи, ҳеч кимга сотганим йўқ, деяпман-ку, сенга.

— Сотганмисан, йўқми, ишқилиб, энди бу ерлар Педро Парамониники. У шундай бўлишини хоҳлаган бўлса керак, тамом-вассалом. Дон Фульгор сенга учрашмадимиз?

— Йўқ.

— Демак, эртага учрашади. Эртага бўлмаса индинга келади.

— Барибир муроди ҳосил бўлмайди. Охир-оқибат ё у мени бир ёқлик қилади, ё мен уни.

— Ишонмасанг ўзингдан кўр. Нима ҳам дердим, поччажон, ўлмаганларнинг у дунёси обод бўлиб, жаннатдан жой ато этсин, деб ният қилишдан бошқа иложим йўқ.

— Ноумид бўлма, қайним, ҳали дийдор кўришамиз. Менинг гамимни емай қўя қол. Онамнинг калтагини еявериб, этим пишиб кетган, унча-мунча кал-такка чидайман.

— Эртага кўришгунча яхши қол, бўлмаса. Опамга айтиб қўй, сизларни-

кига кечки чойга келмайман. Кейин: "Охирги марта уникида бирга ўтирган-дик", деб юришга тоқатим йўқ.

— Майли, ўзинг биласан. Мабодо келсанг, эшигимиз очик, овқат тайёрлаб қўяман.

Этиklar гурсиллаганча узоқлашишди, нагалнинг тақиллаши ҳам аста-секин тинди...

— Эртага азонда сени опкетгани келаман, хўпми, Чона. Хачирларни эгарлаб, тахт қилиб қўйганман.

— Қочиб кетганимни билса, отам адои-тамом бўлади-ку. Қариган чогида.. Агар бу шармандаликни кўтаролмай бир нарса бўлиб қолса, қўлим ёқангда кетади. Мендан бошқа кими бор унинг? Мен кетсам ҳоли нима кечади? Иссиқ-совуғидан ким хабар олади? Мунча бетоқат бўлмасанг? Топиб олган гапинг: опқочиб кетаман, опқочиб кетаман. Шунча кутдинг, яна озгина сабр қил. Отам осмонга устун бўлармиди.

— Бултур ҳам худди шунақа деган эдинг. Кейин ўзинг ҳамма нарса жонимга тегди, дунёнинг нариги чеккасига десанг ҳам кетардим, лекин тавваккал қилишга сенинг юрагинг дов бермайди, деб яна менга ёпишгансан. Энди бунақаси кетмайди, хачирларни топиб, тайёрлаб қўйдим. Кетасанми, йўқми?

— Тўхта, ўйлаб кўрай.

— Чона, сени қанчалик яхши кўришимни билмайсан-да. Тоқатим тоқ бўлди! хўп десанг деддинг, кўнмасанг.. барибир олиб кетаман!

— Мунча бетоқат бўлмасанг. Ўзинг ўйлаб кўр, отамни қандай ташлаб кетаман, ахир. Яна бир оз сабр қилайлик, беш кунлиги борми, йўқми.. Унинг кўзи юмилгандан кейин хоҳлаган жойингга кетавераман, опқочишингни кераги ҳам йўқ.

— Бултур ҳам худди шанақа деган эдинг.

— Деган бўлсам нима бўпти?

— Нима бўларди, мен чиқим қилиб, бировнинг хачирларини олдим. Уларга эгар уриб келганман, билдингми! Фақат сенга қараб турибман. Отанг сенсиз ҳам амаллаб бир кунини кўрар. Унга қарайдиган бирорта оқсоч кампир топилмайдими? Биронта меҳрибон бордир, ахир. Сен шунақа чиройли, ёш қиз умрингни хазон қилиб..

— Йўқ, ташлаб кетолмайман.

— Кетасан.

— Йўқ, деяпман-ку. У бечорага жабр бўлади. У менга бегона эмас, ўз отам-ку ахир.

— Шунақами? Майли, ўзинг биласан. Хулиананинг олдига бора қоламан, менинг ишқимда қиз бечоранинг оҳ деса ўпкаси кўрингудек бўлиб юрибди.

— Майли, борақол. Йўлингни тўсмайман.

— Шунақа дегин-а? Нима қилай, эртага келайми?

— Йўқ. Бундан кейин меникига қадам босма.

Шитирлаган, қисирлаган сас-садо, кимнингдир овози, тушукниксиз шовқин-сурон ва узоқдан элас-элас қўшиқ эшитилади.

Ерим берган рўмолнинг гуллари
Ипак эмас, кўз ёшидан тикилган..

Қўшиқни эркакларнинг овози авжига олиб чиқар, уларга хотинлар жўр бўлаётгани сезилмас эди.

Турнақатор келаётган аравалар кўринди. Аравага қўшилган ҳўкизлар салмоқлаб одимлайди. Тошларга тегиб ўтаётган гилдираклар маҳзун гижирлайди. Аравакашлар худди тик оёқда ухлаётгандек судралишади.

“... Ҳар куни тонг олдидан қишлоққа чекка-чеккадан кириб келадиган”

араваларнинг гулдуросидан уйларнинг деворлари титраб кетади. Араваларга селитра, жўхори сўталари, пичан ортилган бўлади. Ёгсираган гилдиракларнинг гирчиллашидан дераза ойналари зириллаб, гафлат босиб ётганларни уйготиб юборади. Одатда бу паллада уй бекалари аллақачон ўчоққа ўт ёқиб улгурган бўлади, янги ёпилган нон иси димоқни қитиқлайди. Баъзан тўсатдан хавони булут босиб, шаррос ёмғир қўйиб юборади ҳам. Қарабсанки, кўклам келиб қолибди. У ерларда кўп нарса “тўсатдан” юз беради, ўғлим, бориб яшасанг кўникиб кетасан”.

Бу жойларнинг мудроқ жимлигини қуруқ араваларнинг тарақ-туруғи босиб юборади. Бир неча дақиқадан кейин қоп-қорайиб турган йўл араваларни домга тортади. Яна зулмат ва зулматдан юракни увиштирадиган сокинлик чўкади.

Мен қайтиб кетишга қарор қилдим. Қоп-қорайиб турган адирларни худди тиг ярасидек тилиб ўтган сўқмоқни тусмоллаб топиб олдим. Бу ерга юқорига қараб кетган мана шу ёлғизоёқ йўлдан келган эдим.

Тўсатдан кимдир қўлини елкамга ташлади.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Мен... ҳалиги... — отамнинг исмини айтиб юборишимга сал қолди. — отамни кўриб кетмоқчи эдим, — дея бу ёгини эплаштирдим.

— Нега ичкари кирмай турибсиз, бўлмаса?

Ичкарига қадам қўйдим. Томнинг ярми босиб тушган: чордоқнинг тўсини синиб, черепицалар майдаланиб ётибди. Уйнинг шикаст-рехтсиз қисмида турган эркак билан аёлга кўзим тушди.

— Сизлар тирик одаммисизлар ёки арвоҳми? — деб сўрадим улардан.

Аёл кулимсиради. Эркакнинг қовоғи уйилди.

— Қайфи бор шекилли, — деди эркак.

— Йўқ, кўрқиб кетганга ўхшайди, — деб қўйди аёл.

Столда ёниб турган чироқ бамбукнинг отате туридан ясалган каравот, тўқилган курси ҳамда унга ташлаб қўйилган аёл кишининг либосларини хира ёритар эди. Аёл онадан қандай тугилган бўлса шундайлигича қип-яланғоч, эркакнинг эгнида ҳеч вақо йўқ эди.

— Биров ихраб, ҳадеб эшикка бошини ураверди. Очиб қарасак, сиз экансиз. Нима бўлди?

— Нима бўлганини асти сўраманг. Яхшиси, мен бирпас ухлаб олай.

— Биз ҳам ухлаётган эдик.

— Бўпти, ётиб ухлай қолайлик.

Қоронги кеча айқаш-уйқаш таассуротларимга сув пуркагандек бўлди.

Ора-сира кулогимга узук-юлуқ сўзлар чалинар, аммо булар мен шу пайтгача эшитиб юрган бирорта калимага ўхшамас эди. Сабаби, шу пайтгача эшитиб билганларим аллақандай сассиз, пинҳон сўзлар эди; улар жаранглаб эшитилмаса-да, худди тушдагидек бемалол англайверардим.

— Ким бу? — деб сўради аёл.

— Мен қайдан билай, — дея жавоб қайтарди эркак.

— Бу ерга қандай келиб қолди экан?

— Ким билади дейсан.

— Янглишмасам, у отаси тўғрисида нимадир дегандай бўлди.

— Рост, нимадир деди шекилли.

— Балки у адашиб қолгандир? Бу ерга келиб қолган ҳалигилар эсингдами? “Адашиб қолдик, “Дунёнинг нариги чеккасига” қандай борсак бўлади”, дейишган эди. Сен умринг бино бўлиб, бунақа жой борлигини эшитмаганингни айтгандинг.

— Бўлди, эсимга тушди. Қўй энди, бирпас ухлай, тонг отишига ҳали анча бор-ку.

— Бе, ҳозир тонг ёришади. Ухлаб қолмагин деб сени атай гапга соляпман. Ўзинг: саҳар-мардонда тургазгин, деган эдинг-ку. Айтганингни қиялпман. Тура қол!

— Нега энди қоронги саҳарда туришим керак?

— Мен қаёқдан билай. Кеча ўзинг: “Вақтлроқ тургазгин”, дегансан. Нима қилмоқчилигингни айтганинг йўқ.

— Унақа бўлса бошимни қотирма. Анавининг гапини эшитдинг-ку, “Бирпас мизгиб олай”, деди-ю, таппа ташлади. Қўй, ором олсин.

Яна жимлик чўкди. Овозлар худди сувга отилган тошдек бирдан зим гойиб бўлди. Мени уйқу элита бошлади.

Яна овоз эшитилиб, ҳаловатимни бузди.

— Гимир-ляяпти. Ҳозир уйғониб кетади-ёв. Бизнинг қай аҳволда ётганимизни кўрса, ҳамма нарсани суриштира бошлайди.

— Нимани ҳам сўраб-суриштириши мумкин.

— Огзига келган гапни сўрайди-да. Нимадир дейиши керак-ку ахир.

— Э, қўйсанг-чи. Кўрмаяпсанми, сулайиб етибди.

— Бўлмаган гапни гапирма-е.

— Жим бўласанми, йўқми? Қанақа хотинсан ўзи?

— Ана у ёнбошига ўгирилди. Худди лахча чўгнинг устида ётгандек буралиб-суралишини қара. Бир пайтлари мен ҳам шунақа аҳволга тушганман, ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Нима бўлган эди?

— Шунақа қийналганман-да.

— Нима деб вайсаяпсан ўзингча.

— Эсимга тушмаса вайсамасдим-а. Ановининг у ёгидан бу ёгига ағдарилиб, тўлганишини кўриб, лоп этиб ёдимга келди. Биринчи марта сен билан бир тўшакка ётган кунимиз унга ўхшаб ўзимни қўярга жой тополмай қолганман: ҳамма нарса айқаш-уйқаш — ҳам огрик, ҳам ўзимдан нафрат.

— Нега ўзингдан нафратланасан?

— Кўнганим учун. Катта гуноҳ қилиб қўйганимизни дарров тушундим. Балки сенинг кўнглингда бунақа ният бўлмагандир ҳам.

— Ўйлаб топган гапингни қара-ю, Эва! Ўзинг ухламаганингга яраша, бировни ҳам ухлагани қўймайсан-а.

— Ўзинг вақтлироқ уйғот дегансан-ку, шунинг учун уйғотаяпман-да. Худо ҳаққи, айтганингни қиляпман, холос. Тур, дангаса, ётаверасанми, айтган вақтинг бўлди.

— Ухлагани қўясанми, йўқми?

Эркак ухлади шекилли, жим бўлиб қолди, бироқ аёл анчагача мингирлаб ётди.

— Назаримда, тонг ёришиб қолганга ўхшайди. Ҳамма нарсани бемалол кўрса бўлади. Анави зиногарни кўриб турган эканман, демак, тонг отибди, тонг отмаса кўринармиди. Ҳали замон қуёш чиқиб қолади. Кўнглим сезиб турибди, у бировни қонига ташна қилган одамхўр, турқидан маълум. Биз уни уйга киргизиб ўтирибмиз. Бир кечага бўлса ҳам, барибир, бошпана бердик. Эртага келиб, яширгансизлар, дейишса-я. Жавобгарликка тортишса, ана ундан кейин томошанинг каттаси чиқади... Ўзини у ёқдан бу ёққа ташлашини қаранглар. Жим ётиб ухломаяпти. Бир балоси бордирки, безовта. Виждони қийналаётганга ўхшайди. Ёвуз одамнинг кўнгли нотинчлиги ҳаммага аён.

Тонг отди... Кун ёйилиб, чор атрофда ўралашган қўланкаларни тўзитиб, ҳайдай бошлади... Уч кишининг ҳароратидан уй ичи исиб, димиқиб кетган эди. Кўзларимни босиб турган қовоқларим орасидан мен ёришиб келаётган кунни илгандим.

— У ёгидан-бу ёгига ағанашини қара, — деган овоз яна қулогимга чалинди. — Худди дўзах ўтида куйдиришаётгандек безовта-я. Турқидан каллакесарлиги шундоққина билиниб турибди. Тура қол, донис! Ановинга қарасанг-чи, аламга чидолмай огзидан сўлаги оқиб, ерда думалаб ётибди. Анча-мунча одамнинг бошини еганга ўхшайди. Сен лақма, кимлигини суриштирмасданок уйингга киргизиб ўтирибсан.

— Ким бўларди, омадсиз бир гадо-да! Қип-қизил вахманинг конисан-да. Жим ётиб ухласанг-чи, биз ҳам дам олайлик.

— Ухла эмиш Уйқи келмаса нима қилай.

— Бўлмаса ўрнингдан тургин-да, қури, овозингни эшитмай.

— Бўпти, бўпти. Бориб ўчоққа ўт ёқа қолай. Ановингга айтайми, менинг ўрнимга чиқиб ётсинми?

— Айта қол.

— Йўқ, айтмайман. Афтига қарасам, юрагим увишади.

— Бўлмаса бор, бизни тинч қўйиб, тирикчилигингни қил.

— Тўхтаб тур.

— Мунча имилладинг?

— Бўлди, кетяпман.

Аёлнинг каравотдан тургани эшитилди. Унинг яланг оёқлари ерни шип-шип босганча, бошимдан сакраб ўтди. Мен кўзимни очдим шу заҳоти юмиб олдим.

Мен уйғонганимда кун пешин бўлган эди. Ёнимда бир кружка қаҳва турарди. Мен уни ичмоқчи бўлдим-у, бироқ бор-йўги икки қултум хўплай олдим, холос.

— Айбга қўшмайсиз-да, сизни меҳмон қилгудек ҳеч вақомиз йўқ. Уйнинг ҳамма ёғини қоқиштирганимиз билан ҳам бир тишлам нарса топилмайди..

Бу аёл кишининг овози эди.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим уни хижолатдан қутқариш учун. — Менинг гамимни еманг. Мен очин-тўқин юриб ўрганиб қолганман. Фақат менга йўл кўрсатиб юборсангиз бўлгани.

— Қаёққа бормоқчисиз?

— Қаёққа бўлса ҳам майли, кетсам бўлгани.

— Бу ердан ўтган йўллар хоҳлаган жойингизга олиб боради. Контлига ҳам, унинг тескарисига ҳам кетган йўл бор. Мана бу йўл тўппа-тўғри тоққа олиб чиқади. Буниси қаёққа қараб кетганини ўзим ҳам билмайман, — аёл бармоғи билан томнинг ёригига ишора қилди.. — Бу ёққа қараб юрсангиз Медиа-Лунага борасиз. Бу ерда ҳамма йўллар билан кесишадиган энг узун йўл ҳам бор.

— Мен мана шу йўлдан юриб келган бўлсам керак.

— Бу йўл қаёққа олиб борар экан?

— Сайулга.

— Вой тавба! Мен бўлсам Сайул бутунлай бошқа томонда деб юрардим. Доим шунақа деб ўйлаганман. Сайулда гиж-гиж одам яшаши ростми?

— Ҳамма жойдагидек.

— Во ажабо! Биз бу ерда ёлғиз ўзимиз сўпайиб яшаймиз. Баъзан шунақа юрагим сиқиладики, бу дунёда одамлар қанақа кун кечиришаётгани ҳақида бирон-бир хат-хабар келса-чи, деб интиқ бўламан.

— Эрингиз қаёққа кетди?

— У эрим эмас, акам. Фақат бу нарсани ҳаммадан сир тутади. У қаёққа ҳам борарди. Шу атрофда ёввойилашиб кетган бузоқни кўрган экан, шуни излаб топаман деб кетган. Тагин ким билади, дейсиз.

— Бу ерда қачондан бери яшайсизлар?

— Азалу азалдан. Шу ерда тугилиб ўсганмиз.

— Бўлмаса Долорес Пресиадони танисангиз керак-а?

— Балки Донис билар. Мен одамларни камдан-кам кўраман. Остона ҳатлаб кўчага чиқмайман. Умрим мана шу тўрт девор ичида ўтпти.. Умр бўйи бўлмаса ҳам у мени ўзига хотин қилиб олганидан буён аҳволим шу. Одамларнинг кўзига кўринишдан кўрқиб, қамалиб ўтираман. У гапимга ишонмайди, лекин сиз холис айтинг, жуда ҳам бадбурушман-а? — у қоронғи бурчакдан ёруққа чиқди. — Афтимга бир қаранг.

Бу ҳамманикига ўхшаган сип-силлиқ юз эди.

— Мен юзингизда одамни ижиргантирадиган ҳеч нарса кўрмаяпман.

— Гуноҳ-чи? Наҳотки бетимга чаплаган гуноҳи азимни ҳам кўрмаётган бўлсангиз. Бутун вужудимга бошдан-оёқ тавқи-лаънат муҳри босилган. Ташқи қиёфам шу аҳволда. Ичим бундан бешбаттар ифлос, булганган.

— Бу ерда ҳеч ким бўлмаса, кимдан андиша қиласиз? Мен бутун Комалани кезиб, бирон кимсани учратмадим.

— Сизга шундай туюлгандир-да. У ерда ҳали ҳам одамлар яшашади. Филомено турадимми? Туради. Доротеа-чи? Мелькиадес-чи, Пруденсио чолчи, Состенес-чи, эҳ-ҳа, озмунча одам борми? Мен айтган одамлар у ерда туришмайдимми? Туришади. Ҳаммаси уйига қамалиб олишгани учун ҳеч кимни кўрмагансиз. Улар кундузлари нима қилишини сизга айтмайман, лекин нега кечаси эшикларини тамбалаб олиши менга беш қўлдек аён. Бу ерлар кечаси кўрқинчлики, нақ ўтакангиз ёрилади. Кун ботар-ботмас, кўча-кўй арвоҳларга тўлиб кетади. Гуррос-гуррос юришади. Арвоҳга дуч келишга кимнинг тоқати бор дейсиз. Дуойи фотиҳа қилиб турганимизда-ку, арвоҳлар бу

азобдан қутулишарди-я, лекин биз тоат-ибодатни йиғиштириб қўйдик: дуойимизнинг савоби қай бирига етсин. “Падари бузрукворимиз”ни ўқисан, ҳар бирига бир жуфтдан сўз тўғри келадими, йўқми — бунақада бировнинг жонини азобдан қутқариб бўладими? Бизнинг тоат-ибодатимизни олто даргоҳида қабул қилиши ҳам гумон. Бу ерда яшаётган тирикларнинг орасида оллонинг қарамига лойиқ бирон кимса топилмайди. Ердан бош кўтармай яшаймиз. Бошимизни кўтариб қарасак, шармисорлигимиздан оламни зулмат босади. Энди уялган билан иш битмайди. Менга буни епископ айтган. Болаларни чўқинтириш учун келганда ҳаммасини тушунтириб берган. Мен унинг олдида тиз чўкиб, қилган гуноҳларимга иқроп бўлдим.

“Сен қилган гуноҳга афв йўқ”, деди у.

“Шармисорликдан адоий-тамом бўлдим”, дедим.

“Фақат уялган билан гуноҳ енгилташмайди”.

“Бизни никоҳлаб қўя қолинг, епископ ҳазрати олийлари”.

“Боринг, кўзимга кўринманг!”

Ҳаётнинг ўзи бизни бир ката-лакка тиқиб, тақдиримизни боғлагани ва биз гуноҳга қўл урганимизни билмай қолганимизни айтгим келди. Бу атрофда биздан бошқа тирик жон йўқ. Биздан зуред пайдо бўлиши мумкин. “Яна бир айланиб келтунингизча бу ерларда динга даъват этиладиган қанча одам пайдо бўлади”.

“Ажралиб кетинглар, — дея оёқ тираб олди у. — Сизларга берадиган бошқа маслаҳатим йўқ”.

“Энди бир-биримиздан айрилиб қандай яшаймиз?”

“Бошқаларга ўхшаб яшайверасизлар”.

У шундай деди-ю, хаचирини ниқтаб ўз йўлига кетаверди: ҳатто шафқат нималигини билмайдиган тошдек совуқ юзини буриб қарашдан хазар қилар, бу билан ўзи ҳам гуноҳ қилганини хаёлига келтирмасди. Шу бўйи бу ерларга қайтиб қадам босмади. Кечалари арвоҳлар изғиб юриши ҳам шундан. Ўлганида тепасида дуо ўқиб, оллодан мағфират сўролмаган шўрпецоналарнинг сон-саногини йўқ. Қандай қилиб худонинг мағфиратига сазовор бўлишни билмай бечораларнинг жони азобда. Биз тоат-ибодат қилганимизнинг барибир фойдаси йўқ — ўқиган дуойимиз инobatга ўтиши амримаҳол. У қайтиб келяпти, эшитяпсанми?

— Ҳа.

— Ана, етиб ҳам келди.

Эшик очилди.

— Нима бўлди, тутдингми?

— Йўқ, қораси ҳам кўринмайди. Фақат изини топдим. Қаерда ётишини ҳам билиб олдим. Бугун кечаси ушламай қўймайман.

— Кечаси дейсанми? Мени ёлғиз ташлаб-а?

— Ёлғиз қолсанг қоларсан.

— Ёлғиз ўзим қандай қилиб ўтираман. Сен бўлмасанг ўзимни қаёққа қўйишни билмай қоламан. Шундоқ ҳам кун бўйи юрагим сиқилиб, қон бўлиб кетаман, фақат кечаси — сен қайтиб келганингдан кейингина сал енгил тор-таман.

— Бузоқни тутиб келишим керакми, йўқми?

— Сизларнинг ака-сингил эканингларни ҳозиргина билдим, — дея гапга аралашдим.

— Ҳозиргина-я? — деди у ажабланиб. — Мен буни олдинроқ билган бўлсам ҳам чурқ этмай юрибман. Сиз ҳам бекорга ўзингизни қийнаб, бу ишга аралашиб юрманг. Биз ҳақимизда ҳар хил бемаъни гапларни тарқатиб юришларини ёқтирмаймиз.

— Кўнглимда бошқача ниятим йўқ, аҳволингизни тушуниб турганим учун...

— Нимани тушунақолдингиз?

Аёл эркакнинг ёнига туриб, бўйнига қўл ташлади.

— Сиз нимани ҳам билардингиз? — деди у ҳам эркакнинг гапини так-рорлаб.

— Ҳеч нарса билмайман, — дедим, — энди, умуман ҳеч нарсага ақлим етмай қолди. Келган шаҳримга қайтиб кетишни истайман, холос, — деб қўшиб қўйдим. — Иложи бўлса, қош қораймасдан йўлга тушсам.

— Мунча шошмасангиз, — деди эркак мени йўлдан қайтариб. — Бугун-

ча қолинг. Ҳадемай қоронги тушади, йўлларни ўт-ўлан босиб кетган, тоғ-тошнинг орасида адашиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Эрталаб сизни ўзим кузатиб қўяман.

— Раҳмат.

* * *

Томнинг ёригидан бир гала қораялоқ учиб ўтгани кўринди — бу қушлар одатда шом тушгач, лекин ҳали самовий йўлларни зулмат чулғаб улгурмай учишади. Шундан кейин тун бостириб келаётганидан дарак бериб, юксак-юксакда шамол тўзгитиб юборган лахтак-лухтак булутлар сузиб ўтди. Бирин-кетин юлдузлар милтирай бошлади, кўп ўтмай ой балқиб чиқди.

Уйда мендан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Эркак билан аёл ички ҳовлига олиб чиқадиغان эшикка кириб кетишганча, бутун тай қоронги тушганда қайтишди. Бу орада қандай ҳодиса юз берганидан улар беҳабар эди, албатта.

Улар йўғида кутилмаган бир воқеа юз берди.

Кўча эшик очилиб, бўсағада худди оч арвоҳдек озгин, мункиллаб қолган кампир пайдо бўлди. Ичкарига киргач, у уй ичига обдон разм солди. Менга кўзи тушса ҳам ухляпти деб гумон қилди, шекилли, ортиқча эътибор бермай, тўппа-тўғри бурчакда турган каравотга қараб юрди. Унинг остидан чарм кутини олиб, ичини ковлашгирди. Уч-тўртта чойшабни қўлтигига қисдида, худди мени уйготиб юборишдан қўрққандек оёқ учида юриб чиқиб кетди.

Мен иложи борича унга қарамасликка уриниб, нафасимни ичимга ютиб ётардим. Кампир чиқиб кетгач, бошимни буриб шифтга тикилдим. Томнинг ёригидан ой билан ёнма-ён милтираб турган дастлабки юлдузлар кўринди.

— Манг манавини ичиб олинг, — қулсгимнинг остида аёл кишининг овози эшитилди.

Унга қайрилиб қарашга юрагим дов бермади.

— Ича қолсангиз-чи. Бирдан енгил тортасиз. Атайлаб сиз учун апельсиннинг гулини қайнатиб келдим. Жуда ҳам қўрқиб кетибсиз. Титрашингизни қаранг. Манавини ичсангиз енгил тортасиз.

Шундоққина рўпарамда турган таниш қўлларга кўзим тушди, кейин аёлнинг юзи кўринди. Эркак унинг орқа томонида тик турарди.

— Ҳа, мазангиз қочдимиз? — деб сўради у.

— Ўзим ҳам билмайман. Кўзимга ҳар хил нарсалар, аллақандай одамлар кўринаверади. Мен кўрган нарсалар сизларга кўринмаса керак. Ҳозирнинг ўзида бу ерга бир кампир кириб, чиқиб кетди. Сизлар кўрганлар йўқми?

— Қўй, ётаверсин, — деди эркак. — Юр, кетдик. У ўзини авлиё қилиб кўрсатмоқчи, чоғи.

— Сўрига ётқиза қолайлик. Титрашини қара, алангаи оташ бўлиб ёняпти.

— Тепасида кўп ҳам ўралашаверма. Бунақалар одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун ўзини ҳар оҳангга солишади. Медиа-Лунада ҳам шунга ўхшаган биттаси бўларди, эртага нима бўлишини каромат қиламан, деб мақтангани мақтанган эди. Оқибат нима бўлди? Хўжайини ундан кўра устомонлигини билолмади, хизматкорининг хийла-найрангларини сезгач, имжимида тинчитиб юборди. Бу ҳам ўшанақалардандир-да. Ўзини кароматгўй кўрсатиб юрадиган бунақа “авлиё”ларни яхши биламан, қишлоқма-қишлоқ юриб, одамларни аврайди: экмайди, тикмайди-ю, доим қорни тўқ, усти бут. Фақат бизникида бир бурда нон топиб еёлмай, очдан ўлиб қолмаса бўлгани. Уни қара титроғи босилди, гапга қулоқ соляпти.

Назаримда, вақт орқага қайтиб кетаётгандек туюларди. Кўкда яна ой билан ёнма-ён милтираб турган дастлабки юлдузлар кўринди. Пат булутлар тўзгитиб кетди. Қораялоқлар галаси шувиллаб учиб ўтди. Бошим узра яна гўрб шугъласида чўмилаётган осмон тўнкариглик турганини сездим.

Уйлар офтоб нурига чулганиб, кун ёришиб кетди. Тошлоқ йўлдан қадам товущарим эшитилади. “Агар тирик бўлса, донья Эдувихесни қидириб топинг”, дея тайинлайди йўлда учраган ҳамроҳим.

Кейин тўсатдан қоп-қора зулмат чўқади. Мен қандайдир уйда ётардим. Ёнимда ухлаётган аёл кишининг хурраги эшитилади. Эндигина кўзи илинган ё ўзини ёлгондан уйқуга солиб ётгани учун нафас олиши пайдар-пай. Сўри

бамбукдан ясалган, остимиздаги тўшакка бирор марта ҳам офтоб тегмаган бўлса керак, гупиллаб шиптир ҳиди келади. Ёстиқ ўрнига дагал матодан тикилиб, ичига каноп толасими ёки жунми тиқилган қоп қўйилган — худди гўлага бош қўйиб ётганга ўхшайсан.

Аёлнинг яланғоч сони тиззамга тегиб кетди, юзимга унинг илиқ нафаси урилганини сездим. Сомонли гиштдан ҳам қаттиқроқ ёстиққа тиралиб қаддимни ростладим.

— Ухлаётганингиз йўқмиди? — сўради аёл.

— Уйқум келмаяпти. Куни билан роса ухлабман-ку. Акангиз қани?

— Ўзининг ташвишлари билан юрибди. Қаёққа бормоқчилигини ўзингиз эшитдингиз-ку. Бугун қайтиб келмаса керак.

— Барибир кетибди-да. Сиз ёлғиз ташлаб кетмагин, деб ялинган эдингиз-ку.

— У гапимга қулоқ солармиди. Энди қайтиб келмаса ҳам керак. Уларнинг ҳаммаси шу-ку: бири у ёққа боришим керак, дейди, бири бу ёққа... Шу бўйи қайтиб қорасини ҳам қўрсатишмайди: узоқ-узоқларга бош олиб кетишади, шекилли. Анчадан бери бунинг ҳам хаёли бузилиб юрган эди. Сизни кўриб, жуфтакни ростлаб қоладиган пайти келганини тушунган. Назаримда иккаламизни ҳам тақдирлашиб, мени сизнинг илкингизга топширди-ю, кетди ворди. Қулай имкониятдан фойдаланиб қолди. Бузоқни бизни чалгитиш учун ўйлаб топган. Мана кўрасиз — энди у қайтиб келмайди.

Мен йўнглим айниб кетяпти, бирпас очиқ ҳавога чиқиб келай, демоқчи бўлиб туриб:

— Ташеишланманг, қайтиб келади, — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Аста ўрнимдан турдим.

— Сизга озгина егулик пишириб қўйдим, — деди аёл. — Ошхонага кирсангиз, ўчоқда турибди. Бир гишламгина бўлса ҳам ҳарна дармон-да.

Чиндан ҳам ошхонада бир бўлак дудланган гўшт билан қўрга кўмиб қўйилган уч-тўртта тортилья бор эди.

— Бошқа тузуқроқ нарса топишнинг иложи бўлмади, — ичкаридан аёлнинг овози эшитилди. — Бу нарсаларни ҳам опамга ялиниб-ёлвориб, онамдан қолган чойшабларга зўрга алмаштириб олдим; ҳали яп-янги эди-я. Опам ўша чойшабларни опкетгани келган. Боя Дониснинг олдида индамадим, сизнинг ўтакангизни ёриб юборган кампир менинг опам.

* * *

Юлдузлар чарақлаб турган осмон бахмалдек қоп-қора. Ойнинг ёнгинасида милтираётган юлдуз бошқаларидан кўра кўпроқ ёгду таратаётганга ўхшайди.

— Менинг овозимни эшитяпсанми? — дея шивирлаб сўрадим.

Шу захоти унинг овози келди:

— Қаерларда юрибсан?

— Мен сенинг униб-ўсган ватанингданман. Ёшлик чоғингда бирга юрган таниш-билишларинг орасидаман. Ҳаммасини кўриб тургандирсан?

— Йўқ, ўғлим, мен ҳеч нарса кўраётганим йўқ.

Онамнинг овози қурраи замин бўйлаб таралиб, оламнинг худудсиз кенгликларига сингиб кетарди.

* * *

Мен яна аёл ётган хонага қайтиб кирдим.

— Мен ерда, кечаги жойимда ёта қолай, — дедим. — Сўрингиз биқинларимни тешиб юборди. Агар бирор нарса керак бўлса, айтарсиз.

— Донис энди қайтиб келмайди, — деди аёл. — Кўзларидан билиниб турувди. У мени ташлаб қочиш учун пайт пойлаб юрган эди. Энди менинг ташвишим сенинг гарданингга тушди. Ё бунақа ташвишга тоқатинг йўқми? Бу ёққа ке, ёнимга ўтиб ёт.

— Менга ер ҳам бўлаверарди.

— Сўрига чиқиб ёт. Ерда суварақлар гимирлайвериб, уйқу бермайди. Ўрнимдан туриб унинг ёнига чўзилдим.

* * *

Ярим кечаси иссиқдан нафасим қайтиб уйғониб кетдим. Қора терга тушиб кетибман. Аёлнинг вужуди балчиққа айланишга тайёр турган ипирик нарсалар илашган бир замбил лойга ўхшарди. Ундан келаётган бадбўй ис ва тердан нафасим қайтгудек бўлиб, питирлардим. Лоақал нафас ростлаб олишга ҳаво етишмасди. Не машаққат билан ўриндан турдим. Аёл ухлар, худди жони ҳалқумига келиб қолгандек хирқираб нафас оларди.

Тунги салқинда ором оларман, деган илинжда ташқарига чиқдим. Бироқ барибир, ҳаммаёқдан иссиқ ҳовур уриб тургандек туюлаверди. Ҳаво қуриб кетган; тунлари ҳам бу жазира ловуллаб ётибди — енгил нафас олиш тугул, одам бўғилиб қолай дейди.

Бир чимдим ҳаво ҳам йўқ. Мен ўзим чиқарган нафасни қайтадан симирар, у ҳавода ёйилиб кетмаслиги учун қўлларим билан огиз-бурнимни пана қилиб олган эдим. Илиқ нафасим кафтларимни қитиқларди. Бироқ, барибир, нафас олиш борган сари қийинлашарди. Ниҳоят энг сўнги ҳаво зарралари бармоқларим орасидан сизиб бўшлиқ қаърига сингиб кетди.

Тамом, вассалом.

Тепамда кўпчиган оппоқ булутлар пайдо бўлди-да, мени ўраб-чирмаб олди, уларнинг кўпикдек момик қучогида ғарқ бўлиб кетдим. Охирги марта кўрган-билганим — шу.

* * *

Мени бўғиб ўлдиришди, деяпсан-а, Хуан Пресиано? Ахир, биз сени Дониснинг уйдан анча наридаги майдондан топиб олдик-ку. Тепангда турган Донис у ўзини ўликка солиб, жиннилик қиялпти, деди. Икковлашиб сени айвонга олиб кирганимизда аллақачон кесак бўлиб қолган экансан; тананг букчайиб, юзинг бир томонга тортиб кетган — ўтакаси ёрилиб ўлган одамнинг афти шунақа бўлади. Ўша куни кечаси нафас олиб бўлмасди, деяпсан. Агар нафас олиб бўлмаса, сени қандай қилиб кўтариб юрганмиз, кўмишга кучни қайдан олганмиз. Кўриб турибсан-ку, сени лаҳадга қўйдик.

— Рост айтасан, Доротео. Отингни Доротео дединг-а?

— Нима фарқи бор. Отим-ку Доротео. Лекин аслида ҳаммаси ҳам бир.

— Тўғри, Доротеа. Ростини айтсам, мени шивирлаган овозлар ўлдирди. Тушуниб бўлмайдиган овозларнинг шивир-шивири.

“... У ерда сен дунёда мен учун ардоқли бўлган ва мен суйган ажойиб нарсаларни кўрасан. Менинг она юртим. О, у ерда мен қандай ғаройиб тушлар кўрардим, юрагим ширин орзулардан орзиқиб кетарди. Бизнинг қишлоқ шундоққина яланглик тепасида қўр тўкиб турган қир-адир ёнбағрига жойлашган; ҳамма ёғи бог-роғ, дов-дарахтларнинг кумушдек товланган япроқлари оҳиста қарсақ чалиб, худди энг тоғли хотираларингни бағрига яширган тилсимдек ўзига чорлагани-чорлаган. У ерларни кўрганингдан кейин абадул-абад қолишим керак бўлган жой шу экан, дейишинг турган гап. У ернинг субҳи-содиги худди ўтган кундагига ўхшаш — бир-биридан фарқ қилмайди, ёришиб келаётган тонг ҳам, чошгоҳ ҳам, шом пайти ҳам сира ўзгармайди. Фақат ҳавоси бўлакча — яйраб нафас оласан, чунки у ернинг ҳавоси ажойиб, ҳавосига монанд нарсаларнинг туси ҳам бўлакча. У ерда ҳаётнинг йўриги ҳам бошқача, у сенга афсоналар сўзлаётганга ўхшайди, сен сеҳрланиб қулоқ тутасан ва пировардида ҳаётнинг ҳеч қачон тинмайдиган боқий даъватидан бошқа нарсани эшитмай қўясан...”

— Гапимга ишонавер, Доротеа, мени шивирлаган овозлар ўлдирди. Олдинга кўрқиб кетдим, ўлимга таслим бўлаётганимни сездим-у, бироқ унга қарши туришга чоғим келмади. Кейин пичирлаган овозлар эшитилди-ю, мени адоий тамом қилди.

Гапинг рост, майдонга қараб кетаётган эдим. Қаердадир бир жойда шовқин-сурон эшитилгандек бўлди, одамларнинг овозини тусмоллаб юравердим.

Бошим гувиллаб, оёқда туришга чоғим келмас, йиқилиб тушмаслик учун деворларни пайпаслаб борардим, худди оёқда эмас, қўлимда юриб кетаётганга ўхшадим. Деворлардан тушуниқсиз сас-садолар эшитилар, улар куйиб-пишиб ниманидир гапирётгандек туюларди. Девор ёриқларидан, ҳар бир тешикдан, ҳатто кўчиб кетган сувоқдан ҳам садо чиқарди. Бу одамларнинг овози бўлиб, мен зўр бериб, улар нима деяётганини илғаб олишга уринардим, бироқ ҳаддан ташқари секин, тушуниқсиз тарзда айтилган бу сўзлар, бировнинг шунчаки оғзидан чиқиб кетган гапимикин ё қулогим шангиллаб кетаётганимикин, деган хаёлга ҳам бордим. Мен деворга суянмай, кўчанинг ўртасига тушиб олсам ҳам овозлар таъқиб этиб келаверди. Улар дам ёнгинамда, дам олдинда, дам орқамдан эшитиларди. Энди иссиқдан нафасим қайтмас, аъзои баданим музлаб кетган эди. Менга ёнидан жой бериб, кўз олдимда терига қоришиб, балчиққа айланган аёлнинг уйдан чиққан заҳотим совқота бошладим, қанча тез юрганним сайин совуқ аъзои баданимдан ўтиб, тукларим тиккайиб кетарди. Жунжикиб, изимга қайтмоқчи ҳам бўлдим, назаримда ҳозиргина қочиб чиққан уйнинг остонасидан ҳатлашим билан баданимга иссиқ югурадигандек туюларди. Бироқ яна бир неча одим ташлаганимдан кейин совуқ ич-ичимдан чиқиб кетганини — томирларимда қоннинг оқиши сусаяётганини ҳис этдим. Мен қаттиқ қўрққанымдан шу аҳволга тушганимни англаб етдим. Майдондаги одамларнинг бақириб-чақириги борган сайин авжга чиқар, қўнғимда уларнинг ёнига етиб олсам ўзимга келиб қоларман, деган илмиж бор эди. Мени майдондан топганинлар бежиз эмас. Демак, Донис барибир қайтиб келибди-да. Ҳалиги хотин энди унинг дийдорини кўриш насиб қилмайди, деб ич-этини еяётган эди...

— Биз сени эрталаб кўриб қолдик. Донис қаёқдан пайдо бўлганини ўзим ҳам билмайман. Сўраб, суриштирганим йўқ.

— Мен очиқ майдонга келдим-да, тим тагига ўтиб, устунга суяндим. Бирон тирик жон кўринмас, лекин худди бозор қайнаётгандек шовқин-сурон қулоқни қоматга келтирарди. Бировнинг овозини фарқлаб нима деяётганини тушуниш қийин, ҳамма нарса қоришиб, гувиллаб эшитиларди. Шамол қутурганда шундай бўлади; на дарахтнинг ўзи, на шох-шаббаси кўринадими-ю, бироқ гувиллаши оламни бузади. Мен жойимда қимир этмай туравердим. Майдонни бошига кўтарган бақириб-чақириб тўсатдан жамланиб, менга яқин келди-да, худди асалари уясидек қулогим остида гувиллаб бошлади. Мен аниқ-таниқ айтилган айрим сўзларни илғаб улгурдим: “Оллодан бизга мағфират сўраб, ибодат қил”. Бу сўзлар менга қарата айтилган эди. Юрагим шув этиб, жоним ҳалқумимга келди. Шунинг учун ўлигим майдонда қолган.

— Бу ерга бекор келибсан. Жимгина уйда ўтиришинг керак эди.

— Айтдим-ку, Педро Парамони кўрмоқчи эдим деб. Нима бўлганда ҳам отам-ку. Лекин бу ерга хомжаёл билан бошим айланиб келиб қолганимни тушуниб турибман.

— Ҳақиқатан ҳам бошинг айланиб келиб қолибсан. Лекин бу хомжаёл сенга қимматга тушибди. Мен ҳам ўз вақтида бунақа нарсанинг жабрини тортганман: ёруғ дунёда керагидан ортиқча умргузаронлик қилганман. Ўғлим учун яшаб, қарзимни узганман. Болам бор деб ўзимни овутиб юрсам, бу хомжаёл бўлиб чиқди, қоққан қозиқдек ёлғиз эканман, болам ҳам йўқ экан. Ўлганингда кейин ҳамма нарсани бир бошдан ўйлаб, тушуниб олишга вақтинг бемалол етиб ортаркан. Парвардигор ёруғ оламда бола топиб ўстиришим учун бошпана ҳам бергани йўқ. Фақат умрдан қисмади; шунақа узоқ яшадимки, охир-оқибат, қачон ҳаққа етаркинман, деб ўйлай бошладим. Умримни шамол учуриб ўйнаган хазондек қўним билмай сарсон-саргардон ўтказдим, азоб-уқубатдан бўлак нарсани кўрмаган кўзларим ҳадеб чор-атрофга аланг-жаланг боқар, назаримда, одамлар менинг боламни ўғирлаб, яшириб қўйгандек туюлаверарди. Агар фалокат босиб туш кўрмаганимда бу гаплар йўқ эди. Умримда икки марта туш кўрганман — бир гал дорилфанода, иккинчи сафар дорилбақода. Биринчи тушимда бола тугиб, уни эркалаб юрган эмишман. Ёруғ дунёда қанча яшаган бўлсам, шундай бўлганига астойдил ишонганман. Уни сира қўлимдан қўймасдим; боламнинг бадани иссиқ, мимикдек қўлчалари дўмбоққина, биллари гунчадек, кўзлари мунчоқдек эди. Кейин ухлаб ётганда бармоқлари билан киприкларини қайираётгандек, юраги кафтимга дукирлаб ураётгандек туюлаверди. Бу нарсани тушда эмас, ўнгим-

да кўрган бўлсам нега ишонмай, ахир. Жигарпорамдан сира айрилмасдим, қаерга бормай шол рўмолимга ўраб, олиб юрардим. Кейин у бирданига йўқолиб қолди. Бу ерга келганимда эса хато юз берган экан, ўзинг мушфиқ, бироқ тубинг тош қилиб яратилган экансан, дейишди. Адашиб кетишганмиш. Бу мен кўрган иккинчи туш. Ўғлим у дунёдаги фаришталарнинг орасида эмасмикин, деб қараб чиқдим. Кўзларим нигорон бўлиб изладим. Афсуски, болам уларнинг орасида ҳам кўринмади. Фаришталарнинг турқи-таровати бир хил, бир-биридан ажратиб бўлмас экан. Юрагим эзилиб, сўраб-суриштиришга тушдим. Тўсатдан ёнимга фаришталардан бири келди-да, чурқ этмай ичимга кўлини тикиб юборса бўладими, ўзим ҳам хайрон бўлиб қолдим; унинг кўли баданимга эмас, юмшоқ мумга ботиб кетгандек бўлди. Кўлини суғуриб олди-да, худди ёнғоқнинг пўчоғига ўхшаган ғалати бир нарсани кўрсатди. “Мана ўзларининг аъмал хужжатларини кўриб қўйсинлар”, деди.

Улар жуда ғалати гагиришар экан-у, лекин бир амаллаб тушунса бўларди. Мен эндигина гапга огиз жуфтлаб, бу менинг ошқозоним-ку, умримда бирор марта тўйиб овқат емаганим учун у шунақа қуриб, қовжираб қолган, демоқчи эдим, бошқа бирови шартта елкамдан тутамлаб дарвозадан итариб чиқарди. “Бор, қизим, ёруғ оламнинг неъматларидан тузукроқ тотгин, олло таоло буюргандек яшашга ҳаракат қилсанг, гуноҳларингдан тезроқ фориг бўласан”.

Бу менинг аршда кўрган тушим. Бу тушни кўрганимдан кейингина ҳеч қачон бола кўрмаганимни англадим. Лекин бу шафқатсиз ҳақиқатни жуда ҳам кеч, қариб-чуриб, бир оёгим тўрда-ю, иккинчиси гўрга етгандагина тушундим. Худо урса, қўшқўллаб уради деганлари рост экан, одамлар узоқ-яқинга бош олиб кетиб, бу жойлар хувиллаб қолди. Одамлар кўчиб кетишгач, менинг шўрим қуриди — мен улар берган хайр-садақа билан тирикчилик қилардим-да. Ўтириб, ўлимимни кута бошладим. Сени топганимиздан кейин менинг сўнгақларим ҳам лаҳадга кириб, хотиржам бўлди. Бировнинг оёғига ўралашиб, халақит бермаганимдан кейин суюқларим сочилиб ётганини ҳеч ким пайқамаса керак, деб ўйлаган эдим. Ўзинг кўрдинг-ку, мени кўмишга бир сиқим ҳам тупроқ кетгани йўқ. Сен билан бирга кўмиб қўя қолишди, ортиқча жой ҳам эгалламадим, бир бурчакка қисилиб, қучоғингга жой бўлдим. Аслида-ку, сен мени эмас, мен сени қўлимда кўтариб юришим керак, а. Жим! Ер юзида ёмғир ёғяпти шекилли. Шитирлашини эшитяпсанми?

— Менинг назаримда кимдир устимизга чиқиб тепкилаётганга ўхшайди.

— Парво қилма. Энди бировдан кўрқмасанг ҳам бўлади. Бу ерда ҳали кўп ётамиз, баҳри-дилинг очиладиган нарсаларни эслашга ҳаракат қил.

Тонгга яқин дастлабки йирик-йирик томчилар сепалай бошлади. Ёмғир томчилари қуриб, қовжираб ётган ерни тарсиллатиб саваларди. Қанотлари ерга тегай-тегай деб учиб ўтган мазахчи қуш худди бешикка беланган боладек чирқираб йиғлади, сал гарига боргач, тинкха-мадори қуриртган одамдек уф тортди, ёришиб келаётган уфқ сари қанот қоқиб, борган сари узоқлашаркан, аввалига чуввос солди, кейин хандон ташлаб кулаётгандек шақшақлади ва пировардида яна чуқур уф тортди.

Палахса-палахса ҳайдалган ерга сингаётган обирахмат сувини томоша қилгани чиққан Фульгор Седанонинг димоғига гул этиб намхуш ҳаво урилди. Қувонганидан Фульгорнинг кўзлари чарақлаб кетди. У қадрдон тупроқ исини ҳузур қилиб, қайта-қайта симираркан, мамнун илжайди.

“Қара-я! Насиб этса, бу йил ҳам баракали йил бўлади. — Бирпас жим қолгач, яна қўшимча қилди. — Қуй, қуявер, ёмғир! Иложи борича челақлаб қуй. Кейин ҳов анови ёқларга ҳам обирахмат сеп, қара, сен бемалол яйраб ёғишинг учун биз қанча янги ер очиб қўйибмиз”.

У яйраб кулди.

Мазахчи қуш эса худудсиз далаларни айланиб чиққач, инига қайтди. Фульгорнинг тепасдан учиб ўта туриб қаттиқ чинқириб юборди.

Ёмғир челақлаб қуя бошлади, чет-четлари ёришиб келаётган осмонни қайтадан қора булут босди, аста-секин чекинаётган нимқоронгилик баттар қуюқлашди.

Ёмгирда туравериб, занг босган темирнинг гирчиллагани эшитилди — Медиа-Лунанинг улкан дарвозаси лангиллаб очилди. Ичкаридан ёмгирпўш ёпинган икки юз кўриқчи жуфт-жуфт бўлиб чиқиб келди-да, турли томонга от чоптириб кетди.

— Энемедиодаги подаларни Эстагуанинг нарёгидаги эски яйловга кўчиринглар. Эстагуадаги молларни Вильмайо адирларига ҳайданглар, — дея чўпонларга қайта-қайта тайинлади Фульгор. — Тезроқ бўлинглар, болалар, сел келяпти. Офат кутиб турмайди.

У биттагина гапни такрорлайвериб чарчади; дарвозадан ҳаммадан кейин чиқаётган отлиқлар фақат: Бу ёқдан-у ёққа, у ёқдан адирга”, деган сўзларнигина тушунишди, холос. Отлиқлар топшириқни анлаганини билдириб, кўлини сембреросининг айвонига тегизиб кўярди.

Ҳали охириги сизматчи чиқиб улгурмай, дарвозадан Мигель Парамо отини ўқдек учуриб кириб келди. Жиловни тортмасданоқ эгардан сакраб тушаркан, сал бўлмаса Фульгорнинг оёгини босиб олай деди. Жилови бўш қўйилган жонивор отхона томонга бурилди.

— Каллаи сахарлаб қаёқдан келяпсиз?

— Гунажинни соққани бордим.

— Қанақа гунажин?

— Топгин-да.

— Бунинг бош қотириб ўтирадиган жойи йўқ. Доротеадан бошқа кимнинг ҳам олдига боришингиз мумкин. Сиздек йигит ёпишиб турса, жони кириб кетса керак ўзиям.

— Вой эси паст-эй. Лекин каллаварамлигинг учун сен айбдор эмассан, албатта.

У шундай деди-ю, шартта бурилиб нонушта қилгани ошхонага кириб кетди; этигининг товонига ўрнатилган ниқтагични ечиб қўймади ҳам.

Ўчоқ бошида Дамиана Сиснерос куйманарди.

— Тонг отмасидан қаёқдан келяпсан? — у ҳам айнан Фульгорнинг саволини берди.

— Ўзинг билган жойдан. Ўйнашларимнинг олдига бориб, лақиллаб келдим.

— Жаҳлинг чиқмасин, Мигель, мен шунчаки сўрадим қўйдим-да. Кечирасан. Қуймоқ қилиб берайми?

— Қуймоқ бўлса ҳам, чала пиширилган тухум бўлса ҳам барибир.

— Сендан тўғрилиқча гап сўраяпман-ку, Мигель.

— Бўпти, мен ҳам сенга зарда қилаётганим йўқ. Менга қара, “Ҳасратнинг қазии” деб лақаб қўйишган Доротеани танийсанми?

— Танийман. Гаплашмоқчимсан? Анови эшикнинг орқасида — ҳовлида ўтирибди. Ҳар куни азонлаб келади, бирон егулик бериб қўямиз. Сал эси чатоқроқ: латта-путтадан кўғирчоқ ясаб, шол рўмолига ўраб олибди, қўлидан қўймай, худди боладек папалаб, алла айтиб юради. Бошига кулфат тушиб, шунақа бўлиб қолган шекилли, нима бўлганини ўзи ҳам гапирмайди, биров ҳам билмайди. Тиланчилик қилиб кун кўради.

— Шошмай тур, ярамас чор! Дунёга келганингга пушаймон қилдирмасамми ҳали.

Мигел бу эси паст кампирнинг бирор ёрдами тегиб қолмасмикан, деган хаёлга борди. Ўйлай-ўйлай ундан қандай фойдаланиш йўлини топди.

— Бу ёққа кел-чи, — деди у эшикни очиб, Доротеани имлаб чақираркан. — Сенга айтадиган битта гапим бор.

Улар нима тўғрисида гаплашгани қоронги, бироқ ошхонага қайтиб кира туриб, Мигель мамнун бўлганидан кафтини кафтига ишқади.

— Қани, опке бу ёққа куймогингни! — деди у Дамианага қараб. — Бугундан бошлаб мен нима есам, Доротеага ҳам шуни берасан. Ташвишланмай кўя қол, у бизнинг хону монимизни еб битирмайди.

Фульгор Седано эса омборларни айланиб, қанча жўхори қолганини чамалаб кўрарди. Янги хирмон кўтаришга ҳали талай вақт бор, тўғрироги, эндигина уруғ тикилди. “Бултурдан қолган дон етармикин?” — ташвишланиб кўнглидан кечирди Фульгор. Кейин ҳаёли чалғиб, Мигель ҳақида ўйлай бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. “Қип-қизил ташвиш бўлди-ку бу бола. Худди отасининг ўзи-я. Қадам олиши жуда ҳам бежо. Бунақада қулогги остида қолиши ҳеч гап эмас. Буниси ҳам етмагандек бировнинг бошини еганга ўхшай-

ди, кечаги одамлар унинг айбини айтишга келишган экан, шипшитиб қўйиш эсимдан чиқибди. Бунақа бўлаверса...”

У оғир тин олди-да, молларни кўчиргани кетган одамлар шу тобда қаерларга етган бўлиши мумкинлигини тусмолламоқчи эди, Мигелнинг отига кўзи тушиб, фикри чалғиди. От тепасига тикан қадаб чиқилган деворга ҳадеб тумшугини ишқарди. “Эгарини ҳам олиб қўймабди, — ранжиб кўнглидан кечирди Фульгор. — Олиб қўймайди ҳам. Дон Педро кунига ярайдиган нарсанинг қадрига етади, завқи келганда уни мақтаб шеър тўқиб юборадиган одати ҳам бор. Лекин Мигелни талтайтириб чакки қияпти. Ўглининг кечаги қилигини айтсам: “Шу ишни мени қилган деб ҳисобла, Фульгор, дейди-я. Одам ўлдириш ҳазил эканми! Бунинг учун қатъият керак. Мигель ҳали бола-ку, қўлидан келармиди. Қўлидан келишдан ташқари кўкрагида юракнинг ўрнида мана бундай, — у катта харсангни кучоқламоқчидек қулочини ёйди, — чакмоқ тош бўлиши керак, билдингми? Мабодо у бирор айб қилса, менга тўнкаб қўявер”.

— Мигелингиз сизга ҳали кўп ташвиш орттиради, дон Педро. Жанжални пулга сотиб олади. Бўлар-бўлмасга уруш чиқаради.

— Ҳечқиси йўқ, сал яйраб юрса-юрибди-да. Ҳали гўр-ку. Нечага кирди ўзи? Ўн еттига шекилли, а, Фульгор?

— Шунақа шекилли... Назаримда кечагина тугилгандай, уни сизнинг олдингизга кўтариб келишган эди... Ҳаммаси ҳам майли-я, лекин у ерга урса, осмонга сапчийди, худди вақтдан ҳам ўзиб кетмоқчидек ҳовлиққани-ҳовлиққан. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Вақти-соати келиб, бу гапларимни эслайсиз ҳали.

— Ҳечқиси йўқ, Фульгор. Ёш бола-ку ҳали у, гўдакдан ҳам хафа бўладими, киши.

— Айтдим-қўйдим-да, дон Педро. Кеча Мигель эримни ўлдирди, деб келган хотиннинг йиғлашини кўрганингизда эди, шунақа эзилиб кетганки, энди ҳеч нарсадан тап тортмайди. Мен одамдаги дунёни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган бунақа кучни бир қарашдаёқ биламан, бу хотин ичига динамит тиқилган бомбага ўхшайди — яқин келсанг портлайди. Мен хун тўлаймиз деб, эллик гектолитр жўхори бермоқчи бўлдим. Кўнмади. Начора, бўлмаса, бошқа бир иложини топиб хун тўлаймиз, — дедим. У гапимга қулоқ солгани ҳам йўқ.

— Унинг эри ким эди?

— Танимайман. Бутунлай нотаниш одамлар.

— Ундай бўлса, уларни дунёда йўқ, умуман бўлмаган деб ҳисоблагин-да, бу гапни каллангдан чиқариб ташла.

Фульгор омборларни кўздан кечириб юрибди. Жўхоридан илиққина ис таралади. Иш бошқарувчи бир сиқим дон олди: узоқ сақланса ҳам уринмаган сархил жўхори. Дон-дуннинг қанчага етишсини кўзи билан чамалаб чиққач, хотиржам бўлди. “Бемалол етади. Бундан бу ёғига ўт тез кўкаради, молларга ем бериш шарт эмас. Етиб ортади ҳам”.

Омбордан чиқа туриб, қоп-қора булут босган осмонга кўз ташлади. “Бир ёғса сурункали ёғади энди”. Бу фикр миясига қаттиқ ўрнашиб қолди.

— Ер юзида ҳаво айниди шекилли. Онам бу ерларда ёмғир ёғиб ўтса, ҳаммаёқ чиннидек ялтираб кетади, ҳавони ёзилаётган куртакларнинг тароватли иси тутиб кетади, дер эди... Қора-қура булутлар худди довул пайтидаги тўлқинлардек ёпирилиб келади-да, бирданига заминни босиб тушгудек бўлади, шаррос ёмғир қуйиб ўтганидан кейин ҳамма нарса ўзгариб, ёшариб кетади... Онагинам-а... Унинг болалиги ҳам, ҳаётининг энг мунаввар кунлари ҳам шу ерда ўтган. Лоақал ўлимидан олдин киндик қони томган қадрдон жойларга қайтиб келиш nasib этмади. Ҳеч бўлмаса сен бориб кўргин, деб мени юборди. Ажабо, бу ерга келиб, осмоннинг ранги қанақалигини ҳам билмабман-а, Доротеа. Э, аттанг-а... Унинг ранги онам кўрганда қандай бўлса, шундайдир-а?

— Билмадим, Хуан Пресиано. Мен умр бўйи ердан кўз узмай яшаганман, осмоннинг ранги қанақалиги эсимдан ҳам чиқиб кетган. Бошимни кўтариб қараганимда бирон нарсани илгаримдим. Кўзларимнинг нури қолмаган,

осмон эса жуда ҳам узоқ, ўз йўлимни топиб юрганимга шуқр қилиб яшай-верганман. Бунисини оз деб Рентериа тақсир, сени арши аълога яқин йўлатишмайди, сен у дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан маҳрумсан, дедилар. Ундай бўлса осмонга тикилганимдан нима фойда, деб ўйладим.. Тўғри, қулогимгача гуноҳга ботганман, лекин тақсиримнинг бундай дейиши жоизмиди. Шундоқ ҳам бутун умринг азоб-уқубатда ўтади, зора у дунёда роҳат-фароғат кўрсам, деган илинж билан яшайсан. Сен учун жаннатнинг эшиги ёпилгач, бу ёқда бошқаси — жаҳаннамнинг эшиги очилар экан, ундан кўра дунёга келмай кўя қолганинг яхши эмасми.. Мен учун арши аъло — суякларим ҳузур қилиб ётган мана шу жой, Хуан Пресиадо.

— Рухинг-чи? Рухинг қаёққа кетди деб ўйлайсан?

— Ер юзида тентираб юргандир-да. Менинг руҳимга ўхшаб тавбасига таянмаганлар камми? Гуноҳларим мағфират этишини сўраб, биронтаси тоатибодат қилмасмикан, деган илинжда тирикларнинг орасида юрибди. Қийноқда қолгани учун мендан хафа. Лекин мен парвойимга келтирмайман, энди бир камим унинг гамини ейишим қолувди. Виждонимни қийнайвериб, менга кўп азоб берди, энди бўлар, бу ёғига тинчгина дам олай. Не азобда топиб еган ҳар бир бурда нонимни заҳар-заққум қилган эди, кечалари уйқумни қочириб, кўзимга жаҳаннам ўтида қоврилаётган одамларни, яна алланима балоларни кўрсатиб, ваҳимага солган эди. Ўлимимни кутиб жимгина ўтириб олган эдим, бундай қилма, бир кун бўлса ҳам кун кўр, тирикчилик гамини е, деб ялиниб-ёлворишга тушди. У бечора қандайдир мўъжиза юз бериб, гуноҳлардан фориг бўлишимдан умидвор эди. Бироқ мен жойимдан қимир этмадим. “Борар жойимга етиб келдим, — дедим руҳимга. — Энди бир қадам ташлашга ҳолим қолмади”. Шундан кейин учиб кета қолсин, деб секингина озгимни очдим. Шу заҳоти руҳим танамни тарк этди. Бу нарсани юрагимга бориб туташган томирдан қўлимга қон сачраганидан билдим.

* * *

Эшикни гумбирлатиб уришса ҳам у ҳадеганда оча қолмади. Биргина уни-кини эмас, балки ҳамма эшикларни бараварига тақиллатиб, одамларни уйготишарди. Дарвозага қараб югурган Фульгор бирдан тўхтади — уни қадам олишиданоқ таниди — изига қайтиб яна эшик қоқмоқчи бўлди-ю, бироқ фикридан қайтиб, чопиб кетди.

Тушуниқсиз, бўғиқ овозлар, жуда ҳам огир юкни кўтариб келишаётгандек эҳтиёткорлик билан ташланган салмоқли қадам товушлари ва яна англаб бўлмас ҳар хил сас-садо эшитилади.

Бирданига отасининг ўлими ёдига тушди. Ўша куни ҳам худди шунақа тун огиб қолган, фақат эшиклар ланг очик, худди ҳозиргидек манос бир тарзда гира-шира тонг ёришиб келар эди. Бўсагада эса қандайдир бир аёл кесакига суяниб турарди.

Бу — камдан-кам ёдига тушадиган, тўғрироғи, борлиги хаёлига ҳам келмайдиган онаси эди. “Отангни ўлдиришибди!” — деди у босиб келаётган ўкирикни ичига ютиб. Унинг узук-юлуқ нафаси ожизгина ҳиқиллаш орқали бир-бирига улаиб турганга ўхшарди.

Бу мудҳиш воқеаларни эслашга унинг тоб-тоқати йўқ: уларга қўшилиб, худди тешиқ қопдан шувиллаб тўкилган дондек бошқа хотиралар ҳам ёпирилиб келар, улардан қочиб қутулиш маҳол эди. Отасининг ўлими жуда кўп қон тўкилишига сабаб бўлди: ҳар гал биров ўлдирилганда отасининг таниб бўлмас аҳволга келтирилган қиёфаси — калтак зарбидан оқиб тушган бир кўзи ва иккинчисида муҳрланиб қолган газабнок алам — кўз олдида намоён бўлаверарди. Ундан кейин ҳам отасининг ўлимига боғлиқ хотиралар бутунлай унутилгунча, то уларни эсга соладиган биронта одам қолмагунча ўлдираверишди.

— Бу ёққа ётқизинглар! У ёққа эмас, бу ёққа. Бошини нарёққа қилинглар. Ҳов, намунча анграясан?

Қаттиқ-қаттиқ шивирлаб гапиришарди.

— Секинроқ-э, ўзлари ухляптилар-ку. Уйғотворасанлар.

У аллақачон баҳайбат гавдаси билан эшикни бутунлай энлаганча одамларнинг эски қопларга ўралган узун бир нарсани худди кафанлашган мур-

дадек авайлаб каравотга ётқизишаётганини кузатиб турарди.

— Ким бу? — деб сўради у.

Фульгор Седано унинг ёнига келди.

— Мигель.

— Уни нима қилишибди? — бақиргудек бўлиб сўради у.

У “ўлдиришибди”, деган жавобни кутиб, газабдан жаг суяклари ўйнаб кетди. Бироқ Фульгорнинг гап оҳанги уни ҳайратга солди.

— Мигельга биров тегмаган, дон Педро, — деди у паст оҳангда. — Ўзи отдан йиқилиб ўлибди.

Лампамой қўйилган қора чироқнинг ожизгина шуъласи қоронгилик багрини тилкалашга беҳуда уриниб милтилларди.

— ... Отнинг устидан учиб кетибди, — дея кимдир изох беришга журъат қилди.

Сўридан тўшакни олиб ташлаб, Мигелни тахтанинг ўзига ётқизишди, кўтариш қулай бўлиши учун жасад боғланган арқонни ечиб, қўлини кўкси узра қовуштиришди-да, юзини бир парча қора латга билан ёпиб қўйишди.

“Тиригида бунчалик бўйчанга ўхшамасди”, деб қўйди Фульгор ўзича.

Педро Парамо бўшлиқдаги номаълум нуқтага тикилганча қимир этмай турар, юзидан бирор маъно уқиш маҳол эди. Қаердадир юксак-юксакда, бир-бирига боғланмаган, узук-юлуқ фикрлар унга мутлақо даҳлсиз ҳолда бетартиб кезиб юрарди.

— Мана, орани очди қилиш пайти ҳам келди, — деди у худди ўзига ўзи гапираётгандек. — Начора, қанча тез интиқом олинса, шунча енгил тортасан.

Унинг юрагини мусибат дарди ўртамасди.

У ҳовлига чиқиб, хизматкорларга миннатдорчилик билдираркан, овози хотинларнинг йиғи-сигисини босиб, ўктам ва кескин жаранглаб чиқди. У овозини пасайтиришга ҳам, одатдаги кескин имо-ишоралари билан юмшатишга ҳам уринмади. Кейин сукунат чўкди ва тонгги сокинликни бузиб, Мигелнинг саман аргумоғи ер тепингани эшитилди.

— Эрталаб уни отиб ташлашсин, — дея фармон берди у Фульгорга. — Жониворни бекорга қийнашнинг нима кераги бор?

— Хўп бўлади, дон Педро. Отга ҳам қийин бўлди. Жонивор гуноҳини сезиб, ўзини қаёққа қўйишни билмайди.

— Мен ҳам унинг аҳволини тушуниб турибман, Фулгор. Айтмоқчи, анови хотинларга айт, ҳадеб ув тортишаверишмасин. Ҳайронман, менинг ўтлим учун мунча оҳ-воҳ қилишади. Агар ўзларининг боласи ўлганида бунчалик тўлиб-тошиб йиғлашмасди-ёв.

Падре Рентариа ўша уйқусиз тунни кейинчалик узоқ йиллар мобайнида эслаб юрган бўлса ажаб эмас. У дағал тўшагида тўлганиб ётаркан, кўзи илинмай қийналди ва шартта ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Бу Мигель Парамо ўлган куннинг эртаси эди.

У Комаланинг кимсасиз кўчаларида ёлғиз кезиб юрар, ахлат титаётган итлар унинг шарпасини сезиб, тумтарақай қочишар эди. У дарё бўйига келиб, қўлтиққа йиғилган сувнинг сокин сатҳида акс этган юлдузларнинг жимир-жимирига хомуш тикилди. Дақиқалар бир-бирини қувиб ўтар, у қўз ярадек азоб бераётган ўй-фикрларни дарёнинг қорамтир сувида гарқ этиб юборолмай қийналарди.

Буларнинг ҳаммаси олдинига ҳеч вақоси йўқ Педро Парамонинг бирдан нига ҳокими мутлақ бўлиб кетгани туфайли юз берди. Ўша кундан эътиборан унинг имони сусайиб, виждонини гафлат босди. Энг ёмони, унинг ҳар қандай ишига мен фатво топиб бердим... “Кеча кечаси Педро Парамо билан бирга ётганим учун тавба қиламан, тақсир”. “Педро Парамодан бола ортирганим учун тавба қиламан, тақсир”. “Педро Парамога қизимни пешкаш қилганим учун тавба қиламан, тақсир”. Мен бўлсам қачондир унинг ўзи ҳузуримга келиб, тавба-тазарру қилишини кутардим. Лекин у бош эгиб келишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ. Мана энди у ўглининг қиёфасида ўзининг манфур қилмишларини янада авж олдириб юборди. Бошқа бандалардан кўра унинг иқболни нега баланд қилиб яратилгани ёлғиз оллонинг

ўзигагина аён. Мен бўлсам уни ҳеч нарсадан қайтармай, ҳамиша ёвузликка даъват этдим.

Падре Медиа-Луна мулкдорига янги тугилган чақалоқни олиб келганини яхши эслайди.

— Дон Педро, — деган эди у. — Манави боланинг онаси кўзи ёриётганда оламдан ўтган, жон таслим қила туриб, у боланинг отаси сизлигингизни айтди. Пушти камарингизни қабул қилиб олинг.

Дон Педро мархуманинг гаплари ҳақлигига заррача шубҳа қилмади. Фақат:

— Уни ўзингиз боқиб қўя қолмайсизми, тақсир, — деди. — Диндор одам бўлиб кетса ажаб эмас.

— Бу бола қандай қондан бино бўлганини билганим учун гарданимга бундай масъулиятни олишни истамайман.

— Сиз ростдан ҳам менинг қонимни булганган деб ҳисоблайсизми?

— Ҳа, дон Педро, шундай деб ҳисоблайман.

— Сиз хато қилаётганингизни исботлайман ҳали. Майли, болани ташлаб кетинг. Меникида унга қарайдиган одам топилади.

— Шунини билганим учун ҳам олиб келдим-да. Ҳеч бўлмаса бошида бошпанаси бўлади.

Гўдак худди илондек биланглаб, типирчилар эди.

— Дамиана! Ановингга қара! Бу менинг ўғлим.

Шундан кейин у шишанинг қопқогини очди.

— Мархума учун, сизнинг соғлигингиз учун ичаман.

— Бола учун-чи?

— Бола учун ҳам ичса бўлаверади.

Педро Парамо иккинчи қадахни ҳам тўлдирди ва улар чақалоқнинг бахтсаодати учун ичишди.

Бу воқеа мана бундай содир бўлган эди.

Медиа-Луна томонга қараб дастлабки аравалар йўлга чиқди. У қирғоқдаги улкан тошнинг панасига ўтиб олган эди. “Кимдан яшириниб ўтирибсан?” — деб сўради у ўзидан.

— Яхши қолинг, тақсир! — деган овоз эшитилди.

У қаддини ростлади.

— Яхши етиб ол! Олло сафарингни беҳатар қилсин!

Қишлоқдаги чироқлар бирин-кетин сўна бошлади. Дарё липиллаб турган аланга шуъласидан жимирлар эди.

— Ҳа, тақсир, шу тобда эрталабки ибодатга занг урилдими? — қизиқсиниб сўради иккинчи аравакаш.

— Ибодат қолдими шу пайтда, — деди у ярим йўлдан қайтмасликка аҳд қилиб, аравакашлар келган томонга қараб юрди.

— Қаллаисаҳарлаб кимникига кетяпсиз, тақсир?

— Ким узилаётган экан, тақсир?

— Контлида сизни майит кутиб ётган бўлса керак, а, тақсир?

У аравакашларга қараб: “Майит — менинг ўзимман! Мен майит!” деб қичқиргиси келди-ю, бироқ мийиғида кулиб қўя қолди.

Қишлоқдан чиққач, у қадамини тезлатди.

Уйига етиб келганда кун ёйилиб кетган эди.

— Қаерда эдингиз амаки? — деб сўради жияни Анна. — Эрталаб хотинлар сўраб келишган эди, тавба-тазарру қилишмоқчи экан. Эртага биринчи жума-ку.

— Уларнинг истигфорларини кечқурун қабул қиламан.

У ички ҳовлининг айвонида турган суянчиқсиз курсига ҳоргин чўкди. Шу кўйи анчагача қимир этмай ўтирди.

— Бугун кун салқинроқ, а, Анна? Сенга шундай туюлмайтими?

— Ҳар кунгидан ҳам иссиқ-ку, амаки?

— Менинг этим увишяпти-я.

Йўқ, тонг қоронгисида Контлидаги пирининг ҳузурига бориб, қилган гуноҳлари учун афв ажр сўраганини эсламаслик, иложи бўлса, умуман бу ҳақда ўйламаслик керак. Ҳазрат Падре Рентерианинг ўзини оқлаб айтган гапларига ҳам, ялиниб-ёлворишига ҳам қулоқ солмади ва охир-оқибат тавбасини қабул қилмади ҳам.

— Номини яшираётган одамнинг сенга ишониб топширилган оллонинг ибодатхонасини расво қилди, сен бунга изн бериб қўйдинг. Аҳволинг шу бўлса, сендан нима кутиш мумкин, отагинам? Исойи руҳиллонинг куч-қудратини бехуда сарфлаётганингни биларсан? Ҳар қандай гуноҳ қилинган яхшилиқни йўққа чиқаради. Кишини гуноҳга ботирадиган ёвузликни йўқотиш учун эса оғишмайдиған қатъий ирода керак. Ҳузурингга қатнаётганлар ҳали диндан қайтмаган деб умид қиламан. Лекин сен уларнинг эътиқодларини мустаҳкамламаётганга ўхшайсан: улар худога фақат қўрқанидан кўр-кўрона сиғинишяпти. Сенинг зориқиб, зўрга тирикчилик қилаётганингни яхши биламан, қўлимдан келганча зимманга юклатилган вазифани енгиллатишни рўзгорингни бутлашни истайман, бироқ бизнинг хонавайрон бўлган музофотимизда руҳонийлик қилиш нечоғли мушкуллиги ўзингга аён. Шунинг учун ҳам сенга бир гапни тайинлаб айтмоқчиман; черковни арзимас хайр-эхсон билан бизнинг имонимизни сотиб олишни кўзлаган одамларнинг ҳукмига бериб қўймаслигимиз керак. Агар сен қалбингда шундай одамларнинг илкига топширсанг, қандай қилиб ўз қавмингдан олийҳимматроқ бўлишинг мумкин? Аслида қавминг ҳиммати сеникидан баландроқ. Мени маъзур тут, отагинам, сени афв этолмайман, сабаби, ўзим ҳам гуноҳлардан ҳоли эмасман. Мендан кўра тузукроқ руҳонийларга мурожаат қил, зора, тавбангни қабул қилишса.

— Епископга бориб учраш, демоқчисиз-да, ҳазратим.

— Шундай қил. Ўзинг гуноҳга ботиб туриб, қандай қилиб бировларга фатво берасан?

— Мендан ибодатхонани олиб қўйишса-чи?

— Агар шундай қилишса, тўғри бўларди-я. Лекин буни ҳал қилиш бизнинг ихтиёримизда эмас.

— Ҳар ҳолда сиз ўртага тушсангиз... Вақтинча бўлса ҳам.. Ахир, одамларнинг тавба-тазаррусини қабул қилишим.. Жони узилаётганларга илохий май ҳўплатишим, унга бўктирилган нондан едиришим керак-ку. Биз томонларда озмунча одам ўляптими, ҳазратим..

— Марҳумларни оллонинг ҳукмига топшириб қўявер, отагинам.

— Бундан чиқди менинг гуноҳимни афв этмас экансиз-да.

Контли ибодатхонасининг руҳонийси унинг бу талабини бажо келтиролмаслигини айтди.

Кейин икковлон черков ҳовлисидаги дарахтлар қуюқ соя ташлаган айвонларда сайр этиб юришди. Мезбон ўз меҳмонини ток навдалари ўраб олган шийпонга таклиф қилди. Уларнинг тепасида осилиб турган узумлар ранг ола бошлаган эди.

— Нордон, отагинам, — деди мезбон Падре Рентерианинг нимани сўрамоқчилигини сезиб. — Худога шукр, бу ерларда ҳамма нарса яхши битади-ю, фақат нордон бўлади. Оллонинг амри вожиби шундай бўлса керак.

— Тўппа-тўғри, ҳазратим. Мен бизнинг Комалада узум ўстиришга уриниб кўрдим. Ҳаракатим зое кетди. Сира амал олмади. Мирта, апельсинлар бехато кўкаради-ю, лекин мевасини оғизга олиб бўлмайди. Меваларнинг таъми қанақа бўлиши эсимдан ҳам чиқиб кетди. Диний мактабнинг боғида қанақа ажойиб гуайябалар бўларди, а? Шафтолилар-чи? Мандаринларни айтмай-сизми? Салгина эсанг, пўсти ўзи арчилиб кетарди. Бу ёққа қайтганимда данагидан олиб келдим: унча кўп эмас, бир халтагина. Кейин уларни йигиб келганимга ачиндим, ўзининг жойида бўлганида бу данаклардан қанча дарахт кўкарарди, бу ёққа опкелиб ҳаммасини нобуд қилдим.

— Лекин Комаланинг тупроғи жуда унумдор дейишади, отагинам. Фақат бу ерларнинг ҳаммаси бир одамга қараши чатоқ. Ҳали ҳам у жойларнинг эгаси Педро Парамомми?

— Оллонинг иродаси шундай экан.

— Менингча, бу оллонинг иродаси эмас. Ё сен бошқача фикрдамисан, отагинам?

— Баъзан мен ҳам ҳар хил хаёлларга бораман. Лекин комалаликлар унга гап-сўзсиз итоат этишади.

— Сен ҳамми?

— Мен бор-йўғи худо зуваласини меникидан каттароқ узган одамга бўйсунувчи камбағал бир кимсаман.

Улар хайр-хўш қилишди. Падре Рентериа энгашиб пирининг қўлини ўпди.

Ҳа, шундай бўлди. Бироқ энди ўз уйида одатдаги юмушларга машғул бўларкан, Контлидаги эрталабки учрашувни эслагиси келмасди.

У ўрнидан қўзғалиб, ташқарига йўл олди.

— Қаёққа кетяпсиз, амаки?

Анна. Жигаргўшаси. У амакисидан сира ажралмас, ҳамиша ёнида ҳозир ру нозир, гўё бу одам уни ҳаётдан муҳофаза этадигандек боғланиб қолган эди.

— Бирпас айланиб кетай, Анна. Зора енгил тортсам.

— Мазангиз қочяптими?

— Мазангиз қочяптими дейсанми? Йўқ, Анна, мен яхши иш қилмаётганимни, мазаси йўқ одам эканимни сезяпман.

У Медиа-Лунага келиб. Педро Парамога ҳамдардлик билдирди. Яна унинг ҳар хил миш-мишларни рад этиб, ўғлини оқлаб айтган гапларини жим ўтириб, тинглашга мажбур бўлди. Падре Рентериа унинг огзига уриб, гапини бўлмади. Майли, юрагини бўшатиб ола қолсин. Педро Парамо тушликка таклиф қилган эди, Падре Рентериа унамади.

— Афсуски, иложим йўқ, дон Педро, шошиб турибман. Черковда тавба-тазарру қилгани келганлар кутиб қолишди. Вақти-соати бўлиб қолар.

У яна пиёда йўлга тушди. Комалага етиб келганида қуёш уфққа ога бошлаган эди. Кипригигача чангга беланиб, ҳам жисман, ҳам руҳан ҳориган бўлишига қарамай тўппа-тўғри черковга кириб борди. Истиғфор қилинадиган хонага ўтиб, ўз жойини эгаллар экан, одатдаги вазифасини бажаришга киришди.

Биринчи бўлиб панжарага Доротеа кампир яқинлашди; у қачондан бери черковнинг эшиги очилишини пойлаб ўтирарди.

Бугун художўй бу кампирдан гупиллаб май иси келар эди.

— Сен қачондан бери ичадиган бўлиб қолдинг?

— Мигельнинг маъракасига бордим, тақсир. Сал кўпроқ олиб қўйибман. Бир марта қўйиб беришди, икки марта, жинни бўлгунимча ичиришибди.

— Илгари жинни эмасмидинг, Доротеа?

— Бегуноҳ эдим, тақсир. Энди айбларимга иқрор бўлгани келдим. Қулогимгача гуноҳга ботиб кетдим.

Унга неча марта: “Ҳадеб бу ерга келиб, бекорга вақтимни олма, Доротеа. Сен минг уринганинг билан барибир бирон гуноҳ қилишинг қийин. Гуноҳ қилишни бошқаларга чиқарган”, деган.

— Бугун ростини айтяпман, тақсир. Гуноҳим ҳам ростакам.

— Гапир бўлмаса.

— Ҳамма гапни очиқ айтаверишим мумкин, энди ҳеч кимга зарарим тегмайди. Мен марҳум Мигель Парамога қиз топиб берар эдим.

Эндигина ўз хаёлларига гарқ бўлган Падре Рентериа худди уйқудан бехос уйғотиб юборилгандек чўчиб кетди.

— Қачондан бери шундай қилардинг? — савол ўз-ўзидан истиғфор пайтидагидек тус олди.

— У балогатга етиб, кўзи қонга тўлган кундан бошлаб.

— Гапларингни яна бир қайтар-чи, Доротеа.

— Мен Мигельга қиз топиб бериб турганман. Қўшмачилик қилганман.

— Қизларни унинг олдига бошлаб келармидинг?

— Баъзан бошлаб келардим. Баъзан гаплашиб кўндириб қўярдим. Ё бўлмаса, у бемалол муродига етиши учун бирон қизнинг гафлат босиб, ёлғиз қолган пайтини топиб, хабар берардим.

— Неча марта шундай қилгансан?

У бу гапни сўрамоқчи эмасди-ю, бироқ савол ихтиёрсиз бир тарзда огзидан чиқиб кетди.

— Кўп, тақсир, жуда кўп марта. Ҳисобдан ҳам адашиб кетганман.

— Сенга нима дейишга ҳам ҳайронман, Доротеа. Қандай жазога лойиқлигингни ўзинг айта қол. Ўзингни кечира оласанми, йўқми — виждонингга ҳавола.

— Бу иш қўлимдан келмайди, тақсир. Фақат сиз, ёлғиз сизгина афв этишингиз мумкин. Шунга умид қилиб ҳузурингизга келдим.

— Неча марта олдимга келиб, жон таслим қилаётганингда руҳингни арши аълога йўллашимни ўтинган эдинг. Жаннатул маъвода ўғлинг билан дийдор

кўришишни орзу қилардинг. Тўғрими, Доротеа? Билиб қўй, бугундан эътиборан сен учун имони бутун одамларнинг масканига йўл йўқ. Яратган эгамнинг ўзи гуноҳларингни афв этсин...

— Миннатдорман, тақсир.

— Оллонинг номини ўртага қўйиб афв этаман. Бор, кетавер.

— Менга черков таъсис этган бирон жазо буюрмайсизми?

— Бу нарса жонингга ора кирмайди, Доротеа.

— Миннатдорман, тақсир.

— Борақол, худо ёрлақасин сени.

У букланган бармоғи билан дарчани тақиллатиб, навбатдаги аёлни ҳузурга чорлади. Қулогига шивирлаган овоз чалинди: “Гирт гуноҳкорман”. Унинг боши борган сари қуйи солиниб, кўксига тушар, уни озод кўтаришга мажоли етмасди. Бирданига кўз олди қоронгилашиб, худди тубсиз сувга ғарқ бўлгандек туюлди: шамлар жойидан қўзгалиб чириллаб айлана бошлади, қуёшнинг нури минг бўлакка парчаланиб, сочилиб кетганга ўхшарди. У тилининг учида қоннинг таъмини сизди. Қулогининг остида: “Гирт гуноҳкорман”, деган бақариқ эшитилар ҳамда қайсидир оятнинг якунловчи сўзлари гулдурос солиб жаранглар эди: “Абадул абад, омин”, “Абадул абад, омин”, “Абадул абад...”

— Бас қил! — дея олди у зўрга. — Тавба қилмаганингга кўп бўлдимми?

— Икки кун бўлди, тақсир.

Нажот йўқ эди. Бу умидсизлик ва дард-алам чоҳидан қутилиб кетишга нажот йўқ. “Нима қилиб ўтирибсан бу ерда? — деб ўйлади у. — Сен дам олишинг керак. Бориб ёт. Чарчагансан”.

У ўрнидан турди-да, истиғфорхонадан чиқиб, черков анжомлари сақланадиган хужра томон юрди.

— Ўзини гуноҳдан фориғ деб ҳисоблаганлар эртага тўппа-тўғри муқаддас май ҳўплаш маросимига келавериши мумкин, — деди у тўдалашиб турганларга қайрилиб қарамасданоқ.

Унинг орқасидан ҳайратга тушган одамларнинг шивир-шивири эшитилди.

Давоми бор

Хуан Рульфо

Педро Паромо

Қисса

* * *

...**М**ен бундан талай йиллар илгари онамнинг жони узилган каравотда ётибман. Тагимдаги тўшак ҳам, бизга ёпинчиқ бўлган жун кўрна ҳам ўша-ўша. Мен ҳамиша энг фароғатли жойни топиб, онамнинг нақ пинжига кириб ётардим.

Онамнинг бир текис нафас олиши, юрагининг гурсиллаб уриши ҳамда орасира хўрсиниб қўйишлари ҳали ҳам эшитилиб тургандек ва мени ҳузур-ҳаловатга фарқ этиб аллалаётгандек туюлади...

Назаримда ҳали ҳам онамнинг ўлимини ўйлаб, қаттиқ изтироб чекаётгандекман.

Лекин бу гапларнинг ҳаммаси ёлгон.

Мен юзтубан тушиб ётганимча бу дунёда яккаю-ёлғизлигимни унутиш учун ўша ёруғ кунларимни эслаяпман. Бирпасгина дам олиш учун чўзилганим ҳам йўқ. Онамнинг каравотида эмас, ўлик солинадиган узун қора сандиқда ётибман. Сабаби мен ўлганман.

Қаерда ётганимни билиб турибман, энди ўтган кунларимни эсга олишдан ўзга чорам йўқ...

Боғимиздаги лимонлар фарқ пишган кунлар ёдимга тушади. Февраль шамолли ҳали иссиқдан қовжираб улгурмаган қирққулоқ баргларини тортқилаб ўйнаганлари кўз олдимга келади. Ҳовлимизни лимоннинг димоқни қитиқловчи хушбўй иси тутиб кетарди.

Йилнинг бу фаслида эрталаблари тоғ томондан муздек шамол эсарди. Бироқ булутлар водий узра қуйилиш учун кунларнинг исишини кутиб юксакда, чўққилар устида муаллақ турар эди; осмон кўзни қамаптирадиган даражада тиниқ, шамол ҳаммаёқни алғов-далғов қиларди: йўлларнинг чангини тўзитар, ашельсишларнинг йилтираган баргларини юлқилар, гирдоб кўтариб, ув тортарди.

Фақат чумчуқларнинг чирқиллаши сира тинмас, улар шамол узиб кетган япроқларни чўқилаб, хуш-хандон қулишаётганга ўхшарди. Чивин қувиб, тумшуғини буталарнинг тиканига артаркан, яна шодон чуввос солишарди. Ҳозир йилнинг айна шунақа палласи эди.

Февраль ойининг тонгларида ҳаво мусаффо, кунлар зангори нурга йўғрилган, ҳаммаёқни чумчуқларнинг чуғур-чуғури тутиб кетади.

Мана шундай эрдан чиқмайдиган кунларнинг бирида онам оламдан ўтди.

Таомилга биноан мен сочимни юлиб, аюҳаннос солишим, аламзадалиқдан қўлларимни эзишим керак эди. Сен шундай қилишимни истардинг. Бироқ ёришиб келаётган тоғ қалбимни қувончларга фарқ этган бўлса, нима қилай? Очиқ эшиқдан чирмовиқнинг шохларини айқаш-уйқаш қилганча шамол ёпирилиб кирди. Сону билакларимни, човимни майин тук босиб, эндигина бўрта бошла-

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

ган кўкракларимга қўлим тегиб кетса, эгим жимирлайдиган пайтим. Чумчуқлар ҳеч нарсанинг ғамини емай, ўйнаб юришар, қирларнинг ёнбағридаги экинзорлар шамолда оҳиста чайқалар эди. Онамнинг кўзлари абадул-абад юмилганини, у энди ҳеч қачон шамолнинг ясмин шохларида арғимчоқ солиб учишини, куннинг ёруғини кўролмаслигини ўйлаб эзилиб кетдим. Йиғлашим керак. Лекин нима кераги бор?

Эсингдами, Хустина, сен онам билан рози-ризолик тилашгани келган хотинлар навбат кутиб, тик оёқда туриб қолмаслиги учун айвонга девор ёқалатиб курси кўйиб чиққан эдинг. Бироқ кун бўйи бу курсиларда ўтирадиган одам топилмади. Онам лип-лип ёнган шамлар қуршовида ёлғиз ўзи ётарди: рағби докадек оппоқ, кўкариб, тош қотган лаблар орасидан кўзга чалинган тишлар ҳам оқариб кўринади. Киприklar абадул-абад жуфтлашган, юрак ҳам абадул-абад уришдан тўхтаган. Қутсиз ўлим ҳокими мутлоқ. Иккаламиз тобутнинг бош томонида туриб, ҳеч адо бўлмайдиган дуолар ўқирдик, бироқ бу оятларни на онам, на ўзимиз тинглардик; қоронги кечада ваҳимали ув тортган шамол бизнинг овозимизни босиб кетарди.

Сен онамнинг қора кўйлагини дазмоллаб, ёқаси билан енларини оҳорладдинг. Унинг бир пайтлари менга овқат едирган, аллалаб ухлатган, мсҳри товлаиб эркалатган кўллари кўкси узра жонсиз қовушиб туриши жуда ғалати туюлар эди.

Онам билан рози-ризолик тилашгани ҳеч ким келмади. Аслида келмай кўя қолишгани ҳам яхши. Ўлим биров билан баҳам кўриладиган неъмат эмас. Мусибат дориган уйга биров қадам босиши маҳол.

Эшик тақиллади.

— Қара-чи, — дедим сенинг эшик томон юрганингни кўриб. — Ким келганини билиб турибман. Бир амаллаб жўнагиб юбор. Нима? Жаноза ўқишганига ҳақ сўраб келишибдими? Мархуманинг бир тийини ҳам йўқ экан, дегин. Жаноза маросимини бекаму кўст адо этиб, мархумани гуноҳлардан фориг этишмагунча бу ердан жилишмас эмишими? Ўлганларнинг устидан ҳукм чиқарадиган қандай одамлар экан булар, Хустина? Нима, жинни бўлсан, дейсанми? Бу айни муддао-ку.

Девор ёқалатиб кўйилган курсиларда ўтирадиган бирон кимса топилмади. Кейин ҳеч нарсага пинак бузмайдиган ёлланма кишилар келишди-да, тобутни қабристонга олиб жўнашди, улар қаро терга тушиб қадам ташлашаркан, ўзлари кўтариб кетаётган одамнинг кимлиги билан мутлақо қизиқишмасди. Улар касб-кори тақозо этган йўсинда тобутни қабрга оҳиста туширишди-да, устига нам кум ташлашди. Муздек шамол уларнинг бўртган юзини сийпалар, бу одамлар бўлиб ўтаётган ишларга бефарқ, лоқайд боқишарди. Шундан кейингина улар: “Хизмат ҳақимиз...” — дейишди. Сен худди бозорда харид қилинган нарсага ҳақ тўлагандек айтган пулларини бердинг. Дафн маросимига аталган пулни сен кўз ёшидан жиққа ҳўл бўлиб, қайта-қайта сиқиб ташланган! дастрўмолга тутиб олган эдинг. Мана шу рўмолчага тутилган пулларни гўрковларга тутқаздинг...

Гўрковлар кетгач, сен қабрнинг бош томонига тиз чўқдип-да, мархуманинг юзини босиб турган намхуш тушроқни ўшдинг. Агар бирпас ўз майлинга кўйиб берганимда қўлларинг билан гўрни ковлаб очишдан ҳам тоймасдинг. “Юр, кетайлик, Хустина. Бу ерда онамизнинг фақат қуруқ тапаси ётибди, жони аллақачон узоққа учиб кетган”, дедим.

* * *

— Сен гапиргансанми, Доротеа?

— Менми? Йўқ. Кўзим илинибди. Сенга ҳали ҳам ҳар хил овозлар тинчлик бермаяпти, шекилли, а?

— Биров гапиргандек бўлди. Қандайдир бир хотин ўзи тўғрисида сўзлаб берди. Бу сен бўлсанг керак, деб ўйловдим.

— Хотин кишими? Демак, бу ўзи билан ўзи гаплашадиган хотин. У бизнинг ёнимиздаги сағанага кўйилган. Оти донья Сусанита. Зах уриб безовта қиялпти шекилли, уйқуси нотинч бўляпти.

- Ким ўзи у?
- Педро Парамонинг кичик хотини. Бироқ эси настроқ деса, биров соппасоғ эди, дейди. Лекин, ростини айтиш керак, у ўлмасидан олдин ҳам ўзи билан ўзи гаплашарди.
- Ўлганига анча бўлгандир?
- Ҳа, кўн бўлди. Нималар деди?
- Онаси тўғрисида алланималарни айтди.
- Унинг онаси бўлмаган...
- У ҳам шунақа деди.
- ... Ким билади, дейсан, балки бу ёққа онасини бирга олиб келмагандир. Бўлди, эсимга тушди, у шу ерда туғилган, лекин сал кунда қаёққадир кўчиб кетишди. Ҳа, шунақа. Онаси сил бўлиб ўлган. Ўзи ҳам антиқа хотин эди, қачон қарасанг касал, умрида бировнинг эшигидан бош суқмаган.
- Бу хотин ҳам онам ўлганда рози-ризалик сўрагани ҳеч ким келмаган, деяпти.
- Қайси даврини ослаяпти ўзи? Уларникига касал илашишидан кўрқиб, ҳеч ким қадам босмасди. Шунини айтаётгандир-да, у бечора.
- Шунақа шекилли.
- Яна унинг овози эшитилса, менга ҳам айт. Эшитиб кўрайлик-чи, тагин нималарни гапирар экан.
- Ана, яна пимадир деди шекилли. Шивирлаганини эшитгандек бўлдим.
- Йўқ, бу унинг овози эмас, ҳов нарёқдан эшитилияпти. Эркак кишининг овози. Бир вақтлари кўмилганлар зах таъсир қилиши билан у ёқдан-бу ёққа гимирилаб, уйғониб кетиши ёмон.
- “Оллонинг даргоҳи кенг, марҳамати ҳадсиз. Ўша куни кечаси мени худойим ўз паноҳида асради. Акс ҳолда, ким билади, нималар бўларди. Кўзимни очганимда қош қорайиб қолган экан...”
- Эшитяпсанми? Овоз жуда ҳам тиниқ эшитилияпти.
- Ҳа.
- “...Қонимга фарқ бўлиб ётган эканман. Тошга тиралиб, қаддимни ростладим, қўлларим қонга ботиб турарди. Бармоқларим пилч-пилч қилади. Бу ҳаммаси менинг қоним. Роса бир хум қон оққанга ўхшайди. Шу аҳволда ҳам тирик қолибман-а. Балки дон Педро мени ўлдирмоқчи эмас, шунчаки кўрқитиб қўймоқчи бўлгандир. Аслида нияти икки ой бурун авлиё Христофорнинг туғилган куни Вильмайлодаги тўйга борган-бормаганимни билиш экан. “Ҳеч қанақа тўйдан хабарим йўқ. Авлиё Христофорингизни ҳам билмайман”. Қонимга беланиб ётибман-ку, ҳадеб биргина гапни такрорлайман: “Қанақа тўй, дон Педро? Борганим йўқ! Ҳеч қаёққа борганим йўқ! Бор-йўғи бирров кириб ўтдим, холос. Тасодифан бориб қолдим...” Унинг мақсади мени ўлдиришмиди! Йўғ-э. Нега ўлдирсин. Фақат ўшандан кейин ўнганмадим, яширишниги нима кераги бор, кўриб турганингиздек қўлларим шол бўлиб қолди. Фақат уриб ўлдиргани йўқ. Мени ҳар хил инс-жинсларга йўлиқиб, шу аҳволга тушган ҳам дейишади. Ростини айтсам, ўша қоронғи кечадан буён ҳеч нарсадан тап тортмайдиган довдюрак бўлиб кетдим. Оллонинг карами кенг. Бунга шак келтириб бўлмайди”.
- Ким бу гапирётган?
- Ким билади дейсан. Гапирадигандан кўпи борми? Отасини ўлдиришгандан кейин Педро Парамо кўп одамнинг ёстиғини қуритди. Ўша куни кимки тўйга борган бўлса, биттасини ҳам соғ қўймади, дейишади. Лукас Парамо бу тўйга вакил ота сифатида таклиф қилинган эди. Аслида куёв болани отишмоқчи экан, фалокат босиб ўқ Лукасга келиб тегибди. Ким отганини ҳеч ким биллолмади. Педро Парамо уларнинг ҳаммасидан бирварақайига ўч олди. Вильмайо тоғи ёнбағирларида илгари қанақа қишлоқлар бўларди, энди уларнинг ном-нишони ҳам қолмади... Эшитяпсанми, яна кимдир гапиряпти. Бояги сен айтган хотин шекилди. Ёшсан-ку, яхшилаб қулоқ сол, кейин менга айтиб берасан.
- Ҳеч нарсани англаб бўлмаяпти. Менингча у гапирётгани йўқ, фақат инграяпти.
- Нега инграяпти экан-а?

— Ким билади.

— Бир сабаби бордир-да. Бекордан-бекорга ким ҳам оқ урарди. Сен яхшилаб кулоқ сол.

— Эҳтимол, гапларини биров эшитиб қолмаслиги учун атай инграётгандир. Балки Педро Парамога аламзадалиқдан шундай қилаётгандир.

— Нималар деяпсан. Дон Педро уни астойдил яхши кўрарди. Очиғини айтганда, у биронта хотинга бунчалик кўнгил қўймаган. Бу хотин уникига келгунча кўп ташвиш тортган, ҳатто ақлу хушидан ҳам айрилган. Унга шунчалик кўнгил қўйган эканки, ўла-ўлгунча дарвоза тагидаги чивикдан тўқилган курсисида хотинини қабристонга олиб кетишган йўлга термилиб ўтирди. Ҳамма нарсадан кўнгил совиди. Ер-суви қаровсиз қолди. Уйдаги бор буд-шудини опчиқиб ёқди. Биров яшаш жонига теккан, деса, бошқа биров ҳаётда кўп азият чекди, дейди. Шундайми, йўқми, ишқилиб, хизматкорларнинг ҳаммасини ҳайдаб юборди-да, қабристонга элтгучи йўлдан кўз узмай ўтираверди.

Шу кундан эътиборан Медиа-Лунанинг ерларидан барака кўтарилиб, ҳаммаёқ ташландиқ ҳолга келди. Дала-туз ўт-ўлан босиб, чангалзор бўлиб кетди. Қараб туриб, юрагинг туз сепгандек ачишади. Одамлар ҳам бирин-кетин кўчиб кета бошлашди, ҳар ким боши оққан томонга йўл олди; балиқ сувнинг чуқури-ни, одам ўзининг хузурини кўзлайди, деган гап бор-ку. Ҳаш-паш дегунча ҳаммаёқ хувиллаб қолди. Бориб-бориб Комалада фақат: “Хўп, хайр!”, “Яхши қолинг!” деган гапгина эшитиладиган бўлди. Олдинига одамларнинг кетишаётганидан қувондик. Бугунлай бош олиб кетишаётгани йўқ-ку, ҳали қайтиб келишади-ку, деб ўйладик. Баъзи бировлар лаш-лушини, баъзилар бола-чақасини ташлаб кетарди. Кейинроқ бола-чақасини олиб кетгани бировларни юборишарди-ю, бироқ лаш-лушини суриштириш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Бора-бора униб-ўсган жойларини ҳам, бу ерда қолиб кетган кадрдонларини ҳам, не ҳасратда тошан қақир-қуқурларини ҳам эсдан чиқариб юборишди. Менинг борар жойим йўқлиги учун шу ерда қолиб кетдим. Мендан бошқалар Педро Парамонинг ўлимини кутарди. У ўз бойлигини одамларга бўлиб беришни васият қилганмиш, деган овозалар юрарди. Бу гапга ишонганлар бирон нарсалик бўлиб қолиш илинжида ҳеч қаёққа жилолмасди. Одамлар куннинг ҳисобидан адашиб кетишди, ҳатто ою йиллар бир-бирини қувиб ўтар, фақат Педро Парамо бояги-боягидек бирон мўйи ҳам тўқилмай, соғ-омон ўтирар, ўлимни ҳаёлига ҳам келтирмас эди.

Унинг ўлимидан сал олдин крестерослар¹ гава кўтаргач, ҳукумат қўшини келиб, қолган-қутган одамларни қатли ом қилди. Ўша пайтда мен очликдан силлам қуриб йиқилдим.

Буларнинг ҳаммасига дон Педронинг мияси айниб, виждони азоб бераётгани сабаб эди. Суюмли хотини, ҳалиги мен сенга айтган Сусанига ўлганидан кейин бирданига эси кирди-чикди бўлиб қолди. Мана энди унинг хотинини яхши кўрган-кўрмаганига ўзинг инсофан баҳо бер.

* * *

Улар келишгани ҳақида хўжайинига Фультгор Седано хабар берди.

— Ким келганини биласизми, дон Педро?

— Ким келибди?

— Бартоломе Сан—Хуан.

— Унга нима керак экан?

— Мен ҳам шунисини билолмай доғдаман.

— Сўраб билмадингми?

— Сўраганим йўқ. Мени ҳайрон қолдирган жойи шундаки, у қаердан қўналга топсам экан, дсб бош қотирмай худди олдиндан келишиб қўйгандек тўппа-

¹ Ижтимоий ўзгаришлар бўлишини талаб қилиб кўтарилган Крестерослар қўзғолони (1927 й.) шафқатсизларгача бостирилиб, аҳоли ўртасида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қирғинбарот ўтказилган.

тўғри илгари сиз яшаган уй олдида аравадан юкларини тушираверди; нима қилаётганини яхши биладиган одамдек хотиржам.

— Сен нима қилиб турувдинг, Фульгор. Кўзинг қаёқда эди? Унинг нега келганини, мақсади нималигини нега суриштириб билмадинг?

— Айтяпман-ку, унинг юкларини бемалол тушираётганини кўриб, довдираб қолдим. Суриштириб билишим керак бўлса, эртагаёқ ҳаммасини аниқлайман.

— Эртага ўзим ҳам суриштираман. Икки киши келишибдими?

— Ҳа, эр-хотини. Сиз қаердан билдингиз?

— Хотини эмас, балки қизидир?

— Муомаласига қараганда хотинига ўхшайди.

— Бор, қалангни пишириб кел, Фульгор.

— Хўп бўлади.

“Сенинг қайтиб келишингни ўттиз йил кутдим, Сусанна. Муродим ҳосил бўладиган сонияни зориқиб кутдим. Менга бундан бошқа ҳеч нарса керак эмас эди. Мен одам боласи орзу қилиши ва етишишни исташи мумкин бўлган нарсадан ортиқ бирон нимани тиламаган эдим. Ўртамизда сенинг хоҳиш-ироданг-у, менинг муродимдан бўлак ҳеч нарса бўлмайдиган кунларга етишни орзу қилдим, Сусанна. Сенинг васлингга етишдан бошқа орзуйим йўқ.

Неча марта отангдан бу ерга қайтиб келиб яшанглар, деб ўтиндим. Унинг кўмагига муҳтожлигимни айтиб, ишонтирмоқчи бўлдим. Унга иш бошқарувчилик лавозимини таклиф ҳам қилдим. Ҳатто алдаб-сулдаб қайтариб келмоқчи ҳам бўлдим. Сен билан яна бирга бўлиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилишга тайёр эдим. Бироқ уринишларим зое кетаверди. Юборган одамим ҳар сафар: “Жавобини кутманг, Дон Бартоломе бу гал ҳам хатингизни олди-ю, ўқимасданоқ йиртиб ташлади”, дер эди.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, ўша хабарчимдан турмушга чиққанингни, бироқ кўл ўтмай бева қолиб, яна отангникига қайтиб келганингни эшитдим.

У яна шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, сизларни дарақлашга тушди, бироқ ҳар гал менинг юрагимни ўртовчи биттагина гап топиб келарди: “Уларни илгари турган жойидан тополмадим, дон Педро. Маскотидан кўчиб кетишган, дейишди. Биров у ёққа кетган деса, биров бу ёққа дейди”.

“Қидириб топ, — деб тайинлардим унга. — Уларни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келасан. Харажатнинг ташвишини қилма”.

Ниҳоят бир куни у сенинг дарагингни топиб келди:

“Бутун тоғ-тошни изғиб чиқдим, бошимни суқмаган ковак қолмади, десам ҳам бўлади. Охири топдим. Ҳеч кишининг эс-хаёлига келмаган жойга бориб олишган экан. Эски Андрамеда кони бор эди-ку, ўша ердан топсам-а. Икки тоғнинг ўртасидаги дарада кичкинагина ёғоч кулба бор. Бартоломе Сан-Хуаннинг шу ерда истиқомат қилаётган экан.

Худди ўша кунларда ҳар хил ваҳимали овозлар тарқалди. Қасрдадир шу атрофда аллақандай кўзғолончиларнинг қуроланган тўдалари изғиб юргани ҳақидаги гаплар одамларнинг оғзидан тушмасди. Бунақа гаплар бизнинг ҳам қулоғимизга чалиниб қоларди. Отангни ташвишга солиб, бу ерга кўчиб келишга мажбур қилган нарса мана шу исёнчилар тўдаси ҳақидаги овозлар. Менга йўллаган хатида у ўзидан эмас, сендан хавотирдалигини, бу ногинч кунларда ўрмоннинг овлоқ бир бурчагидан кўра одамлар орасида яшаши яхшилигини ўйлаб, Комалага кўчиб келмоқчилигини ёзган эди.

Мен қувонганимдан ўзимни аршга чиқиб кетгандек сездим. Шу заҳоти отга миниб, истиқболингга учиб боришга тайёр эдим. Сен хурсанд бўлишинг, ўзингни бахтиёр ҳис этишинг учун нимайки истасанг бажо келтиришга рози эдим. Шодликдан кўзларимга дувиллаб ёш қуйилди. Ниҳоят, сен қайтиб келаётганингни эшитиб, қувончимдан йиғлаб ҳам олдим, Сусанна”.

* * *

— Баъзи қишлоқларнинг кўринишиданоқ кулфат ёғилиб туради. Улардан уфуриб турган рутубат исидан, ҳар қадамда кўзга ташланадиган чорасизликни,

йўқчиликни ва вайронагарчиликни кўриб, юрагинг увишади. Биз сен билан шундай қишлоқлардан бирига кириб келяпмиз, Сусанна.

Илгари яшаган жойимизда сен ҳеч бўлмаса оҳиста сузиб юрган булутларни, қанот қоққан қушларни, кўм-кўк пўпанакларни, хуллас, ён-верингда жўш ураётган ҳаётни томоша қилишинг мумкин эди. Ушалар эсингдадир? Бу ерда эса бадбўй ҳид анқиб турган совуқ рутубатдан бўлак ҳеч нарса йўқ. Бу қишлоқ шундай бедаво кулфатга маҳкум этилган. Бу ердаги ҳамма нарсдан мусибат ёғилиб туради.

У бизни шу қишлоққа кўчириб келди-да, илгари ўзи яшаган уйга жойлаш-тирди. Рўзғор учун зарур ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйди. Бироқ ундан тарихча миннатдор бўлганимиз йўқ. Бу харобазорда кун кечириб — турган-битгани азоб-уқубат. Кўнглим сезиб турибди, бирон қор-қол юз берса, жон сақлашимиз амримаҳол.

Буларнинг эвазига Педро Парамо мендан нима талаб қилганини биласанми? У бировга бекорга яхшилик қиладиган анойи эмас. Қўлимдан келганча ишлаб, узилишиб кетармиз, деб ўйлаган эдим, эртами-кечми ҳисоб-китоб қилишимиз турган гап. Унга Андромеда кони ҳақида гапириб бердим, қаловини топиб, ундан фойдаланиш мумкинлигини, сарф-харажатлар бемалол қоиланишини айтдим. У менга нима деганини биласанми? “Менга кон-понингизни қизиғи йўқ, Бартолом Сан-Хуан. Умрингизда қилган энг ажойиб иппингиз — қизингиз. Менга ишлаб бермай қўя қолинг, қизингизни берсангиз бўлгани”.

Гап сенга бориб тақалди, Сусанна; унинг муддаоси сени қўлга киритиш. Эсимизни таниганимиздан бери бир-биримизни биламиз, бирга ўйнаб катта бўлганмиз, ҳатто дарёда бирга чўмилардик, дейди. Бу нарсдан менинг хабарим йўқ экан. Билганимда ўша пайтда сени камар билан ўласи қилиб савалардим.

— Шундай бўлиши турган гап эди.

— Нима? Нима дединг?

— Шундай бўлиши турган гап эди, деяпман.

— Шунақами? Демак, сен у билан бир тўшакка ётишга ҳам розисан?

— Розиман, Бартоломэ.

— Унинг уйланганидан, бир талай ўйнаши ҳам борлигидан хабаринг йўқми?

— Хабарим бор, Бартоломэ.

— Мени Бартоломэ дема. Мен сенга отаман.

Унинг кулоқлари остида: “Бартоломэ Сан-Хуанми? Бу ҳалиги “Андромеда” конида ҳалок бўлган киши-да, а? Сусанна Сан-Хуанми? Ўлиб кетган қончининг қизи-да”, деган овозлар эшитилгандек туюлди. У тоққа қайтиб бориши зарурлигини ва ўша ерда кунни битажагини англади.

— Сен бева қолган бўлсанг ҳам ҳалигача бу жудоликка кўниқолмаганингни, ўзингни худди боши боғлиқ аёлдек тутишингни унга айтдим, — дея яна гап бошлади Бартоломэ Сан-Хуан бир оз жимликдан кейин. — Мен уни фикридан қайтаришга уриндим. Бироқ у гапларимни эшитиб, ғазабдан тутақиб кетар, сенинг номингни тилга олишим билан кўзларини юмиб оларди. Шундагина унинг ҳеч нарсдан тап тортмайдиган одам эканини тушундим. Педро Парамо ёвузликнинг тимсоли экан.

— Мен-чи? Мен ниманинг тимсолиман?

— Сен менинг қизимсан, холос. Тушундингми, менинг қизим. Бартоломэ Сан-Хуаннинг қизисан.

Сусанна Сан-Хуаннинг мияси ғоят сусткашлик билан ишлай бошлади, бора-бора ҳатто ҳеч нарсани идрок этмай қўйди, бироқ тўсатдан туғилган пайдарпай фикрлар бир-бирига қоришиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

— Йўқ, ёлғон, ёлғон! — дея олди холос.

— Биз ов пайтида изита тушиб, нишонга олинган жониворларга ўхшаймиз. Бу оламнинг таомили шу, — деди Бартоломэ Сан-Хуан. — Ҳаёт бизни чилпарчин этиб ташламоқчи бўлиб, оёқларимиз остидаги тупроқни қонимиз билан суғоради, фоний ҳаётимизда қутилмаган ҳодисалар юз беради. Нега бизлар тўғри йўлдан тойиб кетдик? Нега имонимиз заифлик қилиб, қалбимизни шайтони лаиннинг илкига топшириб қўйдик? Онанг раҳматли нима бўлса ҳам яратган

эгамнинг марҳаматидан умид қилишимиз керак, дер эди. Афсуски, сен оллонинг карамига ишонмайсан. Нега мени ота демайсан? Эсингни еб қўймаган-мисан, мабодо?

- Аллақачон еб қўйганман. Шуни ҳам билмасмидинг?
- Ҳа, ростдан ҳам телба бўлиб қолибсан.
- Фирг телбанинг ўзиман, Бартоломэ. Шуни ҳам билмасмидинг?

* * *

— Бу жувон шу пайтгача ер юзида яшаган сулувларнинг сулуви эканини биласанми, Фульгор? Мен ундан бутушлай айрилиб қолдим деб ўйлаган эдим. Уни яна қўлдан чиқариб юборишни истамайман. Нима демоқчилигимни тушундингми, Фульгор? Унинг отасига айт, конга қайтиб борсин. У ерда... ким-сасиз чангалзорлар орасида уни бир ёқли қилиш осон. Нима дединг?

- Эҳтимол...
- Биласан-ку, мен мужмал гапни ёмон кўраман. Бу жувон етим қолиши керак. Биз эса ҳеч кими йўқ етимлар ҳақида қайғуришимиз лозим, тўғрими?
- Бу ишни ҳаш-паш дегунча қойил қиламиз.
- Ундай бўлса дарров ишга кириш, Фульгор, дарров ишга кириш.
- Қизи билиб қолса-чи?
- Қандай қилиб билади? Бу гапни унга етказишга ким ботинади? Қани айт-чи, ким?
- Ҳеч ким ботинолмаса керак, деб ўйлайман.
- Бунақа шубҳаларинг ичингда қолсин, қайтиб хаёлингга келтирма, тилингга эрк берма. Билиб қўй — ҳеч ким! Қараб тур, ҳамма нарса худди ҳамирдан қил суғургандек силлиққина битади. Уни “андромсда”дан излаб топишнинг ўзи бўлгани йўқ. Не ҳасратда излаб топдик. Сен Бартоломэни тоққа қайтиб боришга кўндир; ахир, конни ўз ҳолига ташлаб қўйиш инсофдан эмас. У ўша ерда ишлайди, вақти-вақти билан келиб-кетиб туради. Қатнаб ишласа ҳам майли, ишқилиб, қизини бирга олиб кетмаса бўлгани. Унинг ҳолидан ўзимиз хабар олиб туришимизни айтиб, кўнглини тинчит. Ҳамма гапни яхшилаб тушунтир, Фульгор.
- Бир пайтлардагидай мана шу чапдастлигингиз менга жуда ёқади-да, хўжайин. Ёшликдаги ғайрат-шижоатингиз қайтиб келганга ўхшайди.

* * *

Комала водийсининг далаларига шивалаб ёмғир ёғяпти. Майдалаб, эзиб ёғяпти. Водийда бундай ёгин камдан-кам бўлади, ёғса бира тўла шаррос қуяди.

Бугун якшанба. Апанго тоғларидан тушган ҳиндулар хушбўй цефалофо, даста-даста размарин ҳамда исиріқ олиб келишди. Бироқ улар ёмғирда намиқиб қолишидан кўрқиб, окоте — қарағай тарашаларини, ҳатто антиль эманининг пўстлогини ҳам ташлаб келишган. Бугун висотидаги хушбўй ҳид таратиб турган нарсаларини шундоққина ерга ёйиб, харидор кутишади.

Ёмғир ҳамон бир меъёрда майдалаб, қўлмақлар устини жимирлатади.

Жўхориюларни сув босган. Бугун бозор-ўچار қилинадиган кунлиги одамларнинг эсига ҳам келмайди. Улар уч-тўрт киши бўлиб, дала кезишади, бўкиб кетган шудгорда лой кечиби, катта-катта кесакларни майдалашади; сувнинг йўли очиб юборилмаса, ҳали тузукроқ илдиз отиб улгурмаган ниҳолларни ювиб кетиши мумкин. Улар дам-бадам энгашиб, эндигина сабза урган ниҳолларнинг тагига тупроқ тортишади.

Ҳиндулар бугун бозорнинг мазаси бўлмаслигига кўзи етса-да, барибир, сабр-тоқат билан харидор кутишади. Ивиган похол ёпинчиқлари уларни совуқдан пана қилишга қодир эмас; балки улар совуқдан эмас, бозори касодлигидан асабийлашиб, қалтирашаётган бўлиши ҳам мумкин. Ҳиндулар чувалган ипдек ёмғир томчиларига, кулранг булут босган осмонга хомуш боқишади.

Худди бу жойларда аллақачон одам изи ўчиби кетгандек биронта ҳам харидор кўринмайди. Қандайдир бир аёл кейинги сафар питамагез толасидан йигирил-

ган ип, озгина шакарқамиш, агар топилса атоле¹ни сузишга элак олиб келишни тайинлади. Вақт тушга яқинлашгани сайин намиққан похол ёпинчиқлар оғир тортади. Цефолофораларнинг куббадек бошларига иниб қолган ёмғир томчилари йилтирайди. Ҳиндулар бир-бирларига гап ташлаб кулишади, ҳар хил олди-қочди ҳагномаларни айтиб, ўзларини овутишади ҳамда эрмак қилиш учун пулька²ларини олиб келмағашларига ачишишади. “Пулькани олиб келганимизда ҳам бир нави эди. Бу ерда топилмайди, ҳаммаёқни сув босиб, мағейлар ўзларидан ортмай қолишибди. Афсус...”

Медиа-Лунадан бошланган ўқдек тўғри йўлдан Хустина Диас келяпти. У катта кўчага сизмай, йўлкаларга ҳам тошиб оқаётган сувни кечмаслик учун эҳтиёткорлик билан қадам ташлайди. Бошига шамсия тутган. У майдон ўртасида қад ростлаган бутхона олдидан ўтатуриб, чўқиниб олгач, бозор оралаб кетади. У энг чеккадаги ҳиндудан ўн сентаволик розмарин навдаси олди-да, орқасидан кузатиб турган нигоҳларни ҳис этганча дарров изига қайтди.

“Қимматчилик бўлиб кетди-я, — дея ҳаёлидан кечирди у Медиа-Лунага қайтаркан. — Бир боғдам розмарин ўн сентаво турса. Пулига арзимаёди, ҳиди ҳам аранг бир уйга стади”.

Қош қорайгач, ҳиндулар олиб келган нарсаларини йиғиштиришади ва ўтўлашларни ортмоқдаганча ёмғирга қарамай йўлга тушишади. Бироқ майдондан ўта туриб ҳаммалари черковга киришади ва Биби Марям пойига исириқ боғламларини қўйиб, астойдил чўқинишади. “Ҳечқиси йўқ, бир ҳафтадан кейин яна якшанба келади”, дея ўзларига тасалли беришади улар. Масканларига қараб йўл олишаркан, қизиқ-қизиқ гаплардан гаплашиб, куш-хандон кулишади.

* * *

Хустина Диас Сусанна Сан-Хуан ётган уйга кириб, розмарин боғламини столга қўйди. Пардалар ёпиқлиги учун у қоронғида уй ичидаги нарсаларни зўра иллаганча пайпаслаб юрар эди. Назарида Сусанна ҳали ҳам ухлаётгандек эди. Ксийинги пайтларда у Сусаннанинг бош кўтармай ухлашини истар, агар бекасини ўринда кўрса, қувониб кетар эди.

Тўсатдан уйнинг аллақайси қоронғи бурчагидан бировнинг хўрсингани ва: — Хустина! — дея чақиргани эшитилди.

У орқасига ўгирилди-ю, бироқ ҳеч кимми кўрмади. Бу пайт кимдир елкасидан тутди, кулоғининг остида бировнинг нафасини ҳис этди. “Бу ердан кет, Хустина, — деди кимдир шивирлаб. — Лаш-лушингни йиғиштириб тезроқ кет. Энди бизга ксрагинг йўқ”.

— Мен Сусаннага керакман, — деди Хустина гисариларкан. — У касал, менсиз қийналиб қолади.

— Ташвиш қилма, Хустина. Энди мен шу ердан, унга ўзим қараб тураман.

— Дон Бартоломэ, бу сизми? — Хустина кўрқанидан чинқириб юборди. Даладан қайта туриб бу бақирикни эшитган одамлар: “Биров бақиргандек бўлди-ми? Лекин одам бунақа чинқирмаса керак?” — дейишди.

Ёмғир овозларни ютиб юборар эди. Ҳар қандай сас-садо тиниб, оламга сукунат чўккан пайтда ҳам унинг бир меъёрдаги шивири тинмайди, ёмғир томчилари ер юзига худди боқий ҳаёт ришталари бўлиб ёғилади.

— Нима бўлди, Хустина? Нсга бақирдинг? — деб сўради Сусанна.

— Бақирганим йўқ. Балки туш кўргандирсан?

— Туш кўрмай қўйдим деганман-ку. Сен менинг гапимни эшитармидинг. Бугун киприк қоққанам йўқ. Кечқурун мушукни кўчага чиқариб юбормабсан, тонг отгунча уйку бермади.

— Нималар деяпсан? Мушук менинг хонамда ётибди-ку. Оёғимнинг учиде кулала бўлиб ухлаётган экан, кўчага ҳайдаб чиқаришга кўзим қиймади. Тонг отгунча кўрпанинг ичида қимир этмай ухлади.

¹ Атоле — жўхоридан тайёрланадиган ичимлик.

² Пулька — давра қуриб ўйналадиган ўйин асбоби.

— Мен ҳам жонимдан безор қилди деяётганим йўқ. Фақат кечаси билан роса хунар кўрсатди. Оёғимга чиқиб олади-да, бирдан юзимга сапчийди, худди оч қолгандек зорланиб мисвлайди.

— Кечкурун тўйгунча овқат еган, тонг отгунча менинг ёнимда ётган бўлса, қандай қилиб сенинг юзингга сапчийди? Сусанна, яна кўзингга ҳар хил нарсалар кўриняпти, шкилли.

— Нега ишонмайсан-а, айтяпман-ку, юзимга сакрайвериб, бир зум ҳам ухлатгани йўқ. Минг ювош бўлса ҳам бундан кейин мен ухлаётганимда мушугингни яқинимга йўлатма.

— Сенга шундай туюлган деяпман-ку, Сусанна. Майли, Педро Парамо келса айтаман, билганини қилсин, жуда ҳам қийнаб юбординг мени. Бошқа биронтасини топинг, мен кета қолай, дейман. Дунёда яхши одам камми, амаллаб бир кунимни кўрарман. Селнинг фикри-ёдинг бировга азоб бериш. Ҳаммани ўзингга ўхшаб васвас бўлиб қолган деб ўйлайсанми, нима бало? Мушугимни олиб эртагаёқ кетаман, кейин сени ҳеч ким безовта қилмайди.

— Мунча одам иси ёқмайдиган олабўжи, заҳар бўлмасанг, Хустина. Кетиб бўлсан, бошқа биров сени менчалик яхши кўрарканми.

— Кетиб қаёққа ҳам борардим, Сусанна. Сендан айрилиб чидамайман. Баъзан жаҳлим чиқиб ҳар балони гапириб юборсам ранжим. Сени ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман.

У Сусаннага туғилган кунидан бери қарайди; қўлидан қўймай боққан, юришни ўргатиб, биринчи қадамини ташлашга кўмаклашган ҳам ўзи. Унинг назарида Сусаннанинг бутун ҳасти болалик чоғида қийнала-қийнала ташлаган дастлабки қадамидек серташвиш эди. Унинг ангишвонадек оғзи бора-бора очилаётган гунчага ўхшаб кетди — “меннинг болдек ширин забоним!” Кўзлари шахло, боқишлари мулойимлашди. “О менинг боқишлари ялпиз таъмли ложувард конфетдек ёқимли, нурланиб турган, яшнаб турган кўм-кўк кўзларим. Боғда битган ялпизим, чўлда унган ялпизим!” Хустина унинг дўмбоқ оёқчаларини тишлаб-тишлаб ўпарди. Эмизиш учун эмас, шунчаки эрмак учун унга ҳеч қачон иймаган кўксини тутарди. “Ма, ўйна, — дерди у. — Ўйинчоғингни ўйна”. Имкон топса у кичкинагина бу вужудни кечгача қўлидан қўймай қийнаб ўйнатарди.

Ёмғир бананнинг япалоқ баргларига тарсиллаб урилар, кўлмакларда вақирлаб чучвара қайнагани баралла эшитилар эди.

Чойшаблар намиқиб муздек бўлиб қолди. Икки кундан бери тинимсиз заҳмат чекаётган тарновлардан кўпириб кетган сув шовуллаб оқар, кўкдан ҳамон тинмай ёмғир қуяр, ҳаммаёқни фарқ қилгудек тўлиб-тошган сув ерга сингиб улгурмас эди.

* * *

Вақт ярим кечадан ошди, ёмғирнинг шовуллаши кўчадаги ҳамма овозларни босиб кетарди.

Сусанна Сан-Хуан аста қаддини ростлаб, оёғини пастга туширди ва ўрнидан туриб, каравотдан узоқлашди.

Сал олдин худди кечагидек оёқлари оғирлашиб, қақшаб оғрий бошлади. Назарида биров баданини пайпаслаб, юзини тошишга уринаётгандек туюлди.

— Бу сенмисан, Бартоломэ? — деб сўради у.

Эшик гийқ этиб, биров киргандайми, чиққандайми бўлди. Кейин яна ёмғирнинг дам зўрайиб, дам пасаювчи шовуллаши, банан япроқларидан сувнинг чақиллаб томиши, уларга ҳамоҳанг чулдираш ва биқирлаш, пировардида буларнинг ҳаммасини босиб сувнинг қайнаётгандек вақирлаши эшитилади.

У яна уйкуга чўмди ва қуёшнинг нуқрадек ёмғир томчиларига чайинган илк нурлари бинонинг қизғиш гишларини ёритган палладагина кўзини очди.

— Хустина! — деб чақирди у.

Елкасига ёпинчиқ ташлаб олган Хустина худди унинг чақиршини кутиб эшикнинг панасида тургандек шу заҳоти остонада пайдо бўлди.

— Нима дейсан, Сусанна.

— Мушугинг яна бу ёққа кириб олибди.

— Вой бечора-ей!

Хустина унинг кўксига бош қўйиб, қаттиқ кучоқлаб олди.

— Нега йиғлаяпсан? — ажабланиб сўради у бир амаллаб Хустинанинг бошини кўтариб, кўзига боқаркан. — Мушугинг кўрқитгани учунми? Кўрқма, Педро Парамога айтмайман. Менга яхши қараяпти дейман. Қўй, хафа бўлма, Йиғлама.

— Отанг ўлибди, Сусанна. Ўтган куни кечаси ўлган экан, бутун у ёққа бориб келган одамлар айтишди. Уни ўша ернинг ўзига кўмишибди. Хабар тошганимизда ҳам барибир дафнга етиб боролмас эканмиз. Бу ёққа олиб келиш қийин — йўл йироқ. Бу дунёда ёлғиз қолдинг, Сусанна.

— Демак бу сен экансан-да, а? — деди Сусанна кулимсираб. — Видолашгани келган экансан-да, — дея яна кулимсираб қўйди у.

* * *

Талай йиллар муқаддам, у ҳали ёшгина қизалоқ пайтида отаси:

— Пастга тушиб, нимани кўрсанг менга айтасан, — деган эди.

У белидан сирилганча осилиб турар, баданига ботиб, қўлларини шилиб юборгудек бўлиб оғритган арқонга жон-жаҳди билан ёпишарди; ҳозир уни фақат мана шу арқонгина юқорида қолган ёруғ оламга боғлаб турар, уни қўлдан чиқариб юбориш ўлим билан баробар эди.

— Ҳеч нарса кўринмаяпти, дада.

— Яхшилаб қара, Сусанна. Албатта бир нарса топасан.

У қизига чироқнинг ёруғини туширди.

— Ҳеч нарса кўрмаяпман, дада.

— Сени яна ҳам пастроқ тушираман. Оёғинг ерга тегса, айтасан.

У тахталар орасидаги торгина ёриққа зўрға сигди, зах уриб пилчиллаган, чириб кулаб тушай-тушай деб турган яккачўпдан юрагини ҳовучлаб ўтди.

— Яна ҳам пастроқ туш, Сусанна, мен айтган нарсани, албатта, топасан.

У худди даҳшатли сиртмоқ домига илингандек йўқлик қаърида муаллақ осилиб турар, бирон таянч топиш илинжида оёқларини типирчилатганча тобора пастлаб борарди.

— Оёғимни кўядиган жой йўқ-ку.

— Пастроқ туш, Сусанна! Энди бирон нарса кўриняптими?

У ниҳоят товони ерга текканини сизди-да, кўрқанидан оғзини очишга ҳам мажоли етмай, меровсираб туриб қолди. Чироқнинг нури чир айланиб унинг ён-верини ёритарди. Тепадан отасининг овози келди.

— Бор нарсани менга узат, Сусанна.

У чўчиб кетди ва отасининг амрига итоат этиб, оёғи остида ётган калла суягини икки қўллаб ушлади. Шу пайт чироқнинг нури тўғри тушди-ю, қиз жон ҳолатда қўлидаги нарсани ташлаб юборди.

— Бу ўлган одамнинг боши экан! — деб қичқирди у.

— Унинг ёнида бир нарсалар бўлиши керак. Ўша нарсаларни бу ёққа узат.

У чўзилиб ётган одамнинг суягига тегиб кетиши билан, сўнгақлар сочилиб кетди, худди шакардан ясалгандек пастки жағ ажралиб тушди. Сусанна бармоқлардан бошқа ҳамма суяқларни бирма-бир тепага узатди. Худди коптоқдек думалоқ бош чаногини эса бошдаёқ тепага чиқариб юборган эди.

— Яна у ёқ-бу ёғинга қара, Сусанна. Пул бўлиши керак. Думалоқ, тилла тангалар кўринмаяптими? Яхшилаб қара, Сусанна.

Кейин нима бўлганини у эслолмайди. Фақат бир неча кундан кейингина ўзига келгач, дастлаб ҳис этган нарсаси отасининг муздек совуқ нигоҳи бўлди.

Ҳозир шу нарса ёдига тушиб кулаётган эди.

— Бу сенлигингни билган эдим, Бартоломэ.

Унинг кўксига бошини қўйиб йиғлаётган Хустина кулги овозини эшитиб, сесканиб кетди; бир неча дақиқадан кейин Сусаннанинг кулгиси асабий қаҳқаҳага айланди.

Ташқарида эса ҳамон ёмғир қуярди. Бозор бўм-бўш, ҳиндулар кечаёқ ўз масканларига жўнаворишган. Бугун эса душанба. Тўхтовсиз қуяётган ёмғир Комала водийсини фарқ этишга қасд қилганга ўхшарди.

* * *

Шу кунлар мобайнида ёмғирни бошлаб келган қаттиқ шамол эсиб турди. Ёмғир аллақачон тинган бўлса-да, шамол пасаядиганга ўхшамасди. Намиққан баргларини аллақачон қуритиб улгурган жўхори ниҳоллари шамолнинг зарбидан қийшайиб, пушталарга ётиб қолди. Кундузлари вақти-вақти билан шамол тинганга ўхшарди-ю, бироқ сал ўтмай томдаги черепицалар яна шарақдай бошлар, қора куюн дераза ойналарини зириллатарди. Туни билан инграган, увиллаган овозлар тинмасди. Шамол қувиб юрган булулларнинг кўпчиган қорни нақ ерга теккудек бўлиб судраларди.

* * *

Сусанна қўлини боши остига қўйганча зич ёпилган деразанинг тақиллашини эшитиб ётаркан, тунги овозларга қулоқ тутиб, хаёл суради. Қутурган шамол ҳаловатини бузган тун гоҳ қаттиқ сиқилганидан ўзини қаёққа уришини билмаётганга ўхшайди, гоҳ тинка-мадори қуригандек жим қоғиб қолади.

Тўсатдан шарақлаб эшик очилади. Ёпирилиб кирган шамол чироқни ўчириб қўяди. Зулмат Сусаннанинг фикрларини айқаш-уйқаш қилиб юборади. Қулоғига билинар-билинимас шитирлаган овоз чалинади. Юраги ҳаприқиб, беҳаловат ура бошлайди. Кўзларини босиб турган қовоқлари орасидан йилтираган нур кўринади.

Сусанна кўзини очмай ётаверади. Барибир юзини тўсиб турган соч толалари орасидан ҳеч нарса кўринмайди. Устки лабини реза-реза тер босади.

— Бу сенми, ота? — деб сўрайди у.

— Ҳа, қизим, бу мен, отангман. Исойи Масихо қиёфасидаги отангман.

У аста кўзларини очади ва соч толалари орасидан шифтга тушиб турган сояними ёхуд тепасига энгашган бировнинг юзини кўргандек бўлади. Киприклари қорачиғини тўсиб тургани учунми қорайиб турган гавдани худди туман орасида қолгандек ғира-шира илғайди. Бироқ бу зулмат қаъридан нур таралаётганга ўхшайди; гоҳ пасайиб, гоҳ алашгаланувчи ажабтовур шуъла. Ёғду унинг кўксидан, нақ юракнинг ўзидан таралади. Ёруғликнинг ўзи ҳам юракнинг хатти-ҳаракатига, сўнаётган шамнинг липиллашига ўхшайди. “Сенинг юрагинг дарду ҳасратдан адо бўляпти, — дея ҳаслидан кечиради у. — Сен Флоренсио дунёдан ўтганини айтгани келганингги билиб турибман. Бу гаждан аллақачон хабар топганман. Бировларни ўйлайвериб ўзингни қийнама; менинг ҳам ғамимни ема. Менинг бардошим тошдан қаттиқ. Сен ҳам юрагингга қулф ур, токи бировлар учун азият чекавериб адо бўлмасин”.

У ўршдан туриб, падре Рентерианинг олдига зўрга етиб борди.

— Ке, мендай ҳаловатини йўқотган кимса сенга таскин-тасалли берай, — деди у шамнинг ёруғини қўллари билан тўсар экан.

Падре Рентерия унинг шамни қафтлари орасига олиб, пана қилишига, оловга юзини тутишига халал бермай қараб турди. Бирдан куюнди иси келди, у кескин бир ҳаракат билан Сусаннани итариб юборди. Шам ўчиб қолди.

Қоронғиликдан қўрқиб кетган Сусанна ўзини каравотга ташлаб, кўрпага бурканиб олди.

— Мен сенга руҳи бардамлик ато этгани келдим, қизим, — деди падре Рентерия.

— Шунақами? Ундай бўлса, йўлингдан қолма, — деди у. — Бу ерга қайтиб келганингги кўрмай. Менга сенинг керагинг йўқ.

Унинг қулоғига узоқлашиб бораётган қадам товуши чалинди; бундай қадам овозидан у ҳаминша ваҳимага тушиб, япроқдек қалтирар эди.

— Ўлган одам нега ҳадеб бу ерга келаверасан?

Падре Рентерия эшикни зичлаб ёнаркан, муздек ҳавони симириб, чуқур тин олди.

Водийни алғов-далғов қилган шамол ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди.

* * *

Медиа-Лунага "Дудуқ" лақабли қарол от чоштириб келди ва дарров Педро Парамога учраштиринглар, деб туриб олди.

— Хўжайинни нима қиласан?

— И-ишим бор.

— Хўжайин чиқиб кетган.

— Б-бўлмаса келиши билан айтиб қўй, м-мени дон Фульгор юборди.

— Бўпти, уни қидириб топишга уриниб кўраман. Бир-икки соат кутиб туришингга тўғри келади-да.

— Ж-жуда ҳам и-иши зарур экан, дегин.

— Хўп, айтаман.

Дудуқ умрида кўрмаган Педро Парамонинг келишини отдан тушмасданоқ кутди.

— Ҳа, нима дейсан?

— М-менга х-хўжайиннинг ўзлари керак.

— Мен хўжайинман. Нима керак сенга?

— Ҳ-ҳеч нарса. Ф-фақат д-дон Фульгор С-седанони ўлдириб кетишганини айтгани келдим. Иккаламиз н-новларни қ-қараб чиққани б-борган эдик, сув ж-жудаям камайиб кетувди. Б-бирга йўлга чиқдик. Т-тўсатдан қ-қаердандир отлиқлар пайдо б-бўлиб қолди, кўпчилик. Яқин келишганда б-биттаси: "М-манавини т-танийман. М-медиа-Лунада иш б-бошқарувчи", деб қолди.

М-менга тегишмади, лоақал қ-қараб ҳам қўйишмади. Д-дон Фульгорни отдан туширишди. "Б-биз инқилобчилармиз", дейишди, б-бизнинг ерларимизни тортиб олгани к-келишаётганмиш. "Чопиб бориб, х-хўжайиннингга айт, уникига м-меҳмонга кетяпмиз", дейишди. Кўрққанидан д-дон Фульгорнинг иштонини ҳўл бўлиб кетди. К-кейин югуришга т-тушди, семизлигидан унча тез бўлмасаям, ҳ-ҳар ҳолда лўкиллаб чопди. Ю-югуриб кетаётган ж-жойида орқасидан отишди. Битта оёғи тепага к-кўтарилиб, биттаси ерга тиралиб ў-ўлди-қўйди.

Мен т-тош қотиб туравердим. Шу бўйи қош қорайишини к-кутиб энди н-нима бўлганини айтгани к-келяпман.

— Нима қилиб анқайиб турибсан? Тез бўл! Ҳозироқ бориб, хўжайин сизларни кутяпти, қўлдан келган ёрдамани аямас экан, деб айт. Бориб меҳмонимиз бўлинглар, хўжайин сизлар билан, албатта, тил топишади, де. Фақат сал айланиш бўлса ҳам олдин Консаграссьон қовоқхонасига кириб ўт. Тилькуате¹ни танийсанми? Ҳозир ўша ердадир. Хўжайиннинг сиз билан гаплашадиган зарур гапи бор экан, дегин. Ановиларга айт, имкон топиб келишсин, кутиб ўтираман. Бу қанақа инқилоб экан ўзи?

— К-ким билади дейсиз. "Инқилоб, инқилоб", деб бақариб юришиби. Қанақа инқилоблигини билмасам.

— Тилькуатега айт, ҳаялламай дарров бу ёққа келсин, зарур ишим бор.

— Хўп бўлади, х-хўжайин, айтаман.

* * *

Педро Паромо яна ўз хонасига кириб кетди, у бирданига ўзини қартайиб, кучдан қолгандек ҳис этди. Йўқ, иш бошқарувчисининг ўлимини ўйлаб эзилмасди, нафсиламбрини айтганда чолнинг бир оёғи аллақачон гўрга осилиб қолган, Фульгорнинг обдон илиги сўриб бўлинган эди. Лекин инсофан айтганда у кўрққанидан эмас, виждонан ишлади. "Шошмай туришсин, Тилькуате бу ҳов-

¹ Тилькуате — қора илон.

лиқмаларнинг ўпкасини босиб қўяди, — дея ўз хаёлларидан хулоса чиқарди Педро Парамо. — Бир таъзирини бериб қўйсин”.

Унинг фикри-ёди фақатгина Сусанна билан банд эди. Сусанна ҳалигача ўз хонасидан чиқмай ухлар, бордию ухламаса ҳам эси офган одамдек карахт бўлиб ётарди. Кеча тонг отгунча у деворга суяниб, Сусаннанинг тунги чироқ хира ёритиб турган ўринда ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб тўлғанишга қараб турди; жувоннинг юзини жикқа тер босган, қўллари тинимсиз тимирскиланиб, ёстиқни мижимлар эди, фақатгина эрталабга яқин ҳолдан тойиб жимиб қолди.

Бу ерга олиб келганидан буён жувон ҳар куни шу зайил қийналиб бетоқатланир, жони битмас-туганмас азоб-уқубатларга гирифтор эди. Бу қийноқлар қачон ниҳоясига етаркин, дея ўзини-ўзи сўроққа тутарди.

У охир-оқибат шуңдай кун келишига ишонарди. Ҳула-ўлгунча бу аҳволда яшамас. Дунёда турғун нарса йўқ-ку. Хотиралар ҳар қанча жон ўртагувчи бўлмасин, аста-секин унутилади.

Кошки эди, унинг қалбини алғов-далғов қилаётган безовталиқ сабабини англаб етса. Нега у туни билан киприк қоқмай тўлғаниб чиқади? Унга қандай бадбин ўйлар азоб беришти экан, уни оламдан узиб қўйган қандай бедаво дард экан бу?

Бу жувон ҳар жиҳатдан кўнглига яқин, суюмли эди. Агар бутунлай бегоналашиб кетган тақдирда ҳам, барибир, дунёда энг қадрдон кишиси бўлиб қолавериши аниқ. Бу аёл чиндан ҳам унга зарур эди — гапнинг индаллоси ҳам шу — у ҳаётга видо айтиши, йўқлик манзилига йўл олганида ўтмиш хотираларини осонгина унутиши учун ҳам керак.

Афсуски, Сусанна руҳан маскан тутган тилсимга кириш Педро Парамога ҳеч қачон насиб этмайди.

* * *

“Денгиз қирғоғидаги кумнинг иссиғи баданга хўп ёқади. Мен кўзларимни юмганча оёқ-қўлимни кериб ётардим, денгиздан эсган шамол аъзойи-баданимни сийпалаб ўтарди. То уфққача туташган денгиз гувиллаб шовқин солар, оқбош тўлқинлар югурганча келиб товонимни яламоқчи бўларди...”

— Яна бояги аёл гапиряпти. Яхшилаб қулоқ сол, Хуан Пресиано, эшитганларингни менга гапириб бериш эсиндан чиқмасин.

“Бу воқеа эрталабга яқин юз берди. Денгиз суви дам-бадам соҳилга интилар, тўлқинланиб гувиллар, оппоқ кўпик сачратиб шаштидан тушар ва янгилашиб тинган сув итоаткорона изига қайтарди.

“Мен яланғоч чўмиламан”, дедим. Ҳша биринчи кеча у ҳам менга тақлид қилди: ечиниб сувга тушди, соҳилга қайтиб чиққанида баданидаги томчилар нуқрадек йилтирар эди. Чағалайлар ҳали маст уйқуда. Тепамиздан тумшуғи беўхшов катта қушлар учиб ўтди. Уларнинг овози ҳам хирқирашга ўхшаш ёқимсиз эди. Қуёш мўралаган заҳоти улар учиб кетишди.

Дастлабки оқшом у чўмилгани бирга борди-ю, бироқ соҳилга етганда гарчанд мен ёнида турсам-да, ўзини ёлғиз, ғариб ҳис этди.

“Назаримда сен Ҳша тўдадан ажраб чиққан қушлардан бирига ўхшайсан, — деди у. — Мен кечаси сен билан бу ерда тентираб юришни эмас, ўринга кириб, бир ёстиққа бош қўйиб ётишни истаيمان”.

У кетиб қолди.

Мен эртасига кечқурун яна келдим. Ёлғиз келдим. Иложи бўлса, умр бўйи ҳар куни кечаси бу ерга келиб, чўмилишга тайёр эдим. Ана, сув тўпигимга чиқди, болдирларимдан ўтиб сонимга етди, белимга чирмашганча кўксимга ёпишди, бўйнимдан ўпиб, елкаларимдан авайлаб қучди. Мен унинг оғушида бугунлай фарқ бўлиб кетдим. Ҳзимни бутунлай ҳукмига бўйсундириб олган ёқимли ҳислар илкига топширдим.

“Денгизда чўмилаётган пайтимда ўзимни бахтли ҳис этаман”, деган эдим унга.

Афсуски, у менинг муддаойимни англаб етмади.

Эртасига мен яна чўмилгани денгиз бўйига келдим-да, ўзимни тўлқинлар кучоғига отдим, сув мени барча гард-ғуборлардан фориғ этиб поклади”.

Отлиқлар кечга яқин кириб келишди. Улар елкасига калта милтиқ, белига ўқ-дори солинган халта оingan йигирма чоқли одам эди.

Педро Парамо уларни овқатга таклиф қилди. Меҳмонлар бош кийимларини ечмасданоқ дастурхонга ўтиришди-да, егулик келтиришларини жимгина кута бошлашди; таомни ҳам гап-сўзсиз тановул қилишди, фақат бежирим идишларда тортилган шоколадни хўриллатиб ичишди, ловия билан тортильяни чапиллатиб ейишга тушишди.

Педро Парамо уларни синчиклаб кўздан кечирди: бутунлай нотаниш одамлар. Унинг орқа томонидаги қоронғи бурчакда Тилькуате яшириниб турарди.

— Хўш, азиз дўстлар, — дея меҳмонларга мурожаат қилди у идиш-товоқ йиғиштириб олингач. — Яна қандай хизмат буюрасизлар?

— Демак, бу ерларнинг эгаси сиз экансиз-да, — деди кўзғолончилардан бири кўли билан ён-верига ишора қилиб.

— Тилингни тийиб ўтир! — дея унинг оғзига урди бошқаси. — Савол-жавобни мен қиламан.

— Бўпти. Мақсадинлар нима ўзи?

— Кўриб турибсиз, биз қўлимизга қурол олдик.

— Нима бўпти?

— Нима бўларди, исён кўтардик. Сизга бу ишимиз арзимас бир нарса бўлиб туюляптими?

— Исён кўтаришга сизларни нима мажбур қилди?

— Бизнинг бошқалардан нимамиз кам? Бошқалар исён кўтаришган экан, биз ҳам кўзгалдик. Биз ҳақимизда ҳеч нарса эшитмаганга ўхшайсиз-ку, а? Шошмай туринг, яқинда бизга қоғоз юборишади, ана ўшанда ҳамма нарсани миридан-сиригача тушунтириб берамиз. Ҳозирча бу ерларни кўриб қўяйлик деб келдик...

— Мен нима гап бўлаётганини ҳеч қанақа қоғозсизоқ тушунтириб қўя қоламан, — дея гапга аралашди меҳмонларнинг яна бири. — Биз ҳукуматга қарши бош кўтардик, сизга ўхшаганларни йўқотиш учун қўлимизга қурол олдик. Шунча вақтдан бери устимизга чиқиб минганларнинг етар! Ҳукумат қилган ҳамма ярамасликлари учун жавоб беради, сизга ўхшаган бировларнинг қонини ичиб, қорнини қапгайтириб юрган, одамларни талаб зўравонлик қилаётган қонхўрлар билан ҳам орани очди қиладиган пайт келди. Ҳукумат тўғрисида гап чувалаштирмай қўя қолай, у билан фақат ўқ орқали гаплашамиз, тамом-вассалом.

— Инқилобинлар учун пул-мул керакдир? — дея ўсмоқчилади Педро Парамо. — Қанча керак бўлса айтинглар. Балки жонингларга асқотиб қоларман.

— Яхши гап одамнинг қулоғига мойдек ёқади, а? Нима бединг, Персеверансио? Сен бекорга кекирдагингни чўзаяпсан. Бизга энгил-бошимиздан хабар олиб турадиган, ўқ-дори олиб берадиган бирон давлатманд ҳам керак-ку. Бу кишидан ҳимматлироқ одамни топишимиз қийин. Касильдо, бизга қанча пул керак?

— Хўжайин қанча беришни лозим топса, шунисига қаноат қилаверамиз.

— Лозим топса?! Э, бу қиш чилласида қор сўраб чиқсанг қизғонадиган одам-ку. Ҳамонки, шу ишга киришдикми, бу текинхўрларнинг кўпчиган қорнидаги охириги жўхори донигача қоқиштириб олиш керак.

— Ўзингни бос, Персеверансио, ўзингни бос. Сабр қилган муродига етади, деганлар. Бу ишни яхшиликча ҳал қилганимиз тузук. Гапир, Касильдо.

— Мен ўзимча хомчўт қилиб кўрсам, бизга ҳозирга йигирма минг атрофида пул керак экан. Тўғрими? Агар бу ақча хўжайинга камдек туюлса, у ёғини ўзи билади. Кўриб турибсизлар, бу киши чин юракдан марҳамат қилмоқчи бўляпти, борди-ю саховати тугиб, эллик минг берса ҳам йўқ демаймиз, албатта. Демак, эллик минг керак экан-да, а? Қалай, розимисиз?

— Керак бўлса, сизларга юз минг беришга ҳам розиман, — деди Педро Парамо. — Неча кишисизлар ўзи?

— Уч юз.

— Жуда соз. Мен сизларга ёрдамга уч юз одам ҳам бераман. Бунча кишилик аскар билан истаган ишни қилиш мумкин. Бир ҳафтадан кейин пул ҳам, одамлар ҳам етиб боради. Пул мендан ҳады, лекин одамларимдан вақтинча фойдаланиб турасизлар. Хизматларини ўтаб бўлиши билан дарров изига қайтариб юборасизлар. Келишдикми?

— Келишдик, — деди ҳаммадан кейин эшикдан чиқаётган меҳмон. — Лекин эсингизда бўлсин, мабодо бизни лақиллатсангиз, Персеверансио сиз билан бошқача гаплашиб қўяди. Персеверансио деганлари мен бўламан.

Педро Парамо унинг қўлини қаттиқ қисиб хайрлашди.

* * *

— Уларнинг бошлиғи ким деб ўйлайсан? — деб сўради у меҳмонларни кузатгач, Тилькуатедан.

— Менимча ҳеч кимга қарамай ўртада бошини солинтириб ўтирган қоринбой бўлса керак. Ишончим комил — ўша... Биласиз-ку, дон Педро, мен бир қарашдаёқ кимнинг қанақа одамлигини билиб оламан.

— Йўқ, Дамасио, уларга сен бошлиқсан. Ё қўзғолончиларга қўшилгинг келмаяптими?

— Нима энди, ҳозироқ қўшилиб кетишга розиман. Мана шу тўс-тўполонда ўйнаб қолмасам, қачон яйрайман.

— Бўлмаса қулоқ сол, гап-сўзларни ўзинг эшитдинг, йўл-йўриқ кўрсатиб ўтиришимнинг ҳожати йўқ. Ишончли йигитлардан уч юзгасини йиғиб, уларга бориб қўшил. Ваъда қилинган одамларни олиб келдим, дейсан. Кейин шароитга қараб иш қилаверамиз.

— Пулни-чи? Пулни ҳам мен олиб бораманми?

— Зарур бўлиб қолганда ишлатиб туришинг учун ҳар бир одамга ўн песодан бераман. Пулнинг қолгани ҳозирча Педро Парамода турар экан, қачон керак бўлиб қолса, шу заҳоти берар экан, дейсан. Уруш пайтида шунча пулни ёнда олиб юриб бўладими? Айтмоқчи, Пуэрта-де Пьедра қишлоғи қалай, сенга ёқадими? Бугундан бошлаб бу қишлоқ сеники. Мана бу хатни олиб Комаладаги Херардо Трухильо деган нотариусга учрашсанг, қишлоқни дарров сенинг номингга хатлаб беради. Қалай, энди хурсандмисан, Дамасио?

— Хурсанд бўлиш ҳам гапми, хўжайин. Мен бу ишни ҳеч қанақанги қишлоқ-пишлоқсиз ҳам, шунчаки кўнгил хуши учуноқ қойиллатиб ташлардим. Ҳимматингиз учун қуллук. Мен каллакесарлар билан изғиб юрган пайтимда кампиримга ҳам эрмак топилиб қолди энди.

— Менга қара, сен улар билан бекордан-бекорга сандирақлаб юраверма, бирорта ситир-пигир кўриниб қолса, секингина қишлоғингга қараб ҳайда. Қишлоқ жойда мол бўлмаса, қўлингни қаёққа қўйишни билмай зерикиб қоласан.

— Зебу бўлса ҳам майлими?

— Ўзингни таъбингга қараб танлайвер. Сен ўғирлаб оборишни бил, қолгани хотининг эплаштиради. Сенга яна бир топшириқ шуки, менинг ерларимдан жуда ҳам олислаб кетма. Фалокат босиб бошқа бировлар келиб қолса, бу жойлар эгалик эканини билишсин. Менга тез-тез учрашиб туришни эсингдан чиқарма. Бирон-бир янгилик чиқиб қолар, ҳеч бўлмаса шунчаки айланиб келиб кет.

— Хўп бўлади, хўжайин.

* * *

— Бояги хотин нималар деяпти, Хуан Пресиано?

— У оёқларини эркакнинг оёқлари орасига суқиб олганини гапиряпти. Унинг ях қотган муздек оёқларига худди лаңғиллаб ўт ёниб турган тандирга тикилгандек бирдан иссиқ ўтибди. Эркак унинг оёқларини тишлаб ўйнашни яхши кўрар, улардан ҳозиргина тандирдан узилган пўрсиддоқ ноннинг иси келади, дер экан. Аёл унинг вужудига сингиб кетгундек бўлиб кучоқлаганча кўзларини юмаркан, ўзини бу оламдан фоний бўлгандек ҳис этаркан. Бироқ қиздирилган темирдек

қаттиқ нарсанинг ҳисларини жунбушга келтириб, ҳузурбахш лаззатдан бушашган танасига кетма-кет урилиб, борган сари чуқур ботишидан оҳ деб юборар экан. Бироқ эркакнинг ўлими унинг қалбига бундан ҳам чуқурроқ жароҳат етказибди.

— Ким экан бу одам?

— Билмадим. Ундан илгарироқ ўлиб кетган одам бўлса керак.

— Ким экан-а, бу?

— Бунисини айтмаяпти. Бир кун кечаси уни жуда узоқ кутибди, бироқ ҳадеганда ундан дарак бўлавермабди. Фақат вақт ярим кечадан ошгандан кейингина унинг келганини сезибди. Аёл бу нарсани муздек ўринда ёлғизликдан совқотиб ётган оёқлари бирданига иссиқ кўрпага ўраб қўйилгандек илиганидан билибди. Бироқ эрталаб уйғонганида кечаси уни кута-кута ўқиб ётган газетани оёғига ёпиб қўйилганини кўрибди. Аёл оёқларини ким газета билан ёпиб қўйган бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўйига етолмай турганида унинг ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни етказишибди.

— Аёл солинган тобут синиб кетди-ёв. Эшитдингми, тахталари қисирлади.

— Ҳа, менга ҳам шундай туюлди.

* * *

У яна боши-кети йўқ тушлар кўра бошлайди. Чидаб бўлмайдиган хотиралар бунча азоб бермаса? Наҳотки ўтмишдан бошқа ўзини овунтирадиган таскин-тасалли тополмаса? Бундан кўра тезроқ ўлиб кўя қолгани яхши эди.

— Сеньора, Флоренсио ҳалок бўлибди.

Бу одам мунча найнов, мунча аммамнинг бузоғи бўлмаса. Овози худди тош қотган ердек ҳиссиз, кўпол. Юзига чиммат тугилгандек ғира-шира кўринади. Эҳтимол бу ғубор кейин пайдо бўлгандир. Юзини худди ёмғир пардаси тўсиб қўйгандек хира тортди. У нима деяпти? Флоренсио дейдими? Қанақа Флоренсио? Менинг эримми? Бўлмаса мен нега дод солиб йиғламаяпман? Нега ўшанда кўз ёши тўқолмадим? Йиғласам сал бўлса-да, енгил тортардим-ку. Йўқ, худо йўқ экан! Ё, парвардигор, уни ўзинг хибзу ҳимоятингга олиб асрагин, деб қанчалар ёлворган эдим-а. Менинг бундан бошқа ўтинчим йўқ эди-ку. Сен фақат бизнинг жонимизни олишнинггина ўйлар экансан. Менга унинг руҳи эмас, муҳаббатга тўлиб-тошган, эҳтиросли, яланғоч вужуди керак эди — елкаларимдан кучиб, кўкраklarимни сийпалаб ётишидан лаззатланардим. Мен худди оҳанрабо ўзи тортган игнадек бўшлиқ қаърида муаллақ осилиб туришни, унинг хоҳиш ва иродасига қараб чайқалувчи итоаткор қайиқ бўлишни истардим. Эҳтиросли бўсалар олувчи лаблар бўлмаса, менга бу дудоқларнинг нима кераги бор? Ҳасратдан сўла бошлаган лабларни нима қиламан энди?

Сусанна алаҳсираб ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар, Педро Парамо эшик раҳига суянганча унинг жонини қийнаётган бу азоб ноёнига стишини кутарди. У аллақачон вақтнинг ҳисобини йўқотиб қўйган, ёғи тугаган чироқ хиралашиб, пилиги чирсиллар эди.

Агар бу жувонни бирон жисмоний дард қийнаганда аллақачон шифосини топарди. Бироқ алаҳсираш ва босинқирашга... сира адо бўлмай унинг тинкамдорини қуритаётган қўрқинчли тушларга бирон чора топишдан ожиз эди. Педро Парамо Сусаннанинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатарди. Хонани зўр-базўр ёритиб турган хира шуъла билан бирга у ҳам тинчиб қолса нима қилади?

У эшикни авайлаб ёпганча ташқарига чиқди, тунги салқин кўз олдидан Сусанна Сан-Хуаннинг қиёфасини нари суриб кетди.

Сусанна эрталабга яқин уйғонди.

У устидаги кўрпани ҳам, қизиб кетган чойшабларни ҳам ерга олиб урди-да, яланғоч ҳолича ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлай бошлади; тонги мусаффо ҳаво унинг вужудига салқин уфуриб, ором бағишларди. У чуқур тин олиб, яна уйкуга кетди.

Бир неча соатдан кейин падре Рентерия уни худди шундай яланғоч ҳолича ухлаётган аҳволда кўрди.

* * *

— Дон Педро Телькуатенинг отряди тор-мор қилинганини эшитдингизми?

— Йўқ, Херардо, кеча кечкурун қандайдир тўқнашув юз берганини эшитдим, холос. Ўқ овозлари бу ергача эшитилиб турди, лекин нима бўлганидан хабарим йўқ. Бу гапни сенга ким айтди?

— Комалага ярадорларни олиб келишди. Хотиним уларнинг ярасини боғлашга латта-путта берди. Улар Дамасионинг отрядида жанг қилишган экан, кўнчилиги ўлиб кетибди. Айтишларича, аллақадан келган одамлар билан олишишибди, улар ўзларини “вильистлар” деб аташарканми-ей.

— Ишлар пачава, Херардо. Замонанинг зайли шу бўлса, бу ёғига тирикчилик оғирлашаверади. Ўзинг нима қилмоқчисан энди?

— Кўчиб кетмоқчиман, дон Педро. Сайўлга. Яна ўша ерда макон тутмоқчиман.

— Сиз адвокат, нотариусларга маза. Бир гап бўлса, бизга ўхшаб қачон келиб бўйнимизни қайтариб ташлашаркин, деб кутиб ўтирмай, шартга лаш-лушингларни йиғиштириб, жўнаб қоласизлар.

— Жуда ҳам унчалик эмас, дон Педро, унчалик эмас. Ишимиз анчагина позик, сал эҳтиётсизлик қилсанг, доғда қолишинг ҳеч гап эмас. Сизга ўхшаган миждан айрилиш алам қилади, бунинг устига обрў-эътибор келтирадиган имкониятлардан ҳам бирварақайига маҳрум бўласан. Фақатгина қорин қайғусида бошқа жойга кўчиб ўтиш, одам ўзи ўтирган шохни кесишдек гап. Манави ҳужжатларни нима қил дейсиз? Қаерга кўяй?

— Ҳеч қаерда қолдирмай олиб кетавер. Ё Сайўлда менинг вакилим бўлиб ишламоқчи эмасмисан?

— Раҳмат сизга, дон Педро. Ишончингиз учун чин юракдан мишнатдорчилик билдираман. Лекин очигини айтишга мажбурман: энди сизнинг ишларингиз билан шуғулланолмайман. Баъзан жорий этилган тартиб-қоидаларга риоя қилинмайди дегандек... Айрим ишлар тўғрисидаги ҳужжатлар сиздан бошқа одамнинг кўзига чалинмагани тузук. Бундай қоғозлар бировнинг қўлига тушса, бирон шумлик қилиши ҳеч гап эмас. Уларни ўзингиз эҳтиёт қилганингиз яхши.

— Рост айтасан, Херардо. Мана бу ерга кўя қол. Уларни ёқворақоламан; боридан йўғи яхши. Бу жойларни менинг мулким эмас дейишга кимнинг ҳадди сизгарди.

— Албатта, ҳеч кимнинг ҳадди сизгамайди, дон Педро. Бўпти, яхши қолинг.

— Сафаринг беҳатар бўлсин, Херардо.

— Лаббай?

— Худо сени ўз паноҳида асрасин, деяпман.

Нотариус бир-бир босиб эшик томон йўл олди. Унинг ёши ўтиб қолган бўлса-да, ҳали оёқларини судраб босадиган даражада қари эмасди. Очигини айтганда, истар-истамас қадам ташлаб изига қайтаётганининг бошқа сабаби бор — у хизмат ҳақи олишдан умидвор эди. Ахир, у дон Педронинг отаси Лукас Педрога, узоқ йиллар то шу бугунги кунгача эса Педро Парамога, бундан ташқари ўғли Мигельга сидқидилдан хизмат қилди. Очигини айтганда хизматлари эвазига бахиллик қилмай, саховат билан ҳақ тўлашади, деб ўйлаган эди.

— Дон Педро билан ҳайрлашиб келгани кетяпман, — деган эди у хотинига уйдан чиқаётиб. — Қилган хизматларим учун яхшигина ҳақ тўлайди, деб ўйлайман. Бу пул Сайўлга бориб жойлашишимизга, қолган умримизни муҳгожлик нималигини билмай тинчгина ўтказишга бемалол етиб ортади.

Аёллардаги бундай сезгирлик қайдан пайдо бўлганига ақд бовар қилмайди. Уларнинг кўнглига доим шубҳа, гумон гулгула солиб туради. Аёлларга гойибдан сирли хабар етиб турса ҳам ажаб эмас. Нотариуснинг хотини эрининг умид қилган иш ҳақини ундириб олишига сира ишонгиси келмасди.

— Хомтама бўлма. Сайўлга бориб, тирикчиликни йўлга қўйиб олгунимизча яна ўлиб-тирилиб ишлашимизга тўғри келади. Ундан бир тийин ҳам ололмайсан.

— Бу гапни қасрдан топдинг?

— Топдим-да.

У эшик томон юриб бораркан, орқадан: “Тўхта, Херардо! Ишим кўплигидан бошим говлаб, сени эсдан чиқариб қўйибман. Сен менга ҳеч қанақанги пул билан узиб бўлмайдиган яхшилиқлар қилдинг. Мана бу арзимас ҳадяни кўп ўрнида қабул эт”, деган хитоб эшитилишини кутарди.

Бироқ уни ҳеч ким тўхатмади. У бўсагадан шошилмай ҳатлаб ўтди, отни имиллаб ечиб, ўзини эгарга олди-да, мабодо биров чақирса, эшитмай қолмай деган илинжда аста йўлга тушди. У Комалага элтувчи йўлга чиққач, ҳеч қаёққа бурилмай юриб кетди. Медиа-Лунанинг қораси бутунлай кўздан йўқолгач, афсус билан хаёлидан кечирди: “Ундан қарз сўрашим мумкин эди-ю, лекин бу кадр-қимматимни тупроққа тенг қилиш билан баробар бўларди”.

* * *

— Унчалик тўғри иш қилмаганга ўхшайман, деган хаёлда қайтиб келдим, дон Педро. Бундан кейин ҳам жон-жон деб сизнинг ишларингизни юритаман.

Нотариус бу гапларни орадан ярим соат ўтгач, Педро Парамонинг хонасида ўтириб айтди.

— Жуда яхши, Херардо. Қоғозлар ўзинг қўйган жойда турибди.

— Биласизми мен... Янги жойга кўчиш муносабати билан... Майда-чуйда харажатлар учун... Иш ҳақим ҳисобидан озгина пул олиб турсам дегандим... Кутилмаган шарт-шароитларни ҳисобга олиб... лозим топсангиз албатта.

— Беш юзми?

— Сал кўпроқ, лоақал... тағин билмадим...

— Минг сўм етадимми?

— Менга беш минг керак эди.

— Нима? Беш минг песоми? Бунча пулни қаердан оламан? Биласан-ку, мен бор пулимни хўжаликка сарфлаб юборганман. Менинг бойлигим — ер-сув, мол-ҳол. Бу нарсани ўзинг ҳам яхши биласан-ку. Бунча пулни нима қиласан?

Нотариус индамади; у бошини ҳам қилганча хаёл сурарди. Ёзув столида эса дон Педро санаётган тангалар жиришларди. Шу тобда дон Лукас тегишли ҳақини бермагани, дон Педро эса янгидан ҳисоб-китоб дафтари очгани эсига тушди. Мигель учун у озмунча елиб-югурдимми? Бу болани камида ўн беш марта қамоқдан олиб қолди. Қотилликни босди-босди қилиш учун қанча пул сарфлади. Ўлиб кетган одамнинг оти нима эди? Бўлди, эсига тушди: Рентериа. Уни қўлига тўппонча тутқизиб қўйилган ҳолда топишди. Мигель олдинига кулиб, кеккайиб юрди-ю, кейин тиззалари қалтираб қолди. У бир амаллаб бу ишни ҳам тинчитди. Агар бу иш суд эмас, лоақал терговга ошганда дон Педро озмунча чиқимдор бўлмасди? Бировларнинг қизини зўрлашлар-чи? Жабрдийдаларни муросага келтириб, оёзига уриш учун у ўз ҳамёнидан сарфлаб юборганлари-чи? “Вой, эси паст-эй, хурсанд бўлиш ўрнига бу нимаси, оппоққина бола туғиб олсанг ёмонми”, дея тасалли берарди у навбатдаги жабрдийдага.

— Ма, ол, Херардо. Эҳтиёт қилиб сақла, пул ўз-ўзидан кўпаймайди.

— Тўғри. Лекин ўлганлар ҳам ўзидан кўпаймайди, — деди у ҳамон ўз ўйлари таъсирида ва бўшашганча қўшиб қўйди. — Афсуски, шундай...

* * *

Тонг отишига ҳали анча бор эди. Тун қоронғилигидан хира тортган юлдузлар ожизгина милтиллашарди. Ой кўринди. Салгина кўтарилди-да, ҳеч ким унга маҳлиё бўлиб боқмаётганидан раижигандек яна ғойиб бўлди. Ранги-кути ўчган қўйи кўкда бир соатча муаллақ турди; на тузук-куруқ нур сочмай, на кўнгилларга қувонч бахш этмай тоғ орқасига яширинди.

Қаердадир олисда тунги сукунатни парчалаб Медиа-Лунага қайтаётган бу қаларнинг бўкиргани эшитилди.

— Уйқу ҳам элитмайди-я, бу махлуқларни, — дея пўнғилларди Дамиана Сиснерос. На кундузи чакаги тинади, на кечаси. Мол эмас, иблисдан тарқаган балои-қазо. Иблис ҳам худди буларга ўхшаб кўз юммайди; кимнинг жонини жаҳаннам қаърига олиб кетсам экан, деб изғигани-изғиган.

У нариги ёнбошига ағдарилиб, девор томонга ўгирилиб ётди.

Шу пайт тақиллаган овоз эшитилди.

У кўзларини катта-катта очганча нафасини ичига ютди. Овоз такрорланди. Кимдир букланган бармоғи билан деворга уч марта ургандек туолди. Йўқ, у ётган жойни эмас, анча нарироқни бўлса-да, барибир, шу деворни тақиллатарди.

“Ўзинг паноҳингда асрагайсан, парвардигор! Уч марта тақиллаган овоз! Бу ўз ихлосмандларидан бирига паймонаси тўлганидан хабар бергани келган авлиё Паскуаль Байлон¹ эмасмикин?”

Бу ўй Дамиана Сиснеросни унчалик ваҳимага солгани йўқ, у ўзини авлиё Паскуаль ихлосманди деб билмас, суяклари сирқираб оғрий бошлаганидан бери черковга ҳам қатнамай қўйганди. Лекин барибир, юрагини ваҳм босар, айни вақтда унинг қизиқувчанлиги ортиб борарди.

У укувсизлик билан ясалган каравотдан секингина туриб, деразани очди.

Дала-тузга куюк тун чўккан бўлса-да, Дамиана ўзига керакли нарсани даров излаб топди: Педро Парамонинг азамат гавдаси қоронғида ҳам яққол кўзга ташланиб турарди. У энгашган кўйи митти маргаританинг пастак деразасини тақиллатарди.

— Вой, дон Педроси тушмагур-эй, — дея чуқур тин олди Дамиана. — Социга оқ оралаганда ҳам гуноҳга ботиб, қилиб юрган ишини қаранглр. Фақат бир нарсага тушунолмаيمان; нега у бунақа ишларни яширинча, қисиниб-қимтиниб қилади. Менга шундай-шундай деб бир оғиз шипшитиб қўйса бўлади-ку. Шу заҳоти Маргаритага бугун хўжайиннинг олдига кир, сенда иши бор экан, деб кўярдим. У ҳатто ўзини уринтириб, ўрнидан туриб ҳам юрмасди.

Яна буқаларнинг қулоқни қоматга келтирадиган овози эшитилди. Дамиана Сиснерос шоша-пиша деразани ёпиб қўйди. У ўринга кириб, кўрпасига ўраларкан, шу тобда митти Маргарита қай аҳволга тушаётганини кўз олдига келтирди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, у иссиқдан нафаси қайтиб, кўрпани очди-да, энгил-бошини ечиб ташлади...

— Дамиана! — дея кимдир уни чақирди.

У кезларда Дамиана расида бўлган қиз эди.

— Эшикни оч, Дамиана!

Унинг юраги матрабага тушган беданадек типирчилаб, худди қовурғалари орасидан чиқиб, учиб кетгудек потирлай бошлади.

— Нима дейсиз, хўжайин?

— Эшигингни оч, Дамиана!

— Мен ухлаётувдим, хўжайин.

У шартта орқасига бурилиб, қайтиб кетди. Тош ётқизилган узун айвонда унинг гурсиллаган қадам товуши гумбирлаб эшитилди; қадам ташлаши жуда ҳам зардали эди.

Дамиана унинг қаҳрига учрашдан кўрқиб, эртасига эшикка илгак солмади, ҳатто ортиқча қийналиб, аччиғи чиқмаслиги учун ечиниб ётди.

Бироқ Педро Парамо қайтиб бирон марта унинг эшигини қоқмади.

Гарчанд ўшанда хўжайиннинг майлига бўйсунмаган бўлса-да, энди Медиа-Лунадаги ҳамма жорияларнинг изми унинг илқида. Бироқ ёши бир жойга борганда ҳам ўша кунги хўжайиннинг амирона овозини аллақандай интиқлик билан эслайди: “Эшигингни оч, Дамиана!”

У шу тобда митти Маргаританинг нечоғли бахтиёр эканини тасаввур қилганча ухлаб қолди.

Кўп ўтмай у яна уйғониб кетди, бу гал девор тақиллашидан эмас, гумбурлаган овоздан ҳаловати бузилди. Кўрғон дарвозасини милтиқ кўндоқлари билан синдириб юборгудек қарсиллатиб уришарди.

У яна деразани очиб, қоронғилик қаърига тикилди-ю, бироқ кўзлари ҳеч нарсани илғамди. Назарида кўрғон атрофи худди ёмғирдан кейин ҳаммаёқни

¹ Паскуаль Байлон (1540—1592) — 1960 йили авлиё аталган францискан роҳиб, черков унинг шахсини илоҳийлаштириб, XIX аср охирида католик мазҳабидагилар жамоасининг “самовий” ҳомийси деб эълон қилган.

чувалчанг босиб кетгандек гужгон ўйнаб ётарди. Бундан ташқари бир талай одам тўда бўлиб тургандек туюлди. Бақалар қуриллар, чиридоқлар тишимсиз чириллар эди. Эпкинсиз, осуда кеча — одатда ёмғир олдидан шундай осудалик чўкади.

Дарвоза олдингисидан ҳам қаттикроқ тақиллай бошлади.

Бир неча одамнинг юзини ёритган чироқ нури шу заҳоти ўчди.

“Менга нима зарил”, деди Дамиана Сиснерос ва деразани ёпиб қўйди.

* * *

— Сени тор-мор қилишибди деб эшитдим, Дамасио. Нима фалокат босди?

— Бекорларни айтишибди, хўжайин. Кўриб турибсиз-ку, ўзим ҳам, одамларим ҳам соғ-саломат. Ҳозир мен билан етти юз одам келди, у ёқда яна икки-уч юз одамим бор. Бундай овоза тарқалишининг сабаби бор. Эски одамларим бекорчиликдан нима қиларини билмай юришганда тўсатдан бизга ҳар хил яланг-оёқ жуддурвоқилар ҳужум қилиб қолишди; унча кўпчилик эмас экан. Дарров жангга киришиб кетдик, бироқ нарироқда бутун бошли армия пойлаб турганини билмай қолибмиз. Вильистлар дегани қулофингизга чалингандир, а?

— Қаердан келишган экан булар?

— Шимол томондан. Улар қадам босган жой худди довул бўлиб ўтгандек шип-шийдам бўлиб қолар экан. Хатти-ҳаракатига қараб, шундай хулоса чиқариш мумкин, уларнинг нияти биронта ҳам шаҳарни қўймай вайрон қилиш. Одамлари мўр-малахдай. Тан бериш керак, жуда зўр экан улар.

— Дарров ўшаларга қўшилиб олишинг керак эди. Мен сенга кимнинг қўли баланд келса, ўшаларга қўшилиб ол, деб тайинлаганман-ку.

— Мен аллақачон уларга ўтиб олганман.

— Бўлмаса нимага келдинг?

— Пул керак, хўжайин. Ҳадеб гўшт еявериш жонга тегди; қараса одамнинг кўнгли кетади. Озиқ-овқатни биров қарзга бермайди. Шунинг учун бу ёққа келдик. Емак-ичмакка лойиқ пул бермасангиз, кунимиз тиланчиликка қолади. Агар сал узокроқда — бегона жойларда бўлганимизда-ку, шартга ҳужум қилиб, омборларни шипириб кетардик-а. Бу ерда ундай қилишнинг иложи йўқ, бири хеш, бири тобор, ўзингникини талаш — уят. Аҳвол шунақа. Пул керак. Лоақал зоғорага лойиқ талқон, қаламбир сотиб олишга етгудек бўлса ҳам майли. Гўшт деса, одамнинг кўнгли айнаппти.

— Мен билан жуда бошқача гаплашадиган бўлиб қолибсан-ку, а, Дамасио?

— Сизни ранжитадиган гап айтганим йўқ-ку, хўжайин. Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ, болаларнинг ғамини еяпман.

— Одамларингни ўйлаганинг яхши, албатта. Фақат пулни мендан ундиришни эмас, бошқа бирон жойдан топишни ҳам бил. Қачонгача мендан мўмайгина ақча олаверасизлар; борини бериб тутатдим. Сенга маслаҳатгўй ҳам эмасман, қандай йўл-йўриқ кўрсатишим мумкин? Тўданг Контлини босиб олса бўлмай-дими? Бу нарса хаёлингга келгани йўқми? Лоақал инқилобчиларга нега қўшилганингни биласанми? Агар садақа сўраб кун кечирсанг, косанг оқармайди. Ундан кўра хотинингни пинжига кириб, тухум босиб ётганинг яхши. Шаҳардан кўпи борми. Хоҳлаганингни босиб ол, ҳаммаси сенинг измингда-ку. Бўлмаса, нега бекордан-бекорга бошингни гаровга қўйиб юрибсан? Бошқалар ҳам бирон нарсасидан айрилсин. Контлида бой деганинг итнинг уруғидан ҳам кўп. Тошган-тутганини марҳамат қилиб сен билан баҳам кўришсин. Ё ўла-ўлгунча уларнинг ҳамёнларини кўриқлаб, энагадек икки букилиб хизматларини қилишга ёлланганмисан? Иш деган бунақа бўлмабди-да, Дамасио. Сен улар билан ўйинчоқ ўйнаб, майнавозчилик қилиб юрмаганингни билдириб қўй. Такаллуфни йиғиштириб, оч биқинига бошлаб туширсанг, пул деганинг ёмғирдек ёғилишини кўрасан.

— Майли, бир уннаб кўрамиз, хўжайин. Кўзимни очганингиз учун раҳмат. Сиздан ҳамиша бирон ақли гап чиқмай қолмайди.

— Ишинг ўнгидан келсин.

Педро Парамо отличларнинг орқасидан қараб қолди. Қоронғида ранг-тусини билиб бўлмайдиган бир тўда суворий ер-кўкни зириллатиб, от чоштириб ўтди. Димоққа ачимсиқ тер ва чапг-тўзон келиб урилди. Яна бир ерга жам бўлиб, кейин тирқираб сочилиб кетган шуълалар кўринди — суворийлар тобора узоқлашиб боришарди. Педро шу туришида худди кўриб, айни кучга тўлган, бироқ ичидан чирий бошлаган улкан эманга ўхшаб кетарди.

Унинг фикри-ёди Сусанна Сан-Хуан ҳамда ҳозиргина оғушидан чиққан қизча билан банд эди. У ҳали эти қотмаган бу қизалоқнинг тузукроқ таъмини тотиб, улгурганича ҳам йўқ. Қўрққанидан Маргаританинг юраги отилиб чиқиб кетгудек шотирлаб урарди. “Сенинг вужудинг бир тишламгина экан-ку”, деди у қизалоқни бағрига тортаркан. Бу ожиз вужуднинг шу тобда ҳеч қачон васлига етиб бўлмайдиган Сусанна Сан-Хуанга айланишини жуда-жуда истарди. Бироқ Сусанна бу нопок оламнинг одамига сира ўхшамас эди.

* * *

Субҳи содиқ уйғотиб юборган кун эринчоқлик билан керишиб, кўзларини зўр-базўр очади. Момо ер уйқусираб эснайди, эрталабки совуқдан жуңжикиб, оппоқ ҳовур чиқаради ва бир амаллаб елкасидан босиб турган тунги ғафлатдан халос бўлади.

— Тун ҳамма ёмонликларнинг кони, тўғрими, Хустина?

— Тўғри, Сусанна.

— Ростдан ҳам шунақами?

— Шундай бўлса керак, Сусанна.

— Бўлмаса, яшаш ҳам гуноҳдир? Нима дединг, Хустина? Кулоқ сол, эшит-япсанми? Ер тишларини гижирлатяпти.

— Йўқ, мен ҳеч нарса эшитаётганим йўқ, Сусанна. Мен сенга ўхшаган қоби-лиятга эга эмасман.

— Агар мен эшитган нарсаларни эшитганингда эсинг оғиб, ҳайратдан қотиб қолардинг.

Хустина уй ичини супуриб-сидириш билан машғул эди; ҳўл латта билан полни артли, синган гулдонда қолган сувни тўкиб, сочилиб ётган гулларни йиғиштирди-да, ойна синиқларини челақка ташлади.

— Сен умрингга ҳеч қуш ўлдирганмисан, Хустина?

— Жуда кўп ўлдирганман, Сусанна.

— Уларга раҳминг келмаганми?

— Раҳмим келган, Сусанна.

— Ундай бўлса, ўлиб кўя қолмайсанми? Нимани кутиб юрибсан?

— Паймонам тўлишини, Сусанна.

— Ташвишланма, ажаланг — қош билан кипригинг орасида.

Сусанна уриб шиширилган ёстиқларга кўмилиб ётарди. У ҳар бир нарсага алап-жалап боқар, кўзларининг қорачиги бир жойда тинч турмас, худди бирон нарсадан муҳофаза қилаётгандек кўлларини қорни устига қўйиб олган эди. Назарида шундоққина боши тепасида алланима кўзга кўринмас енгил қанотларини тинимсиз силкитиб, типирчилаётгандек туюларди. Қаердадир қудуқнинг чигири фирчиллади, кейин яна аллақандай шовқин-сурон эшитилди — бу овозлар янги кун бошланганидан далолат берарди.

— Сен дўзах борлигига ишонасанми, Хустина?

— Ҳа, мен жаннат борлигига ҳам ишонаман, Сусанна.

— Мен фақат дўзах борлигига ишонаман, — деди у ва кўзларини юмиб олди.

Хустина хонадан чиқаётганида Сусаннани яна уйқу элитган, олис уфқда эса кўкка учкун сацратиб, қуёш чиқиб келарди. Хустина эшик орқасида турган Педро Парамого дуч келди.

— Беканг қалай?

— Ёмон, — дея гўлдиради Хустина.

— Бирон жойим оғрияпти, дейдимми?

— Йўқ, шиква-шиқоят қилмайди, сеньор. Майитлар ҳеч қачон оҳ-воҳ қилмайди, дейишади-ку. У энди бу дунёда ҳеч кимнинг кўнглини овламайди ҳам.

— Падре Рентериа келмадимми?

— Кеча кечкурун келиб, имон келтириб, тавба қилдирди. Бугун ҳам азонлаб етиб келаман деган эди, афсуски, буюрмаган экан. Тонг ёришган пайтда муқаддас ионалар олиб келмоқчи эди. Мана, кун ҳам ёйилиб кетди, ҳалигача дараги йўқ. Демак, буюрмаган экан.

— Нима буюрмаган экан?

— Оллонинг марҳамати-да.

— Бўлмағур нарсаларни гапириб, алжирама, Хустина.

— Хўп бўлади.

Педро Парамо эшикни очди-ю, остонада тўхтаб қолди. Эшикдан ёпирилиб кирган нур Сусаннанинг юзини ёриштириб юборди. У ички бир дард азоб бераётгандек кўзларини чирт юмиб олган, лаблари худди ҳозир гапириб юборадигандек очик қолган, бармоқлари эса устидаги чойшабни гижимлаб, тўсатдан титроқ югурган яланғоч баданини очиб юбораётганини сезмасди.

У ичкарига кириб, каравотга яқин келди-да, Сусаннанинг устини ёпиб қўйди. Борган сари хуруж қилаётган титроқ унинг аъзойи-баданини силкитар, дам-бадам қисқараётган пайлар худди ўрмалаётган илоннинг хатти-ҳаракатларига ўхшаб кетарди. “Сусанна”, Педро Парамо энгашиб, унинг қулоғига шивирлади: “Сусанна”, дея яна тақрорлади у.

Эшик очилиб, падре Рентериа кўринди. У гап-сўзсиз каравотга яқин келди.

— Мен сени муқаддас сирлардан огоҳ этгани келдим, қизим, — деди у деярли пичирлаб.

У Педро Парамо аёлнинг бошини кўтариб, ёстиққа суяб ўтқазиб қўйгунча қараб турди. Ҳали ҳам уйқуси ўчмаган Сусанна тилини чиқариб, тузсиз кулчани чайнамасданоқ ямлаб ютди. “Мен сен билан бахтиёр эдим, Флоренсио”, дея пичирлади у яна ўзини аллақачон тобутга айланган ўринга ташларкан.

* * *

— Медиа-унадаги ҳар куни кечаси чироқ ёниб турадиган ҳов анови деразани кўряписизми, донья Фауста?

— Йўқ, Анхелес, ҳеч қанақанги деразани кўраётганим йўқ.

— Энди кўриб бўлмайди, албатта, чироқ ўчиб қолди. У ерда бирор кор-ҳол юз бермадимикин-а? Уч йилдан бери қош қорайиши билан Медиа-Лунадаги мана шу деразада чироқ ёнади. Ўз кўзи билан кўрганлар бу Педро Парамонинг хотини ётган уйнинг деразаси дейишади. Эси жойида эмас экан, қоронғидан жуда ҳам кўрқаркан, бечора. Қаранг, ўша деразани ёритиб турган чироқ ўчиб қолди. Бу яхшилиқ аломати эмас.

Ўлиб-нетиб қолмадимикин, бечора? Аҳволи оғир эди. Кейинги найтларда ҳеч кимни танимай қўйибди, нуқул ўзи билан ўзи гаплашар экан. Педро Парамонинг пешонасида шўри бор экан. Бунақа хотин билан кун кечириш азоб-ку. Бечора дон Педро!

— Йўқ, Фауста, у бечора эмас. Қилмиш-қидирмиш дейдилар, у бундан беш-баттар азобга гирифтор бўлиши керак ҳали.

— Қаранг-а, бояги деразада қайтиб чироқ ёнмади.

— Э, майли, ёнмаса ёнмас, ётиб ухлайдиган вақт бўлди. Қариган чоғимизда бизга кечаси тентираб юришни ким қўйибди.

Ҳозиргина черковдан чиққан кампирлар савдо расталарини оралаб кетишди. Вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эди. Қоронғилик қаъридан эркак одам чиқиб келди-да, майдонни кесиб ўта бошлади. У Медиа-Лунани мўлжал олиб борарди.

— Донья Фауста, ҳой донья Фауста! Анови киши доктор Валенсиа эмасми? Танимадингизми?

— Ўшанга ўхшайди. Балки бошқа бировдир, кўзим яхши илғамайди.

— Тузукроқ эслаб кўринг, у доим оқ шим кийиб юрарди-ку, қўлида қора саквож. Кўнглим сезиб турибди, Медиа-Лунада бирор кўнгилсизлик юз берган. Уни қаранг, худди биров қамчи билан савалаётгандек оёғини қўлига олиб, шошиб кетяпти.

— Ростдан ҳам бирор бахтсизлик юз бердимикин-а? Черковга кириб, тақсирга айтсакмикин, Медиа-Лунага бориб, расм-русмларни бажо келтирсин, тагин анови бечора гуноҳларидан фориғ бўлмай туриб жон таслим қилиб қўямасин.

— Худо кўрсагмасин! Нафасингизни ел олсин-э, Анхелес. У бечоранинг бу дунёда тортган азоблари камми? Имон келтирмай бандаликни бажо келтиришни тилашга қандай тилингиз борди? Бунақада шўринг курғурнинг жони у дунёда ҳам азобда қолади-ку. Илмли кишиларнинг гапига қараганда ақли ноқис одамни гуноҳдан фориғ қилишнинг ҳожати йўқ экан, унақалар билиб-билмай бирон айб қилишса ҳам маъзур тутилар экан. Ростдан ҳам шундайми, йўқми, ёлғиз эгамнинг ўзигагина аён... Қаранг, деразада яна чироқ кўринди. Ишқилиб, унинг мушқулини худойимнинг ўзи осон қилсин. Бўлмаса, бизнинг шунча хатти-ҳаракатимиз зое кетади. Милод байрамига черковни келиннинг уйдеск ясатамиз деб озмунча тер тўқдикми. Шу кунларда бирон яқини ўлиб-нетиб қолса, дон Педро байрамни бурнимиздан булоқ қилади. Ҳамма нарса унинг измида...

— Нега бунақа вайсақилик қиласиз, а, донья Фауста? Мендан ибрат олиб, ёлғиз эгамнинг қароматидан умидвор бўлинг. Илоҳий Хурқизга сизиниб: “Ё Биби Марям, хурсанд бўл”ни ўқинг. Эрталабгача ҳар қандай бало-қазонинг юзини тескари қилади. У ёғини пешонадан кўраверамиз. Лекин бунақа ҳаёт у бечоранинг жонига ҳам тегиб кетгандир.

— Раҳмат, Анхелес, сиз доим менга тасалли бериб, кўнглимни кўтариб юрасиз. Энди хотиржам ётиб ухлайман. Агар тушингда бирон нарса тиласанг, ниятинг бекаму кўст ижобат бўлади, дейишади-ку. Зора, менинг ҳам кўнглимдаги ниятларни олло даргоҳида қабул қилса. Яхши ётиб турунг. Эрталаб яна дийдор кўришиш насиб этсин.

Кампирлар хайрлашишиб, ўз уйларига равона бўлишди, улар ёнма-ён тушган ҳовлида яшашарди. Чор атрофга яна тунги гунгу кар сукунат чўкди.

* * *

— Оғзим тупроққа тўлди.

— Шундай тақсир.

— Бундай дема. Мен айтган гапни такрорла.

— Сиз нималар деяпсиз. Яна имон келтириб мени тавба қилдирмоқчимисиз? Иккинчи қайта-я? Нима кераги бор?

— Бу тавба-тазарру эмас, Сусанна. Мен сен билан гаплашиб, ўлимга ҳозир нозир туришга тайёрлагани келдим.

— Мен ўляпманми?

— Ҳа, қизим.

— Бўлмаса, нега менга азоб берапсиз? Мени тинч қўйинг, хотиржам ором олай. Мени ухлатмаслик учун сизни атай юборишганга ўхшайди. То уйқум ўчиб кетмагунча мен билан гаплашиб ўтирасизми? Кейин ҳолим нима кечади? Кейин ухлолмайман-ку. Нега менга бекордан-бекорга азоб берасиз?

— Мен ҳозир кетаман, Сусанна, кейин ҳеч ҳам оромингни бузмайман. Айтган гапларимни такрорласанг, худди алла эшитгандек ўзингни ўзинг папалаб, ухлаб қоласан. Кейин сени ҳеч ким уйғотолмайди. Шу бўйи қайтиб уйғонмайсан.

— Жуда яхши, тақсир. Гапиринг, айтганларингизни такрорлайман.

Падре Рентериа ўриннинг бир четига ўтириб, Сусанна Сан-Хуаннинг кифтига қўлини қўйди-да, сўзларини аниқ-таниқ эшитиши учун қулоғига яқин келиб шивирлади: “Оғзим тупроққа тўлди”. У бир дақиқа тин олиб, бемор гапларини такрорлаётганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди. Чиндан ҳам аёлнинг лаблари қимирлар, бироқ сассиз-садосиз пичирлар эди.

“Мен оғзимда сенинг оғзингнинг таъмини сезяпман. Лабларинг лабларимга чиппа ёпишиб, оғзимни ёпиб турибди, сен худди мен тишлаб олмоқчига ўхшайсан...”

Жувон жим қолиб, падре Рентериага тикилди, унинг юзи худди узоқдаги хира тортган ойна орқасидан кўрингандек оқариб кетган эди. Қулоғига яна илиққина нафас аралаш айтилган сўзлар чалинди:

— Мен ўзимнинг кўпириб кетган тулугимни ютаман, ҳар хил қурт-қумурсқалар бижғиб ётган тупроқни каппалаб ейман, бу қуртлар бўғзимда гужғон ўйнаб, томоғимга ёпишади... Юзим борган сари хунуклашиб, бадбуруш қиёфага кирди, оғзимни ўзимнинг тишларим кўмтиб, еб қўяди. Бурним пачоқланиб, ўрни теп-текис бўлиб қолади. Кўзимнинг соққалари оқиб тушади. Сочларимга худди гугурт чағиб юборилгандек тўкилиб тушади...

Сусаннанинг бирон мўйи ҳам қилт этмай хотиржам ётиши уни ҳайратга солди. Нималарни ўйлаётган экан шу тобда? Унинг гапларини рад этишга уринаётганмикин ёки қўрқитмоқчи бўлиб айтган ваҳимали нарсалар, юрагини така-пука қиляптимикин? У аёлнинг кўзларига тикилди, жувон ҳам унга тик қараб турарди. Унинг назарида аёлнинг лабларида ним кулги пайдо бўлгандек туюлди.

— Лекин бундан ҳам ёмонроқ азоблар бор. Худойи-таолонинг улуглигига имош келтириб, поёнсиз кўк гумбазида ҳузурбахш нурга айланиб, малоикаларнинг қўшиғини тинглаб, қисқа бир сонияда яратганининг нигоҳидаги оромбахш лаззатдан баҳра олиш ҳамда жаҳаннам азобларига тайёр туриш керак. Лекин шу билан ҳамма нарса барҳам топмайди. Инсон бу дунёдаги азоблардан қутулмайди; илигимизга ўт туташи, томиримизда оққан қон аланга олади, биз эгамнинг қаҳрига учраб, ҳеч адоғи йўқ чидаб бўлмас азобларга маҳкум бўламиз.

“Унинг оғуши менинг оромгоҳим ва ишонган паноҳим эди. Бу оғуш танамга ҳарорат, қалбимга муҳаббат бахш этарди”.

Падре Рентерия хонадагиларга бир қур назар солди. Қўлларини кўкси узра қовуштирган Педро Парамо эшик кессакисига суяниб турар, унинг ёнида доктор Валенсия, орқароқда эса аллақандай кишилар бор эди. Уйнинг нариги, қоронғи бурчағида ғуж бўлиб олган аёллар эса жаноза оятини ўқишга имо қилинишини кутиб, шай бўлиб туришарди.

Унинг бирдан ўрнидан тургиси, беморга муқаддас сув ичириб: “Тугатдим”, дегиси келди. Бироқ ҳали расм-русми тугатгани йўқ. Бу гуноҳкор банданинг ўз қилмишларига иқдор бўлиб, астойдил тавба-тазарру қилганига ишонч ҳосил қилмай туриб, оллодан мағфират тилаши мумкин эмас.

Унинг кўнглига шубҳа оралади. Балки бу аёлнинг тавба-тазарру қилгулик гуноҳи ҳам йўқдир. Ростдан ҳам фориф бўлишга лойиқ гуноҳ қилиб улгурмагандир. У яна беморнинг устига энгашиб, елкасидан авайлабгина тутди.

— Сен ҳадемай яратган эгамнинг ҳузурига борасан, — деди у овозини пасайтириб. — Олло гуноҳкор бандаларига марҳамат қилмайди.

У беморнинг қулоғига яқинлашган эди, аёл кескин бош чайқади.

— Мени холи кўйинг, тақсир. Мен учун бунчалик азиат чекманг. Аҳволим жуда ҳам яхши, маза қилиб ухламоқчиман.

Қоронғи бурчақда турган аёллардан бири пиқиллаб йиғлаб юборди. Бу нарса Сусаннани ҳушёр торгитди.

— Хустина! — деди у бошини кўтариб. — Агар йиғламоқчи бўлсанг, илтимос, бошқа бирон жойга бориб йиғлай қол.

Тўсатдан Сусаннанинг боши қорнига тиралиб қолгандек, ҳар қагча уринамсин, уни кўтаришга чоғи келмаётгандек туюлди. У бир амаллаб қорнини четга суриб қўймоқчи бўлган эди, ўз танаса бутунлай босиб тушди-да, кўзини, оғзибурнини тўсиб, нафас олишига имкон бермай қўйди. У қоп-қоронғи бўшлиққа юзгубан қулаб тушаётгандек жонҳолатда типирчилай бошлади.

* * *

— Мен донья Сусаннанинг қандай ўлганини ўз кўзим билан кўрганман.

— Нима деясан, Доротеа?

— Нимази эшитган бўлсанг шуни-да.

* * *

Эрталаб комалаликларни кўнғироқларнинг жаранг-журунги уйғотиб юборди.

Саккизинчи декабрь куни эрталабданоқ ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Дастлаб катта кўнғироқ зарб урди, кейин унга бошқалари жўр бўлди. Одатда байрам

тантаналари маросими пайтида қўнғироқлар шу зайил жаранглар эди. Биринкетин эшиклар очилиб, ҳайратга тушган одамларнинг юзи кўринди. Тўғри, қизиқувчанлар камроқ, сабаби, янги кун бошланганидан дарак бериб эшитаётган урилган заҳоти турадиганлар унча кўп эмас. Бироқ бутун қўнғироқларнинг овози тинай демасди. “Исонинг макони” черковидаги қўнғироқлар тилга кирди, унга “Ҳаётбахш Бут” черковидаги қўнғироқлар жўр бўлди, ҳатто узоқ-яқин қабристонлардаги қўнғироқлар ҳам жаранглай бошлагандек туюларди. Чошгоҳ пайтида ҳам қўнғироқлар сира тинай демасди. Шомда ҳам уларнинг жаранги тўхтамади, аксинча, худди келишиб олгандек ҳаммаси баробарига занг уриб, олдингисидан кўра баландроқ овозда жаранглаб, қулоқни қомагга келтиргудек бўлар ва пировардида юракларни зириллатадиган даҳшатли гулдуросга айланарди. Одамлар бир-бирлари билан бақриб-чақриб гаплаша бошлашди. “Нима бўпти?” — дея ажабланиб сўрашарди улар.

Учинчи кун кечга томон одамларнинг қулоғи том битди. Тўхтовсиз жаранглаётган қўнғироқларнинг шовқин-суронидан одамлар бир-бирларининг гап-сўзларини англолмай қолди: қўнғироқлар тўхтайдиганга ўхшамасди. Ора-сира уларнинг гулдуроган садосини босиб кетгудек бўлиб эшитилган гап-сўзлар худди ичи бўш хумнинг гувуллашига ўхшаб жарангларди.

- Донья Сусанна қазо қилибди.
- Ким дейсиз?
- Бскамиз.
- Кимнинг бекаси? Сеникими?
- Йў-ўқ! Педро Парамонинг завжаи ҳалоли.

Қўнғироқларнинг овозини эшитиб, Комалага яқин-йироқдаги қишлоқлардан, ҳатто қўшни шаҳарлардан ҳам одам ёпирилди. Конглиликлар худди ибодатга отлангандек тўда-тўда бўлиб келишди. Энг чекка жойлардан келаётганларнинг кети кўринмасди. Кутилмаганда дарбозлар билан чархпалак ўйнатувчилар тушган циркчиларнинг кўчма уйи пайдо бўлиб қолди. Ўйин-томошага ишқибоз чалғучилар олдин таваккалига у-бу чалиб кўришди, кейин қизиқиб кетишганини ўзлари ҳам сезмай қолишди, кечга томон кўчаларда ишқий қўшиқлар селдай оқа бошлади. Қўнғироқларнинг дафн маросимига бағишлаб чалинаётган садосига қўшилиб, Комалада шод-хуррамлик авжга чиқди. Одамлар сайилга йиғилганга ўхшар: ҳаммаёқда қўшиқ, ўйин-кулги; майдон худди байрам кунларидагидек тирбанд.

Қўнғироқларнинг садоси тинди, бироқ сархуш бўлган одамларнинг шовқин-сурони босиладиганга ўхшамасди. Уларга қўнғироқлар бандаликни бажо келтирган аёлга тутилган мотам туфайли чалинганини айтиб, тушунтириш маҳол. Бу чақирлмаган қўноқларни ҳайдаб чиқаришнинг иложи йўқ эди. Ҳайдаб чиқаришга йўл бўлсин! Қайтанга вақтихушлик қилувчилар соат сайин кўпайиб борарди.

Бу дунёда борлиги одамларнинг эсидан чиқиб кетган Медиа-Луна қишлоғи эса ғарибгина мунғайиб турарди. Югурдак ва хизматкорлар оёқ яланг бўлиб олишган, пичирлаб гаплашишарди. Сусанна Сан-Хуан дафн этилди, бироқ бу маросимга Комаладан ҳеч ким келмади ҳисоб. У ерда худди бозор бўлаётгандек тўс-тўполон авжида эди. Тинмай куй янграб, бир четда хўроз уриштиришар, маст-аластлар бақриб-чақришар, овози ўткир лотереячилар одамларни омадди билетдан қуруқ қолмасликка чорлашарди. Комаладаги шод-хуррамлик шарафига ёқилган сон-саноксиз чироқларнинг шуъласи тушиб ёришган кулранг осмоннинг бир қисми Медиа-Лунадан кўришиб турарди. Медиа-Лунанинг кундузи ҳам тунидек руҳсиз ва зулматга чулганган эди. Хўжайиннинг амирона овози эшитилмай кўйди, дон Педро ўз хонасига қамалиб олган, у комалаликлардан ўч олишга қасд қилган эди.

- Қўл қовуштириб ўтиравераман, ҳаммалари очидан қирилиб кетишсин.
- У айтганини қилди.

* * *

Вақти вақти билан Телькуате келиб турарди.

— ...! ʻлар энди каррансистлармиз¹, — дея ахборот берарди у.

— Жуда яхши.

— Бизнинг кўмондонимиз генерал Обрегон.

— Жуда яхши.

— ... Ҳозир пойтахтдан сулҳ эълон қилишган. Бизларни уй-уйларимизга жўнатиб юборишди.

— Шошилма. Одамларингга айт, қуролини топширмай туришсин. Сулҳ кўпга бормайди.

— ... Падре Рентериа деган янги исёнчи пайдо бўлганини эшитгандирсиз? У анча-мунча одам йиғибди. Унга қарши курашайликми ё қўшилиб олайликми?

— Нималар деясан ўзингча? Ҳукуматни ёқлайвериш керак.

— Биз ҳаракатдаги армия эмас, партизанлармиз-ку, исёнчилар қаторига қўшиб юборишлари ҳеч гап эмас.

— Бўлмаса, дов-дастгоҳингни йиғиштириб, дам олиб ёт.

— Мен дам оламанми? Мен-а? Шунча гапдан кейин-а?

— Бўлмаса, ихтиёринг ўзингда, вазиятга қараб иш қил.

— Яхшиси, отахонимизга кўмаклашгани борамап. Уларнинг шиори менга жуда ҳам ёқиб тушди. Бундан ташқари роҳиб билан бирга юрсанг гуноҳинг афв этилиши тайин.

— Начора, ихтиёринг.

* * *

Педро Парамо Медиа-Лунага кираверишдаги катта дарвоза олдида қўйилган чивикдан тўқилган курсида ўтирарди. Туннинг сўнгги шарпалари чекиниб, аста-секин тонг ёришиб келарди. У дарвоза олдида чиқиб ўтирганига роса уч соат бўлди. Бироқ ётгиси келмас, у кўпдан бери уйку ва вақт ўлчови деган нарсалар борлигини унутиб қўйган. “Биз қари-қартанглар қуш уйку бўламиз, кўпинча киприк қоқмай ҳам юраверамиз, баъзи-баъзида жиндск мизғиб олсак бас. Мана шу бир чимдим уйку пайтида ҳам ҳали уни, ҳали буни ўйлаб ётасан. Энди қўлимиздан ҳасл суришдан бошқа нима ҳам келарди”. У бир оз жим қолди-да, овоз чиқариб гапирди: “Энди бу ёғи яқин. Бу ёғи жуда ҳам оз қолди”.

Пайдар-пай оқиб келаётган ўйларнинг адоғи йўқ. Бу оламни тарк этганингдан буён талай вақт ўтди, Сусанна. Ўшанда ҳам уфқ худди каптар қони сачрагандек қизғимтир тус олиб, тонг ёришиб келаётган пайт эди. Ҳали чарақлаб улгурмаган кўёш нурлари бутунлай тарқаб кетмаган қоронғилик қаърини ёритишга ожизлик қиларди. Ҳа, худди ҳозиргидек субҳи-содиқ эди. Мен дарвоза олдида ёришиб келаётган уфққа тикилиб ўтирардим; сенинг тўсатдан намоён бўлган нурафшон манзилларга элтувчи самовий йўл бўйлаб мендан узоқлашиб бораётганингни жимгина кузатардим. Сен энди бу оламдан батамом юз ўгириб кетиб борардинг, замину замон нигоҳим тушмаслиги учун сени мендан яширишга уринарди. Сени шу тариқа сўнгги марта кўриб қолдим.

Менга қайрилиб қараганинг ҳам йўқ. Хушбахт одамлар масканидаги сен тасодифан тегиб кетган дарахтларнинг гулга бурканган шох-шаббалари шитирлай бошлади ва дувиллаб тўкилган гулбарглар сенинг нафасингга қўшилиб, бамисоли жаннатнинг сўнгги хотирасидек шамолда тўзғиб кетди. Сен кўздан ғойиб бўлдинг, бироқ мен чақиримини қўймадим: “Қайт, Сусанна!”

Педро Парамо лабларини қимирлатиб нималарнидир шивирларди. Кейин у лабларини қимтиб, кўзини очди; қорачиқларида ёришиб келаётган куннинг акси кўринди.

Тонг отди.

¹ Каррансистлар — 1914 — 20 йиллар мобайнида Мексика президенти бўлган Венустиано Карранса тарафдорлари. Карранса конституционалистларнинг консерватив қисми кўмағида Мексика инқилоби пайтида пайдо бўлган деҳқонларнинг партизан отрядларини тор-мор келтирган.

* * *

Худди шу саҳар пайтида Гамалиэль Вильяльпондонинг онаси донья Инес дўкон олдини супуриб-сидирар эди. Тўсатдан қия очиқ турган эшикдан қасрдандир пайдо бўлган Абундио Мартинес кириб келди. Гамалиэль пештахта устида пашша таламаслиги учун самбреросини юзига ёнганча донг қотиб ухларди. Абундио то донья Инес кўчани супуриб бўлганидан кейин дўконга кириб, супургисининг сопи билан ўғлининг биқинига нуқиб уйғотгунча сабр-тоқат билан кутиб турди.

— Тур! — дея шанғиллади донья Инес. — Харидор келди.

Гамалиэль норозилик билан пўнғиллаганча туриб ўтирди, ҳаддан ташқари кўп ичганидан ва сира тўйиб ухламаганидан қизариб кетган кўзларини зўр-базўр очди — у улфатларнинг хурмати учун узатилган қадаҳни қайтаришни ўзига эп кўрмасди. У онасини ҳам, турган-битгани азоб-уқубатдан иборат бу расво ҳаётни ҳам бўралаб сўкканча бир неча дақиқа ўтирди-да, гурс этиб ёнбошига ағдарилди ва гужанак бўлиб яна пинакка кетди.

— Э, расво ароққашлар! — дея уйқусираб гўлдиради у. — Каллаи саҳарлаб захрига ютишни ўйлашади-я, кейин мен товонига қолиб юраман.

— Ундан хафа бўлма, Абундио, ўзинг ақли-хушлисан-ку. Кеча йўловчилар тушиб, ярим кечагача ўтиришди, бўккунча ичишди ўзлари ҳам. Айтмоқчи, нега азонлаб келиб қолдинг? — дея овозини баландлатди кампир Абундионинг гаранглиги эсига тушиб.

— Келгим келди-да. Чоракга қуйиб берсангиз бўлди, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Нима, Рефухионинг яна мазаси қочдимиз?

— Рефухио йўқ энди, Вилья хола. Кечаси ўн бирларда узилди. Қўлимдан келган ҳамма нарсани қилиб кўрдим. Эшакларимни сотдим. Ишқилиб, хотиним тузалса бас, деб ҳеч нарсанинг бетига қараганим йўқ.

— Нималар деясанг? Гапингга тушунганим йўқ. Ё ҳеч нарса деганинг йўқми?

— Тонг отгунча ўликнинг ёнида, Рефухионинг тепасида ўтириб чиқдим, деяпман. Кеча кечаси бандаликни бажо келтирди.

— Ўлим-йитим бўлишини кўнглим сезиб турувди. Ё, тавба?! — деди ҳайратланиб донья Инес. — Ҳатто Гамалиэльга: “Комалада биров қазо қилмадимкин, кўнглим бузилиб, йиғи босиб турибди”, десам у гапимга қулоқ қоқмади ҳам. Мен билан гап соғишиб ўтиришга вақти бўлгани ҳам йўқ, йўловчиларнинг кўнглини оламан деб, атрофида гирдикапалак бўлаверди, охири учиб қолганини ўзи ҳам билмади. Кайфи ошгандан кейин униг одатини биласан-ку, бармоғингни кўрсатсанг ҳам кулаверади, у ёқда уйига ўт тушса ҳам иши йўқ. Манави кўргиликни қара-я. Расм-русмини қилиб, ўликнинг тепасида калима келтириб турадиган биронтасини чақирдингми?

— Ҳеч кимни чақирганим йўқ, Вилья хола. Шунинг учун чоракта қуйиб беринг, деяпман — зора дардим ариса.

— Сув қўшилмаганидан бера қолайми бўлмаса?

— Шундай қилинг, Вилья хола. Бу гаплар сал нари кетсин. Фақат тезроқ бўлинг, вақтим зиқ.

— Хўп. Ма, бир стакан спиртнинг ўзини ича қол. Ароқ баҳосида ҳақ тўларсан, бутун сени сийлаяпман. Марҳумага айтиб қўй, мен у бечорани жуда ҳам яхши кўрардим, у дунёда мени эслаб турсин.

— Айтиб қўяман, Вилья хола.

— Фақат бу гапни ҳозир, ҳали жони танидан нари кетмасдан туриб айт.

— Хўп бўлади. Унинг ҳам сиздан илинжи бор — бунисини аниқ биламан — дуо билан руҳини шод қилиб туришингиздан умидвор. У бечора жафокашнинг кимга тавба-тазарру қилишини билмай қанчалки қийналганини билсангиз эди.

— Нега дарров падре Рентериани олиб келмадинг?

— Борсам йўқ экан, тоққа чиқиб кетган дейишди.

— Қанақа тоққа?

— Ким билади дейсиз, мана шу ўзимизнинг тоғларгадир-да. Ҳукуматга қарши курашаётган эмиш, ёлғиз эмас, ёнида одамлари ҳам бор экан.

— Ё тавба?! Шундай одам-а? Бизлар жуда ҳам бахти қаро, шўрпешоналар эканмиз, Абундио.

— Менинг фикримча бу нарсаларнинг бизга ҳеч дахли йўқ, Вилья хола. Биз учун ҳаммаси бир гўр, Вилья хола. Яна чоракта қуйворақолинг, барибир, Гамалиэль ухлаётгани учун бекиткича сийлаясиз-ку.

— Менга қара, Рефухиога тайинлаш эсингдан чиқмасин-а, менинг гуноҳи азимларим учун парвардигори оламдан бир оғиз мағфират сўраб қўйсин.

— Хотиржам бўлинг, борган заҳотим тайинлайман. Гумонсираб ич-этингизни еб юрмаслигингиз учун хоҳласангиз унга қасам ҳам ичираман.

— Э, яша, шу гапни айтолмай турувдим. Биласан-ку, хотинларнинг эс-хуши жойида бўлмайди. Хотин кишидан қўлга тушган заҳоти талаб қилмасанг, кейин бармоғингни тишлаб қолаверасан.

— Яна чоракта бера қолинг, — деди Абундио Мартинес пештахтага йигирма сентаволик танга ташларкан. — Текинга берсангиз ҳам йўқ демайман. Сийлаганингиздан бошим кўкка етади. Лекин бунисини албатта уйга олиб кетаман, хотиним бечоранинг тепасида ўтириб ичаман.

— Шундай қил, Абундио, ўғлим уйғонадиган вақт бўлиб қолди, калласи ғовлаб турган пайтда заҳар босиб кетади. Уйинга чоп, Абундио, мен айтган гапларни хотинингга тайинлаш эсингдан чиқмасин.

У йўғала-йўғала дўқондан чиқди. Спиртнинг кучини қаранглар-а! Нақ оловнинг ўзи-я! Спирт ичсанг тезроқ маст бўласан, дейишганига у суриштирмай ичаверди, газигига қўйлагининг этаги билан елпиниб қўя қолди. Қўлидаги шишани ҳам қоқлади-да, марҳума кутиб ётган уйи томон кета туриб, тўсатдан бошқа томонга бурилиб, кўчанинг нариги бошига қараб юрди; охириги уйдан ўтгач, қишлоқдан узоқлашиб кетувчи йўлга тушиб олди.

— Дамиана! — деб чақирди Педро Парамо. — Ҳов анови келаётган одамга нима керак экан, сўраб кўр-чи.

Абундио бошини саланглатганча қоқилиб-суқилиб, баъзан тўрт оёқлаб, ўжарлик билан олдинга силжирди. Оёғи остидаги замин чириллаб айланар, худди асов аргумоқдек ирғишлаб, ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлар, Абундио эса уни ушлаб олишга уринар, бироқ эндигина етдим деганда яна қўлидан чиқиб, бутунлай бошқа ёққа қочиб кетарди. Кутилмаганда у аллақандай баҳайбат дарвоза олдида чиқиб қолди, рўпарасида чивикдан тўқилган курсида ўзига бино қўйган бир боён савлат тўкиб ўтирарди. Абундио таққа тўхтади.

— Ҳимматингизга яраша худо йўлига садақа қилинг. Хотинимни кўмишга ҳам қурбим етмайпти, — деди у.

“Шайтоннинг макр-ҳийлаларидан ўзинг паноҳингга асрагайсан, парвардигор!” — дея дуо ўқий бошлади Дамиана Сиснерос ва қўлини чўзиб турган Абундиони даф қилиш ниятида чўқинтиришга тушди.

Нега унинг қўзлари бунчалик ваҳимага тўла? Уни нега чўқинтиряпти? Абундионинг юраги шув этиб кетди. Унинг орқасидан жинлар эргашиб келган бўлса-я. Абундио изидан қараб турган бирон дахшатли махлуқни кўрсам керак, деган хаёлда ўтирилиб қаради. Лекин орқасида ҳеч нарсанинг ном-нишони йўқ эди.

— Саховатингизни дариг тутмай, хайр қилинг, — дея гапини такрорлади у. — Озгинагина бўлса ҳам майли. Хотинимни кўмишга ҳам қурбим етмайди.

Унинг елкаси оша қуёш кўтарилиб келарди. Қуёш... Ердан кўтарилган ҳовурдан хира тортиб, қунишиб турганга ўхшайди.

Педро Парамо худди куннинг ёрқин нуридан яширинмоқчидек бошини плашининг ичига тортди. Поёнсиз далалар бўйлаб Дамиананинг қулоқни қоматта келтирадиган чинқирғи кетма-кет янгарди.

— Ўлдиришяпти! Дон Педрони ўлдиришяпти!

Аёлнинг чинқирғи Абундиони эсанкиратиб қўйди. У қандай қилиб бу хотиннинг чакагини ўчиришни билмай боши қотди. Унинг фикрлари чалкашиб, нималар бўлаётганини идрок этолмасди. У фақат бу кампирнинг овози Комаладагиларгача етиб борганини биларди. Ҳатто ўлиб ётган Рефухио ҳам эшитган бўлса ажаб эмас. Унинг том битган қулоқлари шанғиллаб кетяпти. Мунча аюҳаннос солмаса, бу қоқбош? Хотинини эслаши билан унинг ҳовли ўртасидаги каравотда ёлғиз ўзи чўзилиб ётгани кўз олдига келди, у марҳумани атай — тезроқ

бадани қотсин деб ташқарига олиб чиқди, анчагача ҳидланмай туради. Бечора қимир этмай ётибди, кечагина сопша-соғ эди, баданидан ўт чиқиб, у билан каравотда гумбаздай бўлиб ётган, бурнини бурнига ишқаб, лабларини тишлаб ўйнашган эди. Шўрлик пахлавондай ўфил ҳам туғиб берган эди, афсуски, умри қисқа экан, бир кун ҳам яшамасди. Доктор бекорга ҳомилага ҳам, ўзига ҳам жабр қилибди, деди. Шўрликнинг тортмаган дарди қолмади ўзи ҳам: ҳали шамоллаш, ҳали безгак; неча марта кўзикиб қийналганлари-чи. Охирги марта доктор олиб келганида яна бир талай касали борлигини айтди, хизмат ҳақиқага ҳазилакам пул сўрамади ноинсоф, у кунига яраб турган эшакларини сотишга мажбур бўлди — доктор текинга шундан шу ёққа келармиди. У пулни олишга олди-ю, лекин жонига ора киргани йўқ. Мана энди Рефухио эрталабки салқин ҳавода музлаб ётибди, кўзлари абадул-абад юмилган; энди на тонг ёришганини, на уфқ ортидан мўраллаган, қиёмга келган кўёшни — умуман ҳеч нарсани кўриб қувонмайди.

— Саховатингизни дариф тутманг, — яна бояги гапини такрорлади у. — Мен гадога садақа қилинг.

Бироқ Педро Парамо унинг гапини эшитмасди; аёлларнинг чуввоси бошқа овозларни босиб кетарди.

Комаланинг йўлида қора-қура нуқталар пайдо бўлди. Кўп ўтмай бу нуқталар одам шаклига кирди, бир неча дақиқадан кейин эса улар бу ерга етиб келишди. Дамиана Сиснерос жимиб қолди, хоч қилиб чалиштирилган қўлларини ёзиб, ўзини ерга отди, оғзини катта очганча ютоқиб нафас ола бошлади.

Шаҳар томондан келган одамлар уни ўрнидан турғазиб, уйга олиб киришди. — Сизга бирон шикаст етказгани йўқми, хўжайин? — деб сўрашди улар.

Педро Парамо плашнинг орасидан мўралаб, аста бош чайқади.

Одамлар Абундионинг қўлидаги қонга беланган дудамани тортиб олишди. Унинг қулоғига:

— Биз билан юрасан, — деган овоз чалинди. — Кўрмаганингни кўрасан энди.

Абундио итоаткорлик билан уларнинг олдига тушди.

Комалага етиб келишганда зарурат учун четроққа ўтиб келишга ижозат сўради; эндигина бурилиши билан бирдан ўқчиб юборди. Худди бир хум сув ичгандек фарқ-фарқ этиб тўхтовсиз сафро ташлади. Боши эса ўтга солинган мисдек қизиб кетди.

— Кўп ичиб қўйибман, — деди у гўлдираб.

У бир амаллаб изига қайтди-да, соқчиларнинг елкасига осилди. Улар Абундиони судраб кетишди, этигининг учи туироқ йўлга иланг-биланг из солиб кетди.

* * *

Педро Парамо эса ўзининг чивикдан тўқилган курсисида Комалага элтувчи йўлдан борган сари олислаб кетаётган одамларга тикилиб ўтираркан, чап қўлини кўтармоқчи бўлди. Негадир қўли амрига итоат этмади, худди жони йўқдек шилқ этиб тиззасига тушди. Унинг эти сесканмади. Педро Парамо бундай нарсаларга кўникиб кетган: ҳар кунни бирон аъзоси ишдан чиқарди. Хушбахтлик боғидаги дов-дарахтларнинг гули тўкила бошлаган эди. “Ҳамманинг кетар йўли — шу. Ҳамманинг...” У яна узилиб қолган хаёлларига фарқ бўлди.

— Сусанна, — дея кўзларини юмиб олди у. — Қайтиб келгин деб сенга ёлворган эдим...

... Тепамиздаги баркашдек ой мўл-кўл нур сочарди — у бутун борлиқнинг мағзига ўхшарди. Бироқ менинг кўзларим сендан бўлак ҳеч нарсани кўрмасди. Ой нури сенинг юзингда акс этарди. Эсим оғиб, сенинг чехрангдан, фақат менгагина ато этилган мўъжизадан: ой нурида товланаётгандек жилваланган ёноқларингдан, хушхўл жимирлаган юлдузларнинг шуъласидан ял-ял ёнган лабларингдан; тун денгизида оқариб кўринган танангдан кўз узолмасдим, Сусанна, Сусанна Сан-Хуан.

У суюкли кишисининг сиймосини хиралаштириб турган ғуборни елиб ҳайдаш ниятида яна қўлини кўтаришга уриниб кўрди, бироқ қўли оёқлари устига худди тошдек тўп этиб тушди. Шунда у иккинчи қўлини кўтармоқчи бўлди,

лекин униси ҳам аста-секин танасидан ажраб, худди чоғиб ташланган елкасига қўйилган тирговичдек ёнбошига тушди-да, ҳассадай қотиб қолди.

“Мана паймонам ҳам тўлди”, дея хаёлидан кечирди у.

Тонгги қуёш ҳамма нарсага ўзининг асл қиёфасини бахш этган, кўз ўнгида чўзилиб ётган далага гўё марварид сочилгандек ялтилар эди. Педро Парамо ўзининг қаровсиз қолиб кетган экинзорларига хомуш боқарди; кўз олдида ўлим муҳрини босиб, вайронага айланган харобазор ястаниб ётарди. Қуёш нури баданини қиздирди. Ҳақиқий борлиқни тўсиб, ёпирилиб келаётган хотиралардан нигоҳи безовталанди.

Унинг юраги увишиб, тўхтаб қолаётганга ўхшар, назарида юрагига қўшилиб вақт ҳам юришдан тўхтагандек эди. Ҳаёт нафаси ҳам сўниб борарди.

“Ишқилиб, бу тушининг, янги, адоғи йўқ кечанинг муқаддимаси бўлмасин”, деб ўйларди Педро Парамо.

У қоронғи тушишидан безилларди: қоронғида кўзига ҳар хил шарпалар кўри-навсради. Тасаввурдаги бундай қиёфалар билан ёлғиз қолиш юракка ваҳм солар, у тун чўкишидан безилларди.

“Бир неча соатдан кейин қош қорайиши билан яна Абундио пайдо бўлиши турган гап. У қон юқи теккан қўлларини чўзиб, мен бермаган пулларни талаб қила бошлайди. Унга қарамаслик учун кўзимни тўсиб олай десам, энди қўлларим йўқ. Унинг тиланишини тун билан эшитиб чиқишга мажбурман, фақат тонг отгандан кейингина у тинчиб, кўздан нари кетади”.

Кимдир унинг елкасига секингина турди. Унинг қўлсиз танаси тарап тортилиб, ўрнидан кўзгалди.

— Бу мен, дон Педро, — қулоғига Дамиананинг овози чалинди. — Бирон егулик олиб келайми?

— Мен кетяпман, — дея жавоб қайтарди Педро Парамо. — Кетяпман... У ёққа...

Дамиана Сиснерос уни икки қўллаб ушлаб олди. Педро Парамо ўрнидан турди-да, олдинга қараб юрди, бироқ гандираклаб йиқилди. Ичидан илтижо тўла бир фарёд тошиб келиб, бўғзига тикилган бўлса-да, чурқ этган овози чиқмади. Унинг танаси эски ва ҳайбатли кўрғон каби бўлакраниб, гурсиллаб қулади ва шу бўйи бир уюм култенага айланиб қолди.

Т а м о м

Эмин УСМОН таржимаси.

